Мен Халқаро ислом тафаккури институти раҳбариятидан китобимни инглиз тилига таржима қилишга қарор қилганликлари, Лондон идораси ходимларидан китобни таҳрир қилиш бўйича машаққатли меҳнатлари, шунингдек, биринчи нашрга ва янги иккинчи нашрга қўлёзма тайёрлаш учун унинг камчиликлари ва аниқроқ изоҳларини талаб қиладиган фикрларга эътибор қаратишга ёрдам берганликлари учун миннатдорлик



билдираман. Профессор Абдулвоҳид Луълуъага таржиманинг дастлабки лойиҳасини тайёрлаш бўйича машаққатли ишни ўз зиммасига олгани учун ўз миннатдорлигимни изҳор қиламан.

Ниҳоят, мен ушбу китобимни ҳаётда шаклланишимга катта ҳисса қўшган учта аёлнинг: раҳматли онам Нафиса ва икки холам – Маймуна ва Сакиналарнинг руҳларига бағишлайман.

**МАЛИК БИБИКИР БАДРИЙ**

*Истанбул Сабаҳаттин Заим Университети, Туркия*

2018-ЙИЛИ МАРТ

## БИРИНЧИ БОБ

---

### Мушоҳада: Замонавий психологик истиқбол

#### ИСЛОМИЙ МУШОҲАДА ВА ДУНЁВИЙ ПСИХОЛОГИЯ

Исломдаги энг юксак ибодат шаклларида бири бўлган Исломий *мушоҳада (тафаккур)* ҳақида дунёвий ва маданиятга боғланган фан замонавий Ғарб психологияси нуқтаи назаридан муҳокама қилиш бемаънидек туюлиши мумкин. Бироқ, дунёвий мусулмон кишилар ва Шарқнинг бўлажак мусулмон психологларининг аксарияти ҳали ҳам унинг таъсири остида бўлганлиги сабабли, мен бунинг муҳимлигини англадим ва китобни шу бобдан бошлашга қарор қилдим. Умид қиламанки, бундай баён ҳали ҳам дин психологияси бўйича Ғарб психологик-таҳлили йўналишидаги дарсликлардан Ислом ахлоқини ўргатадиган мусулмон ўқитувчилар учун жуда фойдали бўлади. Гарчи улар бу билан психологияни исломлаштираётганликларига ишонишса-да, аслида, улар, эҳтимол, билмаслик оқибатида, Исломни дунёвийлаштирмоқдалар! Афтидан, ушбу китобнинг аксарият ўқувчилари замонавий Ғарб психологияси билан таниш бўлмаганликлари туфайли, мен тавсифимни атайлаб соддалаштирдим. Худди шундай, мен ибодатнинг бир шакли сифатида Исломий тафаккур нуқтаи назаридан замонавий психологияни чуқур танқид қилиш оддий китобхон учун жуда зерикарли бўлади, деган қарорга келдим.

Исломий ибодат шакли сифатида мулоҳазани, биринчи навбатда, Ғарб психологиясининг медитация маросимларига бўлган қизиқиши ва уларнинг турли хил тушуниш ҳолатларига олиб бориш қобилияти доирасида кўриб чиқиш мумкин. Гарчи мулоҳазанинг Исломий шакли орқали кейинроқ кўрсатиб бериладиган бўшаштирувчи афзалликларига эришиш мумкин

бўлса-да, шунга қарамай, у ҳали ҳам мулоҳазанинг асосий мақсади кўпроқ когнитив ва ақлий хусусиятга эга бўлган Шарқий динлардан олинган медитация маросимларининг бошқа барча шаклларида фарқ қилади.

Ислом мушоҳадасида онгнинг турли ҳолатлари жараённинг тугадини англатмайди, балки Худо коинотнинг Яратувчиси ва Парвардигори эканлигини чуқурроқ англаш туйғусидир. Бинобарин, Исломий мушоҳаданинг ҳар томонлама психологик муҳокамаси когнитив психология доирасига кирадики, бу ерда фикрлаш психологиясининг ўзига ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Когнитив психология соҳаси ўзининг тозаланмаган шаклида, бихевиоризм устун мавқега эга бўлишидан олдин, дастлабки психология мактабларининг диққат марказида бўлган. Ўша даврда психология асосан одамларнинг онгини, уларнинг ҳис-туйғуларини, фикрларини ва мия тузилишини ўрганиш учун ишлатилган, шунингдек, ўрганиш жараёни фақат шундай истиқболлар орқали кўриб чиқилган.

Хулқ-атвор фанлари мактаби ўрганишни стимуллар ва уларга кўринадиган жавоблар орқали кўриб чиқиш мумкин бўлган мутлақо янги ёндашувни жорий қилган ва у психологиянинг асосига айланган; ҳис-туйғулар, онгнинг таркибий қисмлари ва фикрлаш жараёни тўғридан-тўғри кузатиб бўлмайдиган масалалар ҳисобланган, уларни ўрганишда ишлатиладиган усуллар эса (масалан, ўз-ўзини кузатиш, назорат ва ички жараёнларни тавсифлаш) ноаниқ ва ишончсиз деб танқид қилинган ҳамда экспериментал (илмий тажрибага оид) тадқиқотлар томонидан назоратга олинмаган. Шундай қилиб, психологияни физика ва кимё сингари аниқ экспериментал фанга айлантирмоқчи бўлган хулқ-атвор фанлари мактабининг тарафдорлари ўз ишларини лаборатория шароитида кузатиладиган ҳодисага айлантиришган, кузатилиши ва ўлчаниши мумкин бўлган жавоблар эса уларнинг экспериментал ва илмий қизиқишлари марказига айланган. Бошқа томондан, инсон ичида содир бўладиган когни-

тив ва ҳиссий жараёнлар унинг таркибини кўриш мумкин бўлмайдиган ёпиқ қора қути каби қаралган, шунинг учун вақтни беҳуда сарфлашга арзимас эди. Шу тарзда, хулқ-атвор фанлари мактаби тарафдорларининг фикрига кўра, кишилар шунчаки маълум бир стимулга жавоб берадиган машиналар бўлганлиги туфайли бу жавобни назорат қилиш ва олдиндан айтиб бериш мумкин. Бундай ёндашув мулоҳаза қилиш масаласини автоматик равишда психологик тадқиқотлар соҳасидан йўқ қилган.

Шахс ичидаги маънавий ва когнитив жараёнларни эътиборсиз қолдириб, жисмоний ва биологик фанларга тақлид қилишга уриниш, шубҳасиз, бихевиоризмнинг асосий қурувчиси Дж.Б.Уотсон томонидан бошланган. Унинг таъкидлашича, одамларни ҳайвонлардан бошқа нарса эмас деб ҳисоблаш керак ва одамлар бошқа ҳайвонлардан фақат кузатиладиган хатти-ҳаракатларнинг турли шакллари билан фарқ қиладилар. Илмий ёндашув доирасига риоя қилиш учун психологлар одамларни ҳайвонларни ўрганиш усуллари билан фарқ қилмайдиган усуллар билан ўрганишга имкон беришлари зарур. У бихевиоризм ҳақида қуйидагича ёзади:

*Одамни экспериментал ўрганиш учун бир қатор тадқиқотчилар кўп йиллар давомида одамдан фарқ қиладиган ҳайвонларни ўрганишга мос деб ҳисобланган бир хил усуллар ва бир хил тавсиф тилини қўллаш. Биз ҳозир, ўша пайтда ҳам, одам бошқа ҳайвонлардан фақат хулқ-атвори шакллари билан ажралиб турадиган ҳайвон эканлигига ишондик.*

*Кўпол қилиб айтганда, агар сиз психолог сифатида илмий ёндашувни сақламоқчи бўлсангиз, унда сиз одамнинг хатти-ҳаракатларини ҳам худди сўйшлаётган буқанинг хатти-ҳаракатларини тасвирлаганингиздек, ўшундай сўзлар билан тасвирлашингиз керак.<sup>1</sup>*

Ушбу чекланган қарашнинг таъсири остида ва Иван Павлов таълимотининг ҳамма нарсани шартли рефлекс билан тушунтиришга қўшган ҳиссасидан илҳомланиб, хулқ-атвор фанлари мактаби тарафдорлари стимул ва жавоб муносабатлари орқали инсоннинг ҳар қандай ақлий ёки психологик ҳаракатларини аниқлашда давом этишган. Ҳатто ақлий фаолият жараёни ҳам стимул ва жавоб ўртасидаги ўзаро таъсирлар тармоғи билан изоҳланган ва ўзи билан суҳбатдан бошқа нарса эмас деб ҳисобланган.

*Одамларни дегуманизация қилишдан асосий мақсад – бу тушунчага илмий тус бериши эди. Бошқа асосий мақсадлар Фарб жамиятларини дунёвийлаштириши ва уларни дин чангалидан озод қилиши эди. Шу муносабат билан, Уотсон одамларни ҳайвонлар деб таснифлашни истамаслигидан, шунингдек, Худо уларни яратганига ва ўлимдан кейин ҳаёт борлигига соддалик билан ишонишидан норози бўлган. У куйидагича таъкидлаган:*

*Одамлар ҳайвонлар синфи сифатида таснифланишини хоҳламайдилар. Гарчи улар нафақат ҳайвонлар, балки “бошқа кўпроқ бировлар” ҳам эканликларини тан олишига тайёр. Айнан шу “бошқа кўпроқ биров” муаммонинг илдизидир. Унда дин, ўлимдан кейинги ҳаёт, ахлоқ, болаларга, ота-оналарга, мамлакатга бўлган муҳаббат ва ҳоказо деб таснифланган барча нарсалар мавжуд.<sup>2</sup>*

Айтилганларнинг барчасидан бихевиоризм одамларда яхшилик ёки ёмонликка туғма интилиш борлигини ва улар ишонган нарса на тўғри, на ёлғон эканлигини қатъиян инкор этиши маълум бўлади. Шамолли кунда қуруқ барг каби, уларнинг табиати, кадриятлари ва эътиқодлари атрофдаги барча стимуллар билан белгиланади. Бихевиористик концепцияда ҳеч қандай умумий маънавий меъёрлар ёки ахлоқий кадриятларга ўрин йўқ. Бундан ташқари, у одамнинг танлаш эркинлиги ҳақида ҳар

қандай эслатмани ҳамда маънавий ва ахлоқий қадриятларни англаш асосида қарор қабул қилиш қобилиятини истисно қилади. Бундай психология доирасида мушоҳада ва ички когнитив маънавий ғоялар ва ҳис-туйғулар ҳақида гапириб бўлмайди. Машҳур британиялик невролог Джон Экклс бихевиоризмнинг ушбу танқидини мана бу тарзда қўллаб-қувватлайди:

*Бихевиоризм ҳукмронлигининг узоқ қоронғи кечасида “ақл”, “онг”, “фикр”, “ният” ва “эътиқод” сўзлари “ифлос” деб ҳисобланиб, “боадаб” фалсафий суҳбатда фойдаланишга руҳсат берилмаган. Ажабланарлисиз шундаки, энг аниқ фалсафий одобсизлик тўрт ҳарфли (инглиз) сўзларнинг янги синфи – (“mind”, “self”, “soul”, “will”), яъни “ақл”, “онг”, “жон”, “ирода” эди.<sup>3</sup>*

Гарчи психоанализ ва биология нуқтаи назари каби бошқа устунлик қилувчи қарашлар ва психология мактаблари бихевиоризм тарафдорлари билан кучли келишмовчиликларга эга бўлган ва у ҳозир ҳам мавжуд бўлса-да, улар секуляризация ва онгли фикрлаш вазифасини камситишда бир-бирига тўлиқ ўзаро мос келмоқда. Масалан, Фрейднинг классик психоанализи инсон хатти-ҳаракатларини онгсиз жинсий ва тажовузкор ички турткилар билан тўлиқ аниқланган деб билади. Яъни, одамларнинг онгли ғоялари, мулоҳазалари, қарорлари ва муҳокамалари улар ҳатто гумон қилмайдиган чуқур онг остининг ён маҳсулотларидан бошқа нарса эмаслигини англатадиган хатти-ҳаракатидир. Фрейд диннинг ўзини пуч хаёл ва оммавий невроз деб ҳисоблаган!

Қаттиқ органик-биологик нуқтаи назарга асосланган анъанавий психоневрология ҳам онгли фикрлаш, танлаш эркинлиги ҳамда шахснинг ўзгармас маънавий ва ахлоқий фазилатларининг аҳамиятини пасайтиради. Ўзининг бўрттирилган шаклидаги биологик детерминизм (нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги материалистик таълимот) одамларнинг

қилаётган ишларидан табиий ёки ғайритабиий бўлган ҳамма нарса ирсий генлар, асаб тизими ва туғма биокимё томонидан тўлиқ бошқарилишини таъкидлайди. Бир тадқиқотчи таъкидлаганидек, “ҳар бир бузуқ фикр ёки ҳаракат инсон миясидаги бузуқ молекула томонидан бошқарилади”. Назарий жиҳатдан, улар ушбу туғма биологик жараёнлар компьютернинг қаттиқ дискидаги дастурга ўхшаш тарзда атроф-муҳит билан ўзаро таъсир қилади, деб ҳисоблайдилар: агар сиз барча тафсилотлар ва ўзгарувчилар ҳақида билиб олсангиз, у ҳолда инсоннинг келажакдаги хатти-ҳаракатларини аниқ тахмин қилишингиз мумкин. Бинобарин, улар инсон ахлоқий хатти-ҳаракатларининг кўп қисмини тушунтирадики, дин ҳар доим уни онгли танлов деб ҳисоблаган ва у бузилмас биологик детерминизм нуқтаи назаридан жавобгардир. Мисол учун, бир қатор тадқиқотлар ёрдамида жинсий ахлоқсизлик инсоннинг чуқур пинҳоний биологик дастурлаштирилган интилишлари эканлигини ва шунинг учун одамларни ўз генларидан туғилган инстинктларига эргашишда айблаш мумкин эмаслигини исботлашга ҳаракат қилинган.

Агар Исломий мушоҳадани психологик нуқтаи назардан ўрганиш кишининг ички онги ва когнитив фикрлари, унинг ҳис-туйғулари билан боғлиқ бўлса, унда Ғарб психологиясининг ушбу учта ҳукмрон истиқболлари (бихевиоризм, Фрейднинг психоанализи ва психоневрология) бу масалада озгина ёрдам бера олади ёки деярли ёрдам бермаслиги мумкин. Дарвоқе, иккита нуқтаи назар одамларни ташқи стимуллар ёки биологик ва биокимёвий омиллар томонидан бошқариладиган механик мавжудотлар деб билади, учинчи қарашга кўра эса, бизнинг онгли тафаккур ва ҳис-туйғуларимиз онгимиз ва эгомизни сақлагич механизмларининг алдашидир. Шундай қилиб, бу психологик мактаблар когнитив ҳаракатлар ва ҳис-туйғуларнинг бутун мажмуасини ҳаддан ташқари соддалаштиришга уринишлари билан, улар инсон хатти-ҳаракатларини илмий жиҳатдан тушунтириб, кўп йиллар давомида хурматга сазовор бўлишларига

қарамай, ҳали ҳам қоникарли натижаларни бера олмасликлари ажабланарли эмас. Эллик йил олдинги некбинлик бугунги кунда тарқалиб кетган ва Ғарб жамиятларининг ижтимоий ва психологик муаммолари, эҳтимол, кескин сакрашдаги иқтисодий инфляциядан ошиб кетган ягона ўзгарувчилардир. Уларнинг муваффақиятсизлиги ажабланарли эмас, чунки инсоният психологиясини ўзининг барча ўзгарувчилари ва маънавий жиҳатлари билан ҳеч қачон лаборатория тажрибаларининг кимёвий ва физик маълумотлари даражасига тушириб бўлмайди.

Баъзи психологлар бизни ишонтирганларидек, физика ва кимё каби аниқ фанлар нафақат узоқ тарихий ривожланиш даври натижасида, балки, энг муҳими, соф моддий табиати туфайли ҳам ажойиб муваффақиятларга эришган. Ушбу икки интизом модда ва қувватнинг хатти-ҳаракатларини ва уларнинг аниқ ўзаро таъсирини тушунтириш учун ўлчовлар ва мураккаб назарияларнинг асосий базасини ташкил этган. Иккита омил, чунончи, модда ва қувват асосли ҳисобланади, сабаби, атом ва унинг таркибий қисмлари – протонлар ва электронлар тушунчаларисиз экспериментал фанлар кўп нарсага эриша олмас эди. Худди шу нарсани биологиянинг асосий бирлиги сифатида ҳужайра ҳақида ёки ирсият масалаларида генлар ҳақида ҳам айтса бўлади.

Бирок, психологияда инсон хулқ-атворининг мураккаб табиати ва унинг моддий бўлмаган хусусияти бундай асосий унсурлар ёки уларнинг негизида ётган тушунчаларни ҳисобга олмайди. Бу ҳақиқатни рад этишга бўлган ҳар қандай уриниш муқаррар равишда муваффақиятсиз тугаб, тезда унутилиб кетган. Масалан, биз ушбу муаммони тасвирлаш учун шартли рефлекс тушунчасини олишимиз мумкин, чунки у психологиядаги энг оддий тушунчалардан бири ҳисобланган ва бихевиоризмнинг кўшлаб тарафдорлари томонидан қўллаб-қувватланган.

Шартли рефлекс дегани нима? Оч ит қўнғироқ овозини эшитида ва дарҳол қуритилган гўштни олади. Жараён қўнғироқ чалинганда ит сўлак чиқармагунча такрорланади. Сунъий



кўзғатувчи, яъни кўнғироқ чалиниши натижасида юзага келадиган бу сўлак чиқариши шартли рефлекс деб аталади. Бу одамларга осонликча қўлланилиши мумкинки, худди улар милтиллаган нурга тизза рефлекси билан ёки кўнғироқ чалинганда кўз кисиши билан жавоб беришни ўрганадилар. Гарчи бу ҳодиса ибн Сино ва ал-Ғаззолий каби илк мусулмон олимлари томонидан тасвирланган бўлса-да, уни биринчи марта машҳур рус физиологи Иван Павлов тажриба йўли билан ўрганган.

Шартли рефлекс орқали билиш оддий ўрганиш кўникмаларининг баъзи жиҳатларини аниқ тушунтириш мумкин, лекин психологиянинг кўплаб соҳалари “кўзғатувчи – жавоб” каби оддий муносабатларга асосланмаганлиги сабабли психологияда буни жиддий асос деб ҳисоблаб бўлмайди. Масалан, ижтимоий психология, инсонпарварлик психологияси, идрок қилиш, тил ўрганиш ва шунга ўхшаш соҳаларни “кўзғатувчи ва жавоб” шартли парадигмасига қиёслаб бўлмайди. Худди шундай, инсон хатти-ҳаракатларининг чуқур ички ва мураккаб томонларини шартлиликнинг қонунлари билан изоҳлаш мумкин эмас. Масалан, стимул ва шартли рефлекслар ёрдамида “севгини” қандай тушунтирса бўлади? Ушбу хатти-ҳаракатнинг мураккаб табиатида бундай энг қаттиқ бўлиниш учун жой йўқ.

Худди шу қийинчиликлар психологияга Эйнштейннинг физикадаги нисбийлик назарияси ёки Дарвиннинг эволюция назарияси каби ҳар тарафлама мукамал шакллантиришга имкон бермаган. Сўнгги илмий кашфиётлар Дарвин назариясидаги баъзи камчиликларни очиб берганига қарамай, у ҳалигача умумий ва кенг қамровли биологик назария бўлиб хизмат қилади. Психоанализ, гештальтпсихология ва таълимот назарияси каби замонавий психологиянинг баъзи мактаблари ва йўналишлари ҳамма нарсани қамраб олувчи назарияни шакллантиришга ҳаракат қилишган, аммо бу муваффақиятсизликка учраган, уларнинг саъй-ҳаракатлари Ғарб психологияси тарихининг фақат бир қисмига айланган, холос.<sup>4</sup>

Шубҳасиз, кетма-кет муваффақиятсизликлар замонавий психологларнинг кишиларнинг ички ҳис-туйғуларини, онгини, ақлини ва ақлий жараёнларини эътиборсиз қолдириб, ўз интизомини экспериментал фанга айлантиришга қаратилган бепарво ҳаракатларининг мантиқий натижаси эди, зероки улар аввал кишиларни руҳ ва маънавий асосларидан маҳрум қилишган. Ушбу деформацияланган ёндашувга бошиданок тез-тез иқтибос келтирилган британиялик психолог Сирил Бёрт каби узоқни кўра биладиган бир гуруҳ олимлар қарши чиққан. Сирил Бёрт психология бир вақтлар гўё ўзини якуний ҳалокатга тайёрлагандек, ўз руҳини, сўнгра ақлини ва охир-оқибат онгини йўқотган, деб айтган.<sup>5</sup>

### **ИСЛОМИЙ МУШОҲАДА ВА КОГНИТИВ ИНҚИЛОБ**

Эҳтимол, Фарб психологларининг замонавий психологияда инсониятнинг бузилган қиёфасининг қулаши ва уни тузатиш учун жуда кўп вақт талаб қилган деб айтганлари ҳеч кимни ажаблантирмас. Психология ўзининг “онгини” тиклаши ва ички онгли когнитив фаолиятини қайта кашф этиши ва намоён қилиши учун тўлиқ инқилобни бошидан кечириши керак эди. Бу замонавий когнитив инқилобдир. Тахминан йигирманчи асрнинг ўрталаридан бошлаб олимлар ички когнитив жараёнларга кўпроқ қизиқиш билдира бошладилар. Аммо психология “стимул-жавоб” тушунчасида бихевиоризмнинг юзакилигини ва психоанализ назарияларининг ғайриилмий бузилган табиатини тан олиш учун бир неча ўн йилдан кўпроқ вақтни талаб қилган. Бу одамлар томонидан атроф-муҳитдан олинадиган маълумотларни таҳлил қилиш ва таснифлашда фойдаланадиган ички ақлий фаолиятга оид жараёнларни ўрганишга қайтишни ифодалаган.

Психологияда бундай янги йўналиш ҳам дин нуқтаи назаридан ҳамда фан нуқтаи назаридан мулоҳаза қилиш қийматини кўрсатганлиги туфайли катта аҳамиятга эгадир. Гарчи бу когнитив ёндашувни психологиянинг дастлабки босқичларига қайтиш

деб ҳисоблаш мумкин бўлса-да, унда қўлланиладиган усуллар анча ривожланган ва инсоннинг когнитив намоёнларини ўрганиш учун махсус ишлаб чиқилган технологияларга, нейрофаннинг янги ютуқларига ва, энг муҳими, компьютер инқилобига боғлиқдир. Ушбу фанлар бўйича махсус тадқиқотлар бихевиоризм томонидан қабул қилинган машина сифатида киши тушунчасининг чекланганлигини аниқ кўрсатган. Ушбу тушунча киши “ахборот процессори” вазифасини бажарадиган янгиси билан алмаштирилган.

Замонавий олимлар инсоннинг фикрлаш қобилиятини, унинг ички когнитив ва ҳиссий жараёнларини ҳамда инсон хотирасини компьютер билан солиштирганда, инсон ташқаридан турли хил стимулларни қабул қилишини, кейин уларни кодлаши, таснифлаши ва хотирасида сақлашини, шунингдек, янги муаммоларни ҳал қилиш учун уларга заруратдан яна мурожаат қилишини тасдиқлайдилар. Ушбу оддий ўхшашликда атроф-муҳитдан маълумот олиш компьютер клавиатурасида ёзиш ёки уни бошқа йўл билан узатишга тўғри келади. Юкланган дастурий таъминот билан марказий процессор фикрлаш ёки ҳис-туйғулар каби ички когнитив фаолияти билан онгга мос келади. Одамдан келадиган ақлий ёки хулқ-атвор табиатидаги жавоблар эса компьютер мониторда кўрсатадиган нарсаларга мос келади. Махсус ишлатиладиган дастурга мувофиқ қайси тугма босилганига қараб, компьютер бошқача жавоб беради. Худди шундай, кишилар ўз атроф-муҳитида таъсирланадиган ҳар бир стимулга турлича муносабатда бўлишади. Худди шу мантиққа амал қилган ҳолда, компютеримизга қандай дастурий таъминот юкланганлигини аниқ билганимиз учун, биз онгимизга қандай “дастурий таъминот” юкланганлигини аниқлашга ҳаракат қилишимиз лозим, чунки айнан шу нарса бизни шу тарзда ўйлашга, ҳис қилишга ва ишонишга мажбур қилади. Натижада, психологиядаги тадқиқотларни жавобларга олиб келадиган стимуллар даражасига қадар чеклашдан иборат оддий бихевиористларга оид тушунча бир маъноли тушунчани бера олмади.

Шуниси қизиқки, психология ва бошқа ижтимоий фанлар инсон табиатига нисбатан дунёвий редукционистик (соддалашган) қарашни қўллаб-қувватлашда давом этсалар-да, улар илғор технологияларнинг ривожланишига мувофиқ тарзда инсоннинг ҳам тасаввурини ўзгартирдилар. Гарчи инсоннинг ушбу компьютер модели ҳали ҳам инсоният ҳақидаги ҳаққоний маънавий Исломиий тасаввурга эга бўлмаса-да, у замонавий психологиянинг “ақл” ва “онгни” тиклашга ҳаракат қилганлиги сабабли бихевиористларга оид моделдан кўра аниқроқ ҳақиқийдир. Чунки Ғарб психологияси эскирган, чекланган “илмий” модель таъсири остида. Бундан ташқари, бошқа ижтимоий фанларда бўлгани каби психологияда парадигма ўзгариши ҳақиқий инқилобга олиб келмайди. “Парадигма” тушунчасини оммалаштирган ва “Илмий инқилоблар тузилиши” асарининг муаллифи файласуф Томас Куннинг айтишича, ривожланган фанларда парадигмалар мавжуд, аммо психологияда ҳалигача йўқ.<sup>6</sup>

Бу аниқ ҳақиқат, сабаби, ривожланган фанларда “парадигма ўзгариши” Эйнштейн назариялари Ньютон физикасини бутунлай ўзгартирганидек, янги парадигма эскисини ағдарадиган ва унинг ўрнини босадиган инқилобга олиб келади. Психология ва бошқа ижтимоий фанларда янги парадигмалар (агар уларни шундай деб аташ мумкин бўлса) катта иштиёқ келтириб чиқариб, кўплаб тарафдорларни жалб қилади, лекин яшашни давом эттирадиган ва бир неча йилдан сўнг вақти-вақти билан гуллаб-яшнаши мумкин бўладиган эски парадигмаларни алмаштирмайди. Шундай қилиб, когнитив инқилоб замонавий психологияда катта ўзгаришларга олиб келаётган бўлса-да, уни аввалги тушунчаларга қарши ҳақиқий кўзғолон деб ҳисоблаб бўлмайди.

Психологияда ҳақиқий инқилоб ўзининг “руҳини” топиб, инсон табиатининг тасвирини яратиш учун чекланган илмий ва тиббий моделлардан халос бўлганда содир бўлади. Аслида, Ғарб психологияси томонидан бугунги кунгача даъво қилинган “мураккаб” одамни хулқ-атвор ва ақлий қобилиятларга эга бўлган мавжудот сифатида яратиш учун биологик, психологик ва ижти-

мои-маданий омилларнинг ўзаро таъсири ҳеч қачон фотосинтез пайтида содир бўладиган водород, кислород ва углероднинг ўзаро (яъни карбонат ангидрид гази ва сувдан глюкоза молекулаларини ишлаб чиқариш учун ўсимликлар қуёш энергиясини қабул қилган пайтидаги) таъсири сингари оддий бўла олмайди. Шунга қарамай, ҳатто фанни чекланган ёндашув доирасидан озод қилишга уринган когнитив психология инқилоби ҳамон ўзини инсон хулқ-атвори ва унинг ақлий жараёнини тушунтирувчи психологик, биологик ва ижтимои-маданий таркибий қисмлар учлиги билан чегараламоқда. Замоनावий илм-фанда ушбу таркибий қисмнинг аҳамияти тўғрисида далилларнинг ўсишига қарамасдан, у руҳий таркибий қисмни рад этади. Руҳий таркибий қисм билан солиштирганда аниқлаш осонроқ бўлганлиги сабабли ўзини ушбу учта таркибий қисм билан чеклаш ёки шунчаки динга асосланганлиги сабабли руҳий жиҳатни эътиборсиз қолдириш орқали замонавий психология шубҳали, самарасиз бўлиб қолади ва зарар кўради. Бу қуёш энергияси кўпроқ “улуғвор” ва камроқ ҳақиқий бўлганлиги туфайли унинг иштирокини истисно қилиб, углерод, водород ва кислороднинг учта унсури ёрдамида фотосинтез жараёни орқали глюкоза ҳосил бўлишини кутишга ўхшайди. Шунга қарамай, таъкидлаш керакки, иймоннинг руҳий омилини ҳисобга олмаган ҳолда ва билимларнинг ривожланишига қарамай, ҳар доим ушбу ички ақлий жараёнларни ўрганиши стимуллар ва уларнинг жавоблари, сабаблари ва уларнинг таъсири ҳар қандай нозик тадқиқот ёки ўлчов услубини писанд қилмайдиган ўзаро таъсир қиладиган жуда мураккаб соҳа бўлиб қолади.

### **МУШОҲАДА ВА ТАНА БИЛАН АҚЛНИНГ СИРЛАРИ**

Инсоннинг ички психологик ва руҳий дунёсини ўрганиш бизни инсон олдида турган энг қийин саволлардан бири билан юзма-юз қўяди: ақл ва тана қандай боғланган? Бу саволга жавоб фалсафий ғоялар, диний эътиқодлар, психологик тадқиқот-

лар, умуман инсоният ва хусусан, инсон мияси ва асаб тизими ҳақидаги биологик ва органик тадқиқий кашфиётларнинг аралашмасидир. Ушбу масалани ҳар қандай тафсилотда муҳокама қилиш бу китоб доирасидан ташқарида эканлиги аниқ. Бирок биз ҳозирги психобиологик тадқиқотлар нуқтаи назаридан Исломи мулоҳаза масаласини ўрганишимиз билан боғлиқ асосий қарама-қаршиликни эслатиб ўтмасдан иложимиз йўқ.

Ҳақиқатдан ҳам биз одам миясининг фаолияти ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Манфаатпарастлар, бу сўз бош суяги ичидаги моддий мия маъносида ишлатилмаса, одамда “ақл” йўқ деб ҳисоблашади. Улар ҳам биз “фикрлаш ақли” деб атайдиган нарса мия кимёси ва унинг электрокимёвий асаб импульсларидаги дақиқали ўзгаришларнинг акси ва ўтказиши деб ҳисоблашади. Уларнинг изоҳи шундаки, ҳақиқатан ҳам мия шикастланганда одамларнинг тафаккури ҳам, бутун кифоаси ҳам ўзгаради. Бу қарашни бихевиоризм тарафдорлари ва бошқа дунёвий психологлар очик-ойдин қўллаб-қувватлайдилар.

Уларга эътироз билдирувчи гуруҳ мияни ва, албатта, кишининг хатти-ҳаракати ва тафаккурини бошқарадиган “ақл” борлигини даъво қилмоқда. Ушбу гуруҳнинг бошида асаб тизимининг ажойиб тадқиқотлари учун Нобель мукофоти олган невролог Джон Экклс туради. У ва уни қўллаб-қувватловчи олимлар инсон мияси ва асаб тизимининг фаолияти бўйича олиб борилган ўрганишларини “ақл”, “онгли руҳ” ёки Экклс айтганидек, “ўзини ўзи англайдиган ақл” мавжудлиги билан тўлиқ изоҳлаш мумкинлигини таъкидлашади.<sup>7</sup> Бундан ташқари, улар бу номоддий нарса инсоннинг асабий ва хулқ-атвор фаолиятини тўлиқ назорат қилади, деб кўшимча қиладилар. Агар манфаатпарастлар таъкидлаганларидек, мия инсоннинг когнитив жараёнлари ва хатти-ҳаракатларини бошқарадиган ягона нарса бўлса эди, унда ҳеч ким ўз мияси томонидан қабул қилинган қарорга қаршилик кўрсата олмас эди. Бирок, бу аниқ бошқача ҳолдир. Дарҳақиқат, масалан, эркак бош мия қобиғининг ҳаракатлантирувчи доирасининг маълум бир қисмига

электр импульси юборилган тақдирда, у қўлининг кескин ҳаракати билан жавоб беради. Агар унга қўлини қимирлатмаслик айтилган бўлса ва кейин электр импульси такрорланган бўлса, унинг қўли яна ундан мустақил равишда ҳаракатланаётгани аниқланади. Агар бу жараён такрорланган бўлса, у ҳолда одам бошқа қўли унга қўлини қимирлатмаслик айтилган бўлса ва кейин электр импульси такрор юборилган бўлса, унинг қўли яна ундан мустақил равишда ҳаракатланаётган орган бўлган бўлса, унда субъект мия буюрган нарсани эътиборсиз қолдирмас эди; шунга қарамай, унда қўлни нима ҳаракатга келтирди ва уни нима тўхтатишга уринди? Кўриниб турибдики, мия уни ҳаракат қилишга мажбур қилган ва ақл уни тўхтатишга ҳаракат қилган.

Экклс ва бошқа бир қатор олимлар ақл ва мия ўртасидаги муносабатни тушунтириш учун кўпинча телевизион эшиттириш станцияси ва телевизион қабул қилувчиси ўртасидаги муносабатларнинг расмини чизишади. Экклснинг фикрига кўра, номоддий ўзини ўзи англайдиган ақл доимий равишда мияни текширади, синаб кўради ва бошқаради.<sup>8</sup> Агар мия шикастланган бўлса ёки одам онгсиз бўлса, унда унинг ақли ўз вазифасини бажаришда давом этади, аммо натижа мия томонидан олинган маълумотларнинг сифати ва самарадорлигига боғлиқ бўлади. Худди шундай, агар телевизорда техник муаммо юзага келса, у яратган тасвир бузилиши ёки бутунлай йўқолиши мумкин. Шундай қилиб, бу жараёнда фақат мия иштирок этади, деб ўйлаш, кичкина боланинг экранда пайдо бўладиган одамлар ва тасвирлар телевизорнинг ўзида эканлигига ишониши каби содда тушунчадир! Менинг тўрт ёшли жияним Амина ҳам меҳмонимиз Ҳамид Умар ал-Имом Омдурман радиоси орқали ҳар куни эрталаб Қуръон тиловат қиладиган таниқли шайх эканлигини айтганимда: “Хўш, амаки, қандай қилиб бундай катта одам бизнинг кичкина радио қабул қилувчимизга жойлашиши мумкин?” – деб сўради.

Экклс таниқли файласуф Карл Поппер билан биргалиқда ёзган “Инсон ва унинг мияси” номли катта асарида рухнинг абдийлиги ҳақидаги диний этикодга деярли қўшилмоқда. Ўзини ўзи англайдиган ақл мавжудлиги ҳақидаги ўз тадқиқотларига ишонган, нохолисликдан йироқ бўлган олимга ярашганидек, у ўзига шундай савол беради: ўлимдан кейин ақлга нима бўлади?

*Охир оқибат, биз асосий саволга келамиз: ўлимдан кейин нима бўлади? Мия фаолияти бутунлай тўхтабди. Маълум маънода мухтор равишда мавжуд бўлган ўзини ўзи англайдиган ақл ... узоқ умр давомида шу қадар самарали ва унумли синаб кўрган, текширган ва назорат қилган мия бошқа жавоб бермаслигини дарҳол аниқлайди. Асосий савол: шундан кейин нима бўлади?*<sup>9</sup>

Экклс таъкидлаганидек, ўлимдан кейин мияда нима бўлиши олимлар ва оддий одамларни ташвишга солаётган асосий саволдир. У бизни ҳар доим қийин аҳволга солиб қўяди ва жавоб бермайди, зероки Худо жоннинг ёки рухнинг асл моҳияти, унинг тана билан қандай алоқаси борлиги ва ўлимдан кейин у билан нима содир бўлиши ҳақидаги билимларни бу дунёда биздан яширинган сир қатъий кўриклашини аниқлаган. Дарҳақиқат, ўлимдан кейин нима бўлишини билиш муқаррар равишда руҳимизнинг сирини очиб берар эди ва агар бу юзга келган бўлса, унда бу ҳаётга синов жойи сифатидаги барча диний этиқодлар маъносиз бўлар эди. Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан рух ҳақида сўрашганда, у зотга қуйидаги ваҳий келган: “Ва сендан рух ҳақида сўрарлар. Сен: “Рух Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир”, деб айт”. (Қуръон, 17:85) Шундай қилиб, рухнинг асл табиати ҳақидаги билимга эришиб бўлмайди. Шу сабабли, Ислому мўмин мусулмонни ўз саъй-ҳаракатларини эришиб бўладиган нарсаларга жамлашга ундайди. Шунинг учун ҳам бу саволга тўлиқ ва яқуний жавоб олиш мумкин эмас.



Баъзи олимларнинг фикрича, бу муаммони фақатгина биологик ёндашув билан ҳал қилишга уриниш ноаниқ фалсафа, дин ёки психология нуқтаи назаридан қараганда илмий нуқтаи назардан осонроқ ва тезроқ бўлиши мумкин. Бирок, ҳақиқат шундаки, биологик ёндашув ҳам осон эмас ва, аслида у, янада мураккаброқ бўлиши мумкин, чунки биология ва физика бўйича чуқур тадқиқотлар кўпинча фалсафа ва маънавиятда яқунланади. Уильям Уттал ўзининг “*Ақл психобиологияси*” номли фойдали китобида инсон миясининг вазифалари ҳақидаги барча замонавий тадқиқотлар ва кашфиётлар бизни ақл ва тана ўртасидаги алоқадорлик масаласини ҳал қилишга яқинлаштирмаганлигини айтади.<sup>10</sup> Аслида, улар яна янги саволларни қўшдилар ва, улар, Арасту даврида, бундан 2000-йилдан кўпроқ вақт олдин берилган асосий саволларга ўхшаб, ҳали ҳам ўз жавобларини кутишмоқда.

Тана ва ақл ўртасидаги муносабатлар бўйича биологик тадқиқотлар натижасида пайдо бўлган яна бир савол қуйидагича: юрак мия билан ўзаро алоқада ва асабий хатти-ҳаракатларнинг шаклланишида қандай вазифани бажаради? “Эволюциянинг охири” номли ўйлантирувчи китоб муаллифи Джозеф Пирсга биноан, кишининг юраги оддий насос станциясидан фарқли нарса сифатида қаралади; бу мияни жавобларни бажариш зарурлиги тўғрисида огоҳлантирувчи органдир. Юракда мия фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган нейро-трансмиттерлар топилган. Пирс шундай дейди: “Юракдаги ҳаракатлар ҳам танадаги, ҳам миядаги ҳаракатлардан олдин содир бўлади. Биз энди биламизки, юрак мия ҳаракатларини гормонал узатгич ва, эҳтимол, квант энергияси оқимларининг янада нозик алоқаси орқали назорат қилади ва бошқаради”.<sup>11</sup>

Агар бу тўғри бўлса, унда сунъий юрак ҳақиқий ёки кўчириб ўтказилган юрак қиладиган ишни қила олмайди. Бу ҳам кўчириб ўтказилган юрак билан одам айрим ҳолатларда ўз донорига ўхшаш тарзда ўзини тутиши мумкинлигини англатади. Ниҳоят, юракнинг мия ва тана устидан маҳаллий бўлмаган таъ-

сири ёки “масофадан бошқариш” фойдасига илмий далиллар бўлиши керак.

Пирс биринчи саволга беморга биринчи бўлиб бошқа одамнинг соғлом юрагини кўчириб ўрнатган жарроҳ – Кристиан Барнарднинг мулоҳазаларига ишора қилади. Жарроҳ шундай деган: “Юрак оддий насос станциясидан анча кўпроқ вазифа бажарадиган орган бўлганлиги сабабли биз сунъий юрак ғоясини унутишимиз керак”.<sup>12</sup>

Иккинчи саволга келсак, Пирс, юрак “олий” тартибдаги куч-қувват (ёки Исломий этиқодга кўра “руҳ”) томонидан бошқарилса-да, “юрак кўчириб ўрнатилган одамларнинг хатти-ҳаракатлари” маълум бир тарзда вафот этган донорларининг тез-тез қиладиган хатти-ҳаракатларига жуда ўхшайди, деб тасдиқлайди.<sup>13</sup> Локализация қилинмаслиги ҳақида эса у ўқувчиларни юракдан олинган иккита хужайра микроскоп остида текшириладиган ишончли илмий тажрибаларга ишора қилади. Хужайралар бир-биридан ажратилган биринчи тажрибада улар кучли фибрилляцияланади. Бироқ, ўхшаш хужайралар бир-бирининг ёнида жойлашганида, улар мувофиқлашади ва бир-бирига мос ҳаракатланади:

*Улар бир-бирига тегиши шарт эмас, улар фазовий тўсиқ орқали боғланишади... Бир-бирига мос ҳаракат қиладиган миллионлаб бундай хужайралардан иборат юрагимиз олий, маҳаллий бўлмаган ақл-идрокнинг раҳбарлиги остидадир... Яъни, бизда ҳам жисмоний юрак, ҳам “ҳар томонлама юксак юрак” бор ва иккинчисига киришимиз... ажабланарлиси, биринчисига боғлиқ.<sup>14</sup>*

Пирснинг сўзларига кўра, биз чуқур руҳий тафаккурда бўлганимизда, жисмоний юрагимизга ҳар томонлама таъсир қиладиган руҳий юрагимиздан маълумот оламиз, шунингдек, жисмоний юрагимиз эса, ўз навбатида, миямиз билан боғланиб, бизнинг билим ва хатти-ҳаракатларимизга таъсир қилмоқда. Бу

қайсидир жихатдан Абу Ҳомид ал-Ғаззолий қарашларига жуда ўхшайди. Ал-Ғаззолий ўзининг “*Ихё Улум ад-Дин*” (“*Диний илмларни тирилтириши*”) номли йирик асаарида маънавий юрак (қалб) руҳнинг назорат маркази бўлса-да, у одамнинг жисмоний юрагидан фарқ қилишини, унинг фаолияти у билан боғлиқ ва у томонидан бошқарилишини аниқ таъкидлайди. Шу йўсинда, биз биологик мавзу қандай қилиб диний суҳбатга айланишини кўришимиз мумкин.<sup>15</sup>

Бирок, Утталнинг фикрича, илм-фан ва технологиянинг барча сўнгги ютуқларига қарамай, биз ҳали ҳам асаб тизими одамлар учун энг муҳим бойлик бўлган онг ва борлиқ ҳисси билан қандай таъминлаётгани ҳақида беҳабар қолмоқдамиз. Менимча, бу тўғрисида ҳақиқатан ҳам яратилиш масаласи ва мушоҳаданинг моҳияти, унинг барча психологик, маънавий ва хулқ-атвор жихатлари нуқтаи назаридан фикр юритиш даркор. Ушбу саволларни суданлик шоир Юсуф Башир ат-Тижоний ихчам ифодалаган бўлиб, ўзининг “*Ҳақиқат пайгамбарлари*” шеърида ақлга мурожаат қилади:

*Эй Раббим, менга раҳм-шафқатингни кўрсат,*

*Яширин, сирли тумор каби*

*Сенинг Қўлинг сезилади.*

*Сенми унга мангуликда ақл деб ном берган?*

*Ҳаётни ким ихтиро қилган ва бошқарган?*

*Эй Раббим, менга раҳм-шафқатингни кўрсат:*

*Бу ақл, уни биздан ким яширган?*

*Унинг умри ундан пана қилинган, вақт ўтиши билан*

*Бирор нарсага айланганми ёхуд туб моҳият бўлиб қолганми?*

*Эй ақл, эй ақл алданиши, энг яхшисига даъвогар бўласанми?*

*Эй ҳаётни йўқ қиладиган ва яратадиган,*

*Дунёни фақат кул ва чанга айлантирадиган кучлар.<sup>16</sup>*

## ТИЛ: МУШОҲАДАНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАСИ

Муаммонинг Муаммонинг мураккаблигига қарамай, когнитив психология соҳасидаги тадқиқотлар инсоннинг ички интеллектуал ва ақлий фаолиятининг кўплаб сирларини очиб берган ва уларнинг тил билан қандай боғлиқлигини кўрсатган. Замонавий компьютер технологиялари ёрдамида ахборотни таснифлашда киши онгида қўлланиладиган усулларни тушуниш учун соддалаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш имконияти туғилди. Масалан, тил нафақат нутқ ва мулоқот воситаси, балки фикрлаш жараёнида ишлатиладиган асосий тизим эканлиги аниқланди. Ҳақиқий ва мавҳум маъноларни оғзаки рамзлар орқали етказиш усулини бошқарадиган қонунларсиз одамлар мавҳум тасаввурни ривожлантира олмайдилар. Улар ўзларининг на ҳиссий идрокдан, на уларни ҳозирги замон билан боғлаш ва улардан келиб чиққан муаммоларга мумкин бўлган ечимларни олиш учун ўтмишда бошидан кечирган турли хил воқеаларни хотирада тасаввур қилиш қобилятидан фойдалана оладилар. Аслида фикрлаш бундай белгиларни когнитив жараёнлар орқали ишлатади.

“*Нисбий тилишунослик*” фаразини шакллантирган Уорф сингари бир қатор тадқиқотчилар, бир гуруҳ одамлар фойдаланадиган тилнинг баъзи хусусиятлари уларнинг фикрлаш тарзини ва ҳаёт ҳақиқатларини қандай қабул қилишларини белгиловчи омил деб ҳисоблашади. Демак, тилнинг тузилиши ва бошқа жиҳатлари ҳар қандай жамият томонидан дунёни идрок этишни белгиловчи асосий омиллар сифатида қаралади.

Келинг, тилнинг аҳамияти ҳақидаги фикрни батафсил кўриб чиқайлик. Агар бу мутлақ ёки ҳатто қисман тўғри бўлса, унда биз араб тилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг арабларга таъсирини ва Қуръонни нозил қилиш ва Ислом хабарини бутун инсониятга етказиш учун ушбу тилнинг илоҳий танланиш сабабларини ҳам кўриб чиқишимиз мумкин бўлар эди. Аллоҳ дейди: “Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва, албатта, уни

Биз муҳофаза қилурмиз”. (Қуръон, 15:9) Бу шуни англатадики, У ваҳийни ва шу боис араб тилини ҳам ҳимоя қилади. Шу муносабат билан мисрлик олим Аббос Маҳмуд ал-Аққод араб тилининг айрим жиҳатлари, унинг сўз бойлиги, фонетикаси ва фонематикасини муҳокама қилади:

*Инсон нутқ тизими ҳеч бир қадимги ёки замонавий халқ араб халқи каби мукамал фойдаланмаган энг юқори мусиқий асбобдир, бунинг сабаби улар ўз алифбосини яратишида бутун фонетик таркибни олишган. Шундай қилиб, араб шеърятини бошқа санъатлардан мустақил равишда мукамал санъатга айлантирган тилнинг айнан шу хусусиятлари эди.*<sup>17</sup>

Ал-Аққоднинг сўзларига кўра, бу фазилатлар бошқа тилларда мавжуд эмас, чунки “араб нотиклиги инсоннинг нутқ аъзоларини шундай юқори нуқтага кўтарганки, у ҳеч қачон ўзини ҳарфлар ва сўзлар билан ифода этишда эришмаган”.<sup>18</sup>

“Ал-Фусҳа: Луғатул Қуръон” (Классик арабча: “Қуръон тили”) асарида Анвар ал-Жундий араб тилининг фазилатлари ва унинг Исломни тарқатишдаги аҳамиятини эслатиб ўтади:

*Бу қўпол тилнинг (арабча) чўл ўртасида ҳамда кўчманчилар халқи орасида мукамалликка эришиб, ўсишини ва ривожланишини кўриш ҳайратланарлидир. Бу тил ўзининг бой лексикаси, аниқ маънолари ва мукамал тузилиши билан бошқа тиллардан афзал бўлиб чиқди. Бу тил бошқа халқларга номаълум эди. Аммо у маълум бўлгач, бизнинг олдимизда у шундай мукамал шаклда пайдо бўлдики, ўшандан бери деярли ҳеч қандай ўзгаришларга дуч келмади. Бу тилнинг мавжуд бўлиши босқичларига келсак, унинг на болалик даври, на қарилик даври бўлган. Биз бу тил ҳақида унинг мислсиз фатҳлари ва галабаларидан мустасно деярли ҳеч нарса билмаймиз. Олимлар олдида шундай тўлиқ шаклда ҳамда ривожланиш босқичларисиз*

*пайдо бўлган, тузилишини тоза ва бенуқсон сақлайдиган шунга ўхшаш бирон бир тилни топа олмаймиз. Араб тилининг тарқалиши энг катта ҳудудларни ва энг чекка мамлакатларни қамраб олган.<sup>19</sup>*

### **КОГНИТИВ ФАОЛИЯТДАН ТАБИЙ ВА ҒАЙРИТАБИЙ ОДАТЛАР САРИ**

Биз тилнинг асосий тафаккур тизими сифатидаги аҳамияти ҳақидаги баҳсдан четга чиққач, психологлар ва компьютер фани соҳасида ишлайдиган олимларнинг тадқиқотларига, уларнинг одам ички когнитив фаолиятини англашга уринишларининг натижаларига мурожаат қиламиз. Иккала томон ҳам, зарурат туғилганда, унга мурожаат қилиш мақсадида ахборотни таҳлил қилиш, таснифлаш ва хотирада сақлаш учун киши қобилиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Мутахассислар инсоннинг фикр юргизишда ва муаммоларни ҳал қилишда фойдаланадиган ушбу жараёнларни кўриб чиқиш учун кўплаб мукамал тадқиқотлар ўтказишган. Кейин эса, улар ушбу маълумотлардан фойдаланиб, инсоннинг когнитив фаолиятини тақлид қилувчи турли хил дастурларни яратганлар. Баъзилар ҳатто атроф-муҳитни идрок этиш ва унга мослашишда невротиклар ва руҳий касалларнинг фикрлаш тарзига тақлид қилишга ҳаракат қиладиган дастур яратишган. Ушбу тадқиқотлар бихевиористлар уларнинг мазмунини аниқлашнинг иложи йўқ деб ҳисоблаганлиги туфайли эътиборсиз қолдирган кўплаб жиҳатларни аниқлаганлар. Ҳатто психологиянинг стимул ва жавоб ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги содда тушунчасига қарши чиқадиган кўплаб назариялар ва тушунтиришлар пайдо бўлган. Ушбу тадқиқотлар ҳам мусулмон психологларига улар билан боғлиқ ички ақлий ва когнитив фаолият билан бирга тафаккур ва ибодатнинг аҳамияти масаласини жиддийроқ ўрганишлари учун йўл очиб берган. Психотерапевтлар ва психологлар уларнинг натижалари одамнинг ички тафаккури ва ҳис-туйғуларини

ни очиб берадиган, шунингдек, инсоннинг кузатилиши мумкин бўладиган табиий ва ғайритабиий хатти-ҳаракатларининг шаклланишини ўрганадиган ушбу когнитив тадқиқотлардан фойда кўрдилар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бихевиористлар атроф-муҳитнинг вазифасини шахснинг ривожланиши ҳамда унинг табиий ва ғайритабиий хатти-ҳаракатлари учун масъул бўлган ягона таъсир объекти сифатида таъкидлашади. Бу шуни англатадики, улар атроф-муҳит стимуллари бевосита хулқ-атвор жавобларига олиб келади, деб ҳисоблашади. Бошқа томондан, когнитив психологлар ушбу тажрибалар яратган маъноларга кўпроқ қизиқишади. Уларнинг фикрига кўра, тажриба автоматик равишда жавобни қўзғатмайди, иссиқ юзага текканда қўлни тортиб олиш каби рефлекслар бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Одамларнинг фикрларига, эътиқодларига, ихтиёрий қарорларига ва мураккаб хатти-ҳаракатларнинг кўринадиган жиҳатларига таъсир қилувчи турли хил жавоблар кейинги ташқи қўзғатувчиларга маъно берадиган олдинги ғоялар, ҳиссиётлар ва ҳодисалардан келиб чиқмоқда. Бошқача айтганда, айнан одамлар ўйлайдиган нарсалар уларнинг эътиқодлари, ҳиссиётлари ва кейинги хатти-ҳаракатларига таъсир қилади. Агар уларнинг фикрлари яратилиш ва Аллоҳ Таолонинг хайр-эҳсо-ни ҳақида бўлса, уларнинг иймонлари кучаяди, ҳаракатлари ва хулқ-атворлари яхшиланади. Кишиларнинг онглари завқ ҳамда истаклар ҳақидаги фикрлар билан банд бўлган тақдирда, улар ўз динларидан чалғиб кетишади ва уларнинг хатти-ҳаракатлари ёмонлашади. Мабодо улар ўзларининг қўрқувлари, умидсизликлари, муваффақиятсизликлари ҳақида ўйлашса ва мунтазам равишда пессимизм таъсирида бўлишса, унда улар ўзларини руҳий сиқилиш ҳолатига ва бошқа руҳий касалликларга дучор қилишади. Бинобарин, когнитив психологлар ўз терапияларини беморларнинг онгли фикрлашларини ўзгартиришга қаратадилар, чунки айнан шу ҳаракат одатда ҳам оддий, ҳам невро-тик одамларда ҳис-туйғулар ва ҳиссий жавоблардан олдин

содир бўлади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, психологлар одам онги томонидан қўлланиладиган “дастурий таъминотни” ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар, зероки шу дастур туфайли одамлар ўзлари билан содир бўлаётган ҳамма нарсани тушунишади. Ушбу ички когнитив фаолият (ихтиёрсиз фикрлар) шунчалик тез ва ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкинки, мабодо бу жараёнга таҳлилий нуқтаи назардан ёки махсус тайёргарликдан сўнг ёндашмаса, шахс буни сезмайди.

Ушбу тадқиқот инсоннинг ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатидан олдин ички когнитив фаолият юз берганини кўрсатган. Бундан ташқари, инсон онгининг бу когнитив фаолияти кечаси ҳам, кундузи ҳам, инсоннинг ўзи буни билиши ёки билмаслигига қарамасдан ҳеч қачон тўхтамаслиги исботланган. Оддий мисол – бирор киши бирон бир муаммонинг ечимини топа олмай, уни кейинроққа қолдириб, бошқа иш билан шуғулланган ҳолат, сўнгра, кутилмаганда, муаммонинг ечими кишининг онгида ҳеч қандай онгли ҳаракатсиз ва тахминсиз пайдо бўлади. Архимедга суюқликнинг силжиши қонунини кашф этишга имкон берган ҳолатни ҳаммамиз биламиз. Худди шундай, баъзида биз бирон бир исм ёки сўзни эслай олмаймиз, кейин эса бирданига бир мунча вақт ўтгач, биз уни эслаймиз.

Бинобарин, инсоннинг онгли ёки онгсиз ички когнитив фаолияти унинг кўринарли хатти-ҳаракатларини бошқаради. Когнитив психологлар одамнинг мураккаб хатти-ҳаракатларини соддалаштирилган назариялар доирасига киритишга уринган барча психология мактабларидан ошиб, йиллар давомида олиб борилган изланишлардан сўнг шундай ҳулосага келишган. Бунинг устига, ушбу когнитив қараш Исломнинг кўрсатмасини аниқ қўллаб-қувватлайди: ички фикрлаш жараёни сифатида мулоҳаза юритиш иймоннинг асоси бўлиб, у ўз навбатида ҳар қандай хайрли амалнинг манбаи ҳисобланади.

Ҳар бир ҳаракат, хоҳ ғоя, хотира, тасвир, идрок ёки ҳиссиёт бўлсин, ички когнитив фаолиятдан бошланади деган кашфиётга кўшимча равишда когнитив фаолият кучайтирилганда, ҳар



қандай амал учун туртки ёки рағбатга айланиши мумкинлиги аниқланган. Бирор киши бу ғайратли ҳаракатни қайта-қайта қилган тақдирда, бу ички фикрлар осонгина ва ўз-ўзидан илдиз отган одатга айланиши мумкин. Бу одатни маҳорат деб ҳисоблаш шарт эмас, у ҳиссиёт, руҳий туйғу ёки кўникиб кетилган муносабат бўлиши мумкин. Худди шу тарзда, агар когнитив терапевт ҳиссий ёки бошқа хулқ-атвор одатидан азият чекаётган беморни даволамоқчи бўлса, у беморнинг ушбу хатти-ҳаракатни келтириб чиқарадиган тафаккурини ўзгартиришга интилиши керак. Мисол учун, бундай одат ижтимоий муҳитдан кўрқиш бўлса, терапевт беморни ижтимоий вазиятларга қайси салбий фикрлаш шу тарзда муносабатда бўлишига олиб келишини аниқлаши зарур. Агар бемор бегоналар олдида нутқ сўзлаганида ёки уларга ўзини таништирганида ёки бир гуруҳ танишлари олдида гапиришга тўғри келганида ўзини аҳмоқона кўринади деб ўйласа, терапевт беморга салбий фикрлар асоссиз эканлигини ва ҳақиқий асосга эга эмаслигини кўрсатиб, уларни ўзгартиришга ёрдам бериши мумкин. Терапевт беморнинг ҳис-туйғулари унинг пессимистик фикрлашига шу қадар кўр-кўрона эргашганлигини кўрсатиши мумкинки, унинг пессимистик фикрлаши унинг хатти-ҳаракатларини назорат қилади. Бу фикрлар йўқолганда, хатти-ҳаракатлар шунга мос равишда ўзгаради.

Ушбу турдаги терапия одатни келтириб чиқарадиган салбий фикрлар, хаёллар ва ички ҳиссиётларга зид бўлган жавобларни рағбатлантириш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, ижтимоий муҳитдан кўрқиш ҳолатида, терапевт беморнинг бўшаштирувчи хавфсизлик ва психологик қулайлик туйғуси пайдо бўлишини рағбатлантириши ва шу билан бирга, уни тобора қийинлашиб бораётган (ҳақиқий ёки хаёлий) ижтимоий вазиятларга дуч қилиши мумкин.

Бошқа томондан, салбий одат беморга қимор ўйинлари, алькогол ичимликларга қарамлик ёки жинсий хатти-ҳаракатларнинг оғиши каби бир оз завқ ва психологик қулайлик туғ-

дирган тақдирда, қарши чоралар билан даволаниш терапевтни ёмон одатларга оид ҳаракатларнинг ҳар бир такрорланиши пайтида беморга оғрик, психологик стресс ва қўрқувни рағбатлантиришга мажбур қилади. Ушбу турдаги нафрат терапияси билан, масалан, гиёҳванд моддалар ёки алкоголь ичимликларга қарам бўлган кишига спиртли ичимликларни истеъмол қилишда кўнгил айланиши ва бош оғриғига сабаб бўладиган кимёвий инъекция қилинади, шунингдек, у ҳатто оғриқли, аммо зарарсиз электр токи уришига дучор қилиниши мумкин. Бу “мукофот ва жазо” терапияси “ўзаро тўхтатиш” деб номланади ва замонавий хулқ-атвор терапиясининг энг яхши усуллари билан биридир. Гарчи у бихевиористлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса-да, когнитив терапевтлар уни беморнинг тафаккур ва онгли ҳис-туйғулари билан боғлаш орқали ривожлантиришган. Хулқ-атворни ўзгартириш жиҳатларининг когнитив терапиядаги замонавий ютуқлар билан бундай бирлиги психологик терапиядаги энг сўнгги ва энг муваффақиятли ихтиро ҳисобланади.

Шундай қилиб, когнитив психология инсонларнинг онгли фикрлаши ва ички суҳбатлари уларнинг ҳис-туйғулари ва ҳиссиётларига таъсир қилишини ҳамда уларнинг муносабати ва эътиқодларини шакллантиришини тасдиқлайди – улар ҳаттоки, маълум даражада, инсоний қадриятлар ва ҳаётга қарашларини шакллантириши мумкин. Агар биз суҳбатни ҳиссий ҳаяжонланган одамнинг когнитив терапиясидан оддий мусулмоннинг билиш фаолиятига ўтказадиган бўлсак, унда когнитив жараённинг тафаккурдаги улкан таъсирини ва унинг инсон руҳиятини қандай тиклашини яққол кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, агар биз маънавият ёки иймон омилини (яъни, замонавий психология томонидан бутунлай чиқариб ташланган қувватли когнитив куч бўлган омилни) ҳисобга олсак, унда Исломий мушоҳада руҳни поклашда ва иймонлиларнинг мавқеини кўтаришда қандай муҳим ўзгаришларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Мулоҳаза қилиш орқали мусулмонлар ўзларининг ички руҳий-маънавий хатти-ҳаракат-

ларининг маънавий ривожланишида “мукофот ва жазо” турида такомиллаштиришлари ва тозалашлари мумкин. Мусулмонлар ўзларининг номақбул одатларини ўзгартириш ва уларни фойдалироқ янгиларига алмаштириш учун дунёвий мукофотларга ёки электр токи уришига муҳтож эмаслар. Ички когнитив ва маънавий интилишларини ўзларининг заифликлари ва нолойиқ хатти-ҳаракатларидан фарқли ўлароқ, Аллоҳнинг буюклиги ва камолоти ҳақида фикр юритишга бағишлаш орқали одамлар, шубҳасиз, Аллоҳга бўлган муҳаббат, юксак мамнуният, бахт ва осойишталик туйғуларини ҳис қилишади. Буни эса биз кейинги бобда батафсилроқ муҳокама қиламиз.

## ИККИНЧИ БОБ

---

### Мушоҳада: Дастлабки мусулмон олимларининг асарлари

Олдинги бобда мусулмоннинг хулқ-атворини бошқаришда ва унинг эътиқодини мустаҳкамлашда ибодат шакли сифатида мушоҳаданинг аҳамиятини кўрсатиш мақсадида психологиянинг инсон тафаккури ва когнитив фаолияти соҳасидаги сўнгги ютуқлари қисқача ва соддалаштирилган ҳолда тақдим этилган эди. Дарҳақиқат, инсон хулқ-атвори, мойиллиги, эътиқоди, онгли ва онгсиз хатти-ҳаракатлари, яхши ва ёмон одатларининг шаклланишига ички мулоҳаза, ҳиссиётлар, идрок, тасаввур ва фикрлар таъсир қилишини англаб етгач, Қуръон ва Суннатнинг осмон ва ерни яратиш ҳақида фикр юритишга катта эътибор бериши сабабини тушунса бўлади. Зероки улар юрак ва онгни Яратгувчининг улуғворлиги ва Унинг сифатларининг олижаноблиги ҳисси билан тўлдирадилар. Ибн ал-Қоййим ал-Жавзийя ўзининг “*Мифтоҳ дорус саодаҳ*” (Бахт-саодат масканининг калити) номли машхур асарида шундай таъкидлаган: “Чуқур фикр (мулоҳаза) барча яхшиликларнинг бошланиши ва калитидир, бу юракнинг энг яхши вазифаси ва у учун энг фойдалисидир”.<sup>1</sup>

Ғарб психологиясининг “соғлом фикрга” қайтиши ёки фикрлаш ва когнитив жараённинг инсоннинг эътиқоди, муносабати ҳамда ташқи хулқ-атворини шакллантиришга таъсирини тўғри тан олиши учун етмиш йилдан кўпроқ вақт талаб қилди. Аммо бу ютуқлар Исломининг дастлабки олимларига маълум эди. Аслида, замонавий Ғарб психологиясига яқинда таъсир кўрсатган когнитив тамойиллар ва амалиётлар бир неча асрлар олдин Ибн ал-Қоййим ал-Жавзийя, ал-Балхий, ал-Ғаззолий, Мискавайҳ ва бошқа кўплаб олимларга маълум бўлган.

Абу Зайд ал-Балхий ўзининг “*Масалиҳ ал-абдан ва ал-анфус*” (Тана ва руҳ учун озик) номли шоҳ асарида мулоҳаза ва ички фикрларнинг соғлиқка таъсирини кўрсатган. Ушбу кашфиёт муаллиф вафотидан ўн асрдан кўпроқ вақт ўтгач, амалга оширилган. Унинг сўзларига кўра, соғлом одамда жисмоний касалликлар учун зарур дори-дармонлар қўл остида бўлганидек, кутилмаган ҳиссий чайқалишларга қарши мулоҳаза қилиш, соғлом фикр ва ҳис-туйғуларни ёдда сақлаши ҳам лозим.<sup>2</sup>

Бошқа илк мусулмон олимлари инсон онгида кесишадиган ва ҳақиқий ҳаётда мужассам бўлган ҳаракатга солувчи кучлар ва стимулларга айланиб, такрорланганда одатий ҳаракатга айланиб қолиши мумкин бўлган ниятлар, мулоҳазалар ва фикрларнинг маъносини эслатиб ўтишган. Улар одамларнинг узлуксиз ички когнитив фаолияти одам уйғоқ тургани ёки ухлаб ётганидан қатъи назар, ҳеч қачон тўхтамайдиган фаолият ҳақида ҳам гапиришган. Бу олимлар савобли иш қилмоқчи бўлган кишиларга ўзларининг ниятларини, хоҳиш-истакларини ва ботиний фикрларини кузатиб туришларига, токи ҳамиша Аллоҳни зикр қилишларига ва еру осмоннинг яратилиши ҳақида мулоҳаза қилишлари кераклигига ишонтириб, самимий маслаҳатлар беришган. Улар инсон зарарли фикрларни, ички ҳис-туйғуларни истак ва эҳтиёжга айланмасидан олдин йўқ қилиши кераклигини ҳам айтишган, чунки истак ёки ниятни ўзгартириш ҳаракатни тўхтатишдан кўра осонроқ, шунингдек, ҳаракатнинг олдини олиш одат тусига кирганида уни йўқ қилишга уринишдан кўра осонроқдир. Бундан ташқари, улар замонавий хулқ-атвор терапевтларининг таъбири билан айтганда, одатни даволаш одамни ушбу одатга қарама-қарши ҳаракатни бажаришга ўргатиш орқали амалга оширилиши кераклигини таъкидлаганлар. Буларнинг барчасини Ибн ал-Қоййим ўзининг “*Ал-фавоид*” (Маънавий манфаатлар) асарида гўё замонавий когнитив психологиянинг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлгандек мана шундай батафсил шаклда қайд этган.

Ушбу асарда муаллиф аниқ айтадики, инсон қиладиган ҳамма нарса унинг ички фикри, яширин нутқи ёки ички мулоқотидан бошланади, бунинг учун у арабча “хавотир” (*khawātir*) сўзини ишлатган. “Хавотир” сўзи “хотира” (*khātirah*) сўзининг кўплик шакли бўлиб, бир лаҳзага пайдо бўлиши мумкин бўлган тезкор, ички, яширин фикр, тасаввур ёки ички фикр овозини англатади. Замонавий когнитив психологлар буни когнитив терапевт Аарон Бек айтганидек, унинг 1970-йилларда кашф этган “беихтиёр фикрлар” ғояси билан солиштиришлари мумкин! Ўзининг “Когнитив терапия ва ҳиссий бузилишлар” номли классик китобида, у олти саҳифани бу “кашфиётга” қандай келганини тасвирлаган “Беихтиёр фикрларнинг кашф этилиши” деб номланган бўлимга бағишлайди.<sup>3</sup>

Ибн ал-Қоййим ушбу когнитив тушунчани тавсифлагандан сўнг, беихтиёр фикрлар, хусусан, салбий фикрлар инсон ҳаракатларига ва кўринарли хатти-ҳаракатларига айланиш жараёнини батафсил баён қилади. У шаҳвоний, гуноҳкор ёки ҳиссий жиҳатдан зарарли “хотирага” руҳсат берилган ва одам томонидан назорат қилинмаган тақдирда, кучли туйғу ёки шаҳватга (*shahwah*) айланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Агар бу туйғу қўллаб-қувватланса ёки унга ишонилса, у ниятга ёки ҳаракат қилиш турткига айлантирадиган когнитив кучни ривожлантириши мумкин. Агар бу ғайри ихтиёрий ният ёки ҳиссий туйғу унга зид бўлган туйғу ёки унга қаршилик кўрсатадиган фикр билан йўқ қилинмаса, у ҳақиқий ташқи хатти-ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, бу хатти-ҳаракатга қаршилик кўрсатилмаган тақдирда, у одат бўлиб қолгунча тез-тез такрорланади. Шу муносабат билан Ибн ал-Қоййим ҳиссий, жисмоний ва когнитив одатлар бир хил қолип бўйича ривожланади, деб ҳисоблаган. Бу эътиқод когнитив психологларнинг замонавий ёндашувига жуда ўхшайди. “*Ал-фавоид*” асарида у яна бир йўналишни ҳам батафсил кўриб чиққан, унга кўра ўткинчи фикрлар ҳақиқий ҳаракатларга ва мустаҳкам муносабатларга айланади:

*Сиз шуни билишингиз лозимки, ҳар қандай ихтиёрий ҳаракатнинг бошланиши “хавотир” ва “васовис” [“васовис” (wasāwis) сўзи “васваса” (waswasah) сўзининг кўплик сони бўлиб, яширин пичирлаш деган маънони англатади. Қуръонда шайтоннинг ботиний васвасасини тасвирлаш учун ишлатилади: “ювасвису фий судури ан-нас” (yuwaswisu fi şidūri al-nās)]. Бу “хавотир” ва “васовис” онгли тафаккурга олиб келади. Кейин, тафаккур хотирага ўтиб сақланади, хотира эса уни ҳақиқий ҳаракатда мужассам бўладиган хоҳиш ва ниятга айлантиради. Такрорий ҳаракатлар кучли одатга олиб келади. Бинобарин, ҳиссий ёки шахвоний одатни у барқарор бўлиб қолишидан олдин, дастлабки босқичда, йўқ қилиш осонроқ бўлади.<sup>4</sup>*

Шунинг учун, у мусулмонларга ички беихтиёр ўткинчи фикрларнинг салбий “хавотир” ва “васовис”, улар ҳиссиёт ёки турткига айланмасдан олдин уларга қарши курашиш орқали бахтли ва солиҳ ҳаёт кечиритишни маслаҳат беради. Дарҳақиқат, истак билан курашишдан кўра, ички ўткинчи фикрларни назорат қилиш анча осон, чунки у амалга айланганидан кейин хатти-ҳаракатни ўзгартиришдан кўра, унга зид фикр ёки стимул ёрдамида қаршилик кўрсатиш осонроқ. Одатга айлангунча кутишдан кўра, бир ёки ҳатто бир неча мартаба қилинган ҳаракатдан воз кечиш осонроқдир.

Бунинг устига, Ибн ал-Қоййим ички когнитив фаолиятнинг яхши тавсифини бериб, ўз китобхонларини огоҳлантирадики, Аллоҳ инсониятга ўткинчи фикрлар ва мулоҳазаларни бутунлай йўқ қилиш қобилиятини бермаган, зероки улар нафас олишдек енгиб бўлмасдир. Ҳолбуки, Аллоҳга кучли ишонадиган донишманд одам яхши “хавотирни” қабул қилиб, зарар етказиши мумкин бўлган ёмонларидан сақлана олади. Унинг сўзларига кўра, Аллоҳ инсон ақлини кечаю кундуз тўхтамайдиган, донни тинимсиз майдалайдиган айланувчи тегирмон то-

шига жуда ўхшаш қилиб яратган ва у янчиш учун ҳар доим материалга муҳтож. Баъзи одамлар ўзларининг онгларини яхши фикрлар ва маънавий мулоҳазалар билан озиклантирадилар, улар тегирмонларига маккажўхори ва буғдойни ташлаганларга ўхшайди: улар яхши ун ишлаб чиқаришади. Бироқ, аксарият кишиларнинг тегирмонлари лой ва тошларни майдалайди. Нон пишириш вақти келганда (яъни охиратда), ҳар бир гуруҳ нима янчганини билиб олади!

Ибн ал-Қоййим айтишича, ҳаракатлар ва амалларнинг ички ва кузатувчан фикрлари ва ниятлари Худо билан илиқ маънавий муносабатлардан келиб чиққан тақдирдагина улар соғлом бўлиши мумкин. У шундай ёзади:

*Ушбу (когнитив) босқичлар тушунчалар ва фикрлар соғлом бўлганда соғлом асосга эга бўлади, аммо бу тушунчалар ва фикрлар бузилганда улар ҳам бузилади. Улар шунчалик соғломки, улар Раббийга ва Худога юзланиб, Унга ва Унинг раҳматига интилишади. Аллоҳ Таоло ҳидоят, бахт-саодат ва соғ-саломатлик манбаидир. Унинг раҳмати солиҳлик ва тақводорлик манбаидир ва Унинг қулларини ҳимоя қилиши эсон-омонлик манбаидир. Аллоҳ Таолонинг бандаси юз ўгириб, Аллоҳдан бўйин товласа, у ҳалокат йўлига тушади.<sup>5</sup>*

Ушбу муҳокама замонавий дунёвий психологияга етишмаётган маънавий иймон ҳақида бир модда кўшиб, психология дарслигидаги замонавий хулқ-атвор когнитив терапиясининг қисқа баёни каби ўқилади. Дастлабки мусулмон олимларига тегишли бўлган ушбу адабиётнинг аксарияти ўрнатилган психологик тамойиллар шаклида Қуръон ва Суннатдан олинган билимларга асосланган.

Аввал айтиб ўтганимиздек, замонавий хулқ-атвор ва когнитив терапия руҳий ва ҳиссий касалликларни даволашнинг энг муваффақиятли шакли беморларни ўйлашга ва хотиржам ҳис



қилишга ундаш, уларнинг исталмаган одатларини ўзгартиришга ёрдам беришдан иборат эканлигини аниқлади. Бу “ўзаро тўхтатиш” деб номланган терапевтик усулда амалга оширилади. Ибн ал-Қоййим шунга ўхшаш усулни кўп асрлар олдин бир неча бор эслатиб ўтган. Аслида, бу муваффақиятли хулқ-атвор ва когнитив терапия беморларнинг чуқур онги, тасаввури ва уларнинг мулоҳаза қилиш қобилиятига боғлиқдир. Айтилганлар, хусусан, “*тизимли десенсибилизация*” деб номланувчи энг муваффақиятли даволаш усулларида бирида яққол намоён бўлади. Ушбу усул ёрдамида беморларга дам олиб, ўзларини денгиз қирғоғи ёки оқимлари бўлган ўсимлик билан қопланган жой каби чиройли ерларда эканликларини тасаввур қилишга таклиф қилинади. Беморлар бундай хотиржамлик ҳолатида экан, улардан ўзларининг ҳиссий тушкунликларни келтириб чиқарадиган вазиятни тасаввур қилишлари сўралади. Ҳаракат хотиржамлик ҳислари пайдо бўлган ташвиш ҳиссиётларини психологик жиҳатдан енгиб чиқмагунча такрорланади. Аслида, бу муолажа учун “*тизимли десенсибилизация*”дан кўра “*мушоҳада терапияси*” атамаси кўпроқ мос келади.

Ал-Ғаззолий турли хил мушоҳада терапиясининг назарий жиҳатларига катта ҳисса қўшган, шунингдек, бир қатор мисоллар келтириб, уларнинг амалий жиҳатларига тўхталган. “Ихё улум ад-дин” китобида у яхши хулқ-атворга эга бўлишни истаган мусулмон, биринчи навбатда, ўзи ҳақидаги фикрларини ўзгартириши ва ўзини орзу қилинган ҳолатда тасаввур қилиши лозимлигини айтади. Кейин у одатга айлангунга қадар аста-секин яхши хулқ-атворни ўрганиб олиши зарур. Ал-Ғаззолий, психокөгнитив жиҳат ва амалий хулқ-атвор ўртасида ўзаро таъсир муқаррар, деб таъкидлайди. Бирор киши ўзини қандайдир тарзда тута бошлаганда, ҳатто у қилаётгандек кўрсатса ҳам, унинг хатти-ҳаракати фикрлашга ва ҳиссиётларга таъсир қилади. Унинг фикрлаши ва ҳиссиётлари ўзгарганда, унинг кўринарли хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва ўзини тута билиш қобилияти ўзгаради. У бу жараёни қуйидагича таърифлайди:

*Яхши хулқ-атворга: дастлаб, улар инсон табиати-нинг бир қисмига айлангунча, шу сулуқатдан келиб чиқадиган сохта ҳаракат ёки охир-оқибат тақлид қилиши амалиёти орқали эришилади. Бу юрак ва органлар ўрта-сидаги ўзаро муносабатларнинг ажойиботларидан бири – мен руҳ ва танани назарда тутяпман. Юракда пайдо бўладиган ҳар қандай сифат тана аъзорларига шу даражада тарқаладиган таъсирга эга бўладики, улар ушбу сифатга мувофиқ ҳаракат қилади. Худди шундай, тана аъзорларидан келиб чиқадиган ҳар қандай ҳаракатнинг таъсири юракка етиб бориши мумкин. Бу эса айлана бўйлаб давом этмоқда.<sup>6</sup>*

У ҳам ички билишга асосланган босқичма-босқич ёндашув усули билан қарши кўзғатишдан фойдаланганда даволаш усулини аралаштиришнинг терапевтик қийматини эслатиб ўтади. У сомани психика билан солиштириш учун бир нечта аниқ сўзлар ва аниқ, ҳақиқий мисоллардан фойдаланиб, замонавий когнитив хулқ-атвор терапиясининг сўнгги ютуқларини хулосалагандек ёзади:

*Танадаги ўзгаришларни келтириб чиқарадиган ва касалликнинг сабабчиси бўлган ҳолатни фақат қариши воситалар ёрдамида даволаш мумкин. Худди иситма пайтида совитиш қўлланилганда ёки совитиш пайтида иситиш қўлланилганда бўлганидек, юрак касаллиги бўлган нуқсон ҳам унинг акси билан даволанади. Жаҳолат касаллиги таълимот билан, зикналик сахийлик билан, такаббурлик камтарлик билан, очкўзлик тийилганлик ва мўътадиллик билан ва бошқа ҳамма нарсалар қариши чоралар билан даволанади...*

*Ушбу баёнотнинг қизиқарли томони талаба қандай қилиб жиддий ножўя ишни ёки танбеҳ беришга лойиқ ҳаракатни бутунлай тескариси билан алмаштириши орқали*

*тарк этишини истамаслигида кузатилиши мумкин. Шунда шайх (устоз) унга бу ўта номақбул одатдан халос бўлишга ва бошқа камроқ номақбул одатга ўтишга ёрдам бериши керак. Бу сув қонни ювиб олмаган тақдирда кимдир кўйлагидаги қон доғини аввал сийдик билан ювишига, сўнгра эса сийдикни сув билан ювишига ўхшайди.*<sup>7</sup>

Кейин у одатда ўзининг жаҳли тезлиги ва ғазабининг кучайишидан шикоят қилган одамни мисол қилиб келтиради: у аста-секин ўзини кўпроқ сабр-тоқатли бўлишга ҳамда ўз жавоблари ва ҳис-туйғуларини ҳақиқий ҳаётий вазиятлар билан биргаликдаги ҳолда ички фикрлар ва мулоҳазаларга алмаштиришга ўргата бошлади. У ҳатто шу даражага етиб борганки, “бошқа одамга уни омма олдида ҳақорат қилиш учун пул тўлаган, бунга жавобан у сабр-тоқатли бўлишга ва ғазабини руҳий мувозанат орқали ҳамда эслатмалар ва мулоҳазалар ёрдамида бошқаришга ҳаракат қилган, то сабр-тоқат унинг феъл-атвори-га айланмагунча, кейин эса у ҳақда халқ гапира бошлаган”.<sup>8</sup>

Бу мисол Аллоҳни зикр қилиш билан бирга тафаккур қилиш мусулмонлар ўзларида эриша оладиган ижобий ўзгаришларнинг асоси эканлигини кўрсатади. Ушбу ўзгаришларсиз одатлар ва хатти-ҳаракатларнинг алмашиниши даргумон. Шу боис ал-Ғаззолий ўзининг “Ал-ҳикма фий махлуқот Аллоҳ” (Аллоҳнинг яратилишидаги ҳикмат) асарида мулоҳаза қилиш ҳар бир хайрли амалнинг калити эканлигини қаттиқ туриб таъкидлайди. Чунки мулоҳаза Аллоҳ Таолони зикр қилиш орқали, Унинг марҳамати ва раҳм-шафқатини тан олиш орқали мўминнинг барча когнитив ҳаракатларини белгилайди. У шундай деб ёзади:

*Худони билишининг йўли – Уни яратганларида улуглаш,  
Унинг ажойиб маҳорати ҳақида ўйлаш, турли хил ижод-  
ларида Унинг яратишидаги донолигини тушунишдир... Бу  
бахт ва ишонч туйғусини мустаҳкамлаш воситасидир ва*

*шу йўл билан солиҳлик даражаларини ажратиши мумкин... Аллоҳ Таоло ақл-идоркни яратган ва ваҳийни юбориш орқали ушбу жараённи яқунлаб, онгга эга бўлган одамларга Ўзининг яратганлари ҳақида ўйлашни, Ўз ижодига жойлаштирган мўъжизалари ҳақида фикр юритишни ва улардан ибрат олишни буюрган.*<sup>9</sup>

Албатта, бундай мулоҳаза иймонлиларнинг ақлий, ҳис-туйғуга оид, сезгига оид ва мизожга оид томонларини, яъни уларнинг барча психологик, когнитив ва маънавий ҳаракатларини камраб олади. Худони эслаб, аммо Худонинг яратганлари ҳақида ўйламайдиганларни ёки Худонинг яратганлари ҳақида фикр юритиб, аммо Уни эсламайдиганларни тасаввур қилиш қийин. Бу Ҳасан Басрийнинг машҳур фикрига ўхшаб кетади: “Илм эгалари Аллоҳни зикр қилган ҳолда тафаккурга берилар эдилар ва тафаккур қилган ҳолда Аллоҳни зикр қилишга берилар эдилар, юрак донолик билан жавоб бермагунча юракдан гапиришни сўрар эдилар”.<sup>10</sup>

Одамлар фикр юритганларда, бу улар табиатининг муқаддас ва шифобахш қисмига айланади: уларнинг қалблари итоаткор бўлиб қолади ва улар ўзларининг ақлий фаолиятини бошқарадиган юмшоқ ҳис-туйғулар билан атрофдаги ҳар қандай ҳаяжонга муносабат билдирадилар. Бир кун иймонлига: “Сен узоқ соатлар мулоҳаза қиляпсан”, дейилган. У, “Мушоҳада онгнинг мағзидир”, деб жавоб берган. Суфён ас-Саврий мана бу шеърий сатрларни тез-тез такрорлар эди:

*Фикр юритишга ўргатилган одам,  
Ибрат олади ҳамма нарсадан.*<sup>11</sup>

Ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи когнитив, ҳиссий ёки ақлий фаолият бўлганлиги сабабли, узоқ мулоҳаза юритадиганлар ўзларининг ибодат ва бўйсунуш ҳаракатларини қийинчиларсиз бажарадилар. Бу ҳақиқатга ишора қилиб, ал-Ғаззолий

“Ихё улум ад-дин” китобида билим ва ички мушоҳаданинг кадр-қиммати ҳақида энг аниқ ва ишонарли тарзда ёзади:

*Билим юракка кирганда, юракнинг ҳолати ўзгаради. Қалбнинг ҳолати ўзгарган тақдирда, тана аъзоларининг вазифалари ҳам ўзгаради. Вазифалар юрак ҳолатига, юрак – билимга бўйсунмоқда. Билим эса ўз навбатида фикрга эргашади. Шунда фикр барча эзгуликларнинг бошланиши ва калитига айланади. Бу сизга мулоҳаза қилиш кучини ва у хотирани сиқиб чиқаришини кўрсатади, бунинг сабаби фикр хотирани ва бошқа ҳамма нарсани ўз ичига олади.<sup>12</sup>*

Гарчи ички когнитив фаолият ҳар қандай яхши ва тўғри амалнинг калити бўлса-да, у ҳам ҳар қандай, яширин ёки ошқора, итоатсизликнинг манбаидир. Худонинг раҳм-шафқатини ўйлайдиган ва яқинлашиб келаётган охират ҳақида биладиган кутатувчан қалб узоқ мулоҳаза ва узоқ хотиралар жараёнида қўлга киритган ажойиб сезгирлик натижасида онг орқали ўтадиган ёмон ният ва фикрларни осонгина пайқаши мумкин. Ёмон ният онгдан ўтиши биланок, яхши туйғу уни сезади, уни тутиб олади ва таъсирини йўқ қилади. Худди шундай, микроблар ва бактерияларнинг танага киришини аниқлайдиган соғлом иммун системаси уларни махсус ҳужайралар ва антикорлар ёрдамида тўсади ва йўқ қилади. Худонинг раҳм-шафқати ҳақида доимо фикр юритадиганларнинг психикаси ёки руҳи ҳимояланган қалъага ўхшайди: ёмон ниятлар кирмоқчи бўлган заҳоти, мулоҳаза ва хотиралар жараёнида олинган ўткир ва сезгир идрок дарҳол уларга ҳужум қилади ва уларни кучсизлантиради. Қуръонда айтилади: “Тақво қилувчилар, агар уларга шайтондан бир шарпа етса, албатта, зикр қиларлар, бас, кўрибсанки, улар (тўғри йўлни) кўрувчи бўлиб турибдилар”. (Қуръон, 7:201)

Бинобарин, мулоҳаза инсон томонидан фикрлаш жараёнида қўлланиладиган барча когнитив фаолиятдан фойда кўради.

Шунга қарамай, у дунёвий чуқур мушоҳададан фарқ қилади. Бунда қарашлар ва тушунчалар бу дунёдан ташқарига чиқади ва охиратнинг чексиз томонларига дуч келади, мулоҳазанинг мақсади эса яратилишдан Яратувчига ўтади. Оддий кундалик фикрлаш дунёвий муаммоларни ҳал қилиш билан чекланиш, ҳис-туйғулар, эҳтирослар ва ҳиссиётлардан холи бўлиш мумкин бўлса-да, Исломиё маънода тафаккур дунёвий тўсиқлар ва модданинг чекловларидан кесиб ўтиш ва руҳнинг абадий эркинлигига ўтиш қобилияти туфайли иймонлиларнинг барча ички ва ташқи руҳий манбаларини рағбатлантиришга қодирдир. Чуқур Исломиё тафаккурга чўмган диндорлар атрофдаги ҳамма нарсани ва улар мулоҳаза қилаётганларини илгари бошдан кечирган воқеалар ва ҳис-туйғулар асосида, шунингдек, улар фойдаланаётган тилдан олинган рамзлар ва иборалар орқали ҳамда улар ким бўлганлиги ва келажакда ким бўлишлари мумкинлиги ҳақидаги ғоялари ёрдами билан тушунадилар. Кейин улар Аллоҳ Таолога бўлган эзгу муҳаббатлари ёрдамида бутун фикр ва ғоялар мажмуасини жонлантирадилар. Шундай қилиб, гарчи Исломиё мулоҳаза қилиш фикр, идрок, тасаввур, ҳис-туйғулар, ҳиссиётлар ва, биринчи навбатда, маънавият аралашмаси сифатида қаралиши мумкин бўлса-да, натижада уни ташкил этувчи унсурлардан фарқ қиладиган бутунлай янги туйғу пайдо бўлади.

Ўхшашлигига кўра, бу жараёни олдин тасвирланган фотосинтез ҳодисаси билан боғлаш мумкин. Ўсимликларда фотосинтез углерод, кислород ва водород каби унсурларсиз содир бўлмаганидек, Исломиё мушоҳадага ҳам фикр, тасаввур ва ҳиссиётлар сингари психологик “таркибий қисмларсиз” эришиб бўлмайди. Қуёш нури яшил баргларга тушади, шу билан бирга, тоза карбонат ангидрид ва тоза сувни водородга, кислородга ёки қора углеродга ўхшамайдиган янги моддага, яъни глюкозага айлантирадиган энергия тарқатади. Худди шундай, маънавият тарқалиши ҳам руҳни ёритади ва ички когнитив жараёнларни ўзгартириб, юксак ҳолатга келтиради. Ушбу ту-

шунча бизни ал-Ғаззолийнинг Исломий мулоҳаза “учинчисини рағбатлантириш учун юракка берилган икки тур маълумотларни ифодалайди” деган баёнотини эслатади. У куйидагиларни айтади:

*Ўткинчи дунёга мойил бўлган ва ҳозирги ҳаётни афзал кўрган, шунингдек, келажак ҳаётни ўткинчи дунёдан афзал кўриши керакми ёки йўқлигини билмоқчи бўлган киши шунни билиши даркор: аввалам бор, доимий бўлган нарса афзалроқдир; иккинчидан, келажак ҳаёт доимийдир. Ушбу икки маълумотдан у учинчисини, яъни охираат афзалроқ эканлигини олади. Охираат ўткинчи дунёдан афзалроқ эканлигини фақат олдинги икки маълумот ёрдамида англаса бўлади.<sup>13</sup>*

Ал-Ғаззолий маълумотларнинг ривожланишига фақат шу бириктирувчи жараён орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди, чунки унинг фикрича, маълумотларни билиш олдинги билимларнинг маҳсулидир. Унинг таъкидлашича, агар фикр юритувчи мўмин ўз билимларини маълум бир тарзда тартибга сола олса, улар чексиз кўпайиши мумкин ва бу жараёни ҳаёт тўсиқлари ёки ўлимдан бошқа ҳеч нарса тўхтата олмайди. Шундай қилиб, ал-Ғаззолий моддий фикрлаш ва мушоҳада ўртасидаги фарқни кўрсатади: агар инсон мушоҳада жараёнида унга ёрдам бера оладиган асосий таянч билимларга эга бўлмаса, мушоҳада натижасида келадиган билимга эга бўлмайди. Дарҳақиқат, жоҳил бадавий атомни ташкил этувчи электронлар ва протонлар мавзуси ҳақида фойдали фикр юрита олмайди; худди шундай, Худони инкор қиладиганлар, ҳатто физика бўйича мутахассис бўлсалар ҳам, Илоҳ тўғрисида мулоҳаза қила олишмайди. Ал-Ғаззолий шундай дейди:

Аксарият одамлар билимга асосий сармоя бўлган капитал йўқлиги сабабли ўз билимларини ошира олмайди-

лар. Бу молга эга бўлмаган ва шунинг учун фойда келтира олмайдиган кишига ўхшайди. Ёки унинг моли бўлиши мумкин, аммо бизнес тажрибаси йўқ. У ҳатто билим капиталига эга бўлиши, лекин айни пайтда фойда келтирадиган бирикишни таъминлаш учун ушбу маълумотлардан қандай фойдаланишни билмаслиги мумкин.<sup>14</sup>

Исломий мулоҳаза ўзаро боғлиқ бўлган учта босқичдан ўтиб, тўртинчисига, мен “маънавий билиш” (*shuhūd*) босқичи деб атайдиган, охиргисига олиб келади. Биринчи босқич кузатувчан объект ҳақидаги билим тўғридан-тўғри ҳиссий идрок орқали, чунончи кўриш, эшитиш, тегиш ва ҳид сезиш орқали ёки тасаввурдаги каби билвосита пайдо бўлиши билан бошланади. Бундай маълумотлар фақат ақлий бўлиши мумкин ва кўпинча ҳис-туйғуга оид ёки сезгига оид жиҳатлар билан алоқаси йўқ.

Мулоҳазанинг иккинчи босқичи одам эстетик жиҳатлар ва хусусиятларни ўрганиб, ушбу маълумотни батафсилроқ кўриб чиқишга қарор қилганда содир бўлади. Бу оддий идрок қилишдан қабул қилинадиган объектнинг гўзаллиги, устунлиги, тузилишининг улуғворлиги ва мўъжизавий юзага келиши ҳақидаги хайрат ҳолатига ўтишдир. Бу нозик кадрлаш, нафис ҳис-туйғулар ва кучли ҳиссий тажриба ҳолатидир.

Учинчи босқич фикр юритувчи шахс яратилган кузатадиган объекти ва унинг Яратувчиси ўртасидаги чегарани кесиб ўтганда рўй беради. Кейин у кузатадиган объектнинг ва коинотдаги ҳамма нарсанинг Яратганига итоаткорлик ва миннатдорлик ҳислари билан тўлиб тошади. Натижада, мулоҳаза юритувчи Яратувчидан ва У яратган нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқлигини англаб етади.

Бу Аллоҳ Таолони узоқ вақт зикр қилиш орқали нозик мулоҳаза такрорланган ва кучайтирилган тақдирда, мўминни тўртинчи босқичга – маънавий билишга олиб боради. Шунда рухий



туйғулар чукур мулоҳаза билан биргаликда иймонли инсон табиатининг бир қисмига айланади ва уни Худони янада кўпроқ севишга ва Унинг олий фазилатларини янада кўпроқ эъзозлаб, Ундан кўрқишга мажбур қилади. Ушбу доимий ҳис-туйғуларни оғзаки тавсифлаб бўлмайди.

Яратилишни кузатиш мўминлар ҳам, иймонсизлар ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин бўлган ибтидоий босқичдир. Худди шундай, шакл ва тузилиш гўзаллигини баҳолашни назарда тутадиган иккинчи босқич, ҳам иймонлиларнинг, ҳам динсизларнинг қалбларига етиб бориши мумкин. Бироқ коинотнинг бу эстетик баҳосини Аллоҳ Таолога ҳавола қиладиган учинчи босқичга фақат мўминларгина эриша оладилар. Тўртинчи босқичга етган диндорларга келсак, улар Худони шунчалик чукур эъзозлашади ва зикр қилишадики, улар энди Худонинг яратганларини Ундан алоҳида деб ҳисоблай олмайдилар. Улар дунёнинг тузилишида уйғунлик, раҳм-шафқат, гўзаллик ва ҳикматни кўрадилар ва уларда Аллоҳ Таолога бўлган иззат-икром ва миннатдорчилик ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ тўлиб-тошгандир. Исломий мушоҳаданинг бундай замонавий тушунчасини Ҳасан Басрийнинг сўзлари билан давом эттириш мумкин: “Илм эгалари Аллоҳни зикр қилган ҳолда тафаккурга берилар эдилар ва тафаккур қилган ҳолда Аллоҳни зикр қилишга берилар эдилар, юрак донолик билан жавоб бермагунча юракдан гапиришни сўрар эдилар”.<sup>15</sup>

Ўрганиш ва одатни шакллантириш нуктаи назаридан шуни айтиш мумкинки, доимий мулоҳаза юритадиган иймонлилар тўртинчи босқичга етиб борадилар, чунки Худони доимий зикр қилиш билан мустаҳкамланган мулоҳаза чукур илдиз отган рухий одатга айланмоқда. Акс ҳолда, бундай фикрлаш даражаси чукур ҳис-туйғуларни келтириб чиқарадиган воқеалар ёки уларнинг атроф-муҳитни бутунлай бузадиган ноёб ҳодисалар, масалан, зилзила ёки ўта ҳурматли одамнинг ўлими натижасида пайдо бўлиши мумкин эди. Фикр юритувчи мўминлар учун мулоҳаза даври, улар кун ва туннинг кўп қисмини шундай юк-

сак медитация ҳолатида ўтказмагунча, аста-секин ўсиб боради. Улар сезмасликка одатланган нарсалар чуқур мулоҳаза манбаи бўлиб, Худонинг марҳамати ҳақида янада кўпроқ ҳурмат ва мулоҳаза юритиш учун имкониятга айланади ва шунинг учун ҳам уларнинг атрофидаги ҳамма нарса тўғрисида ўйлаш учун кўзғатувчи ва Худони зикр қилиш учун туртки бўлади.

Иймонлилар кейин эришадиган чуқур билиш босқичи кўплаб олимлар ўртасида узоқ мунозаралар мавзусига сабабчидир. Масалан, Ибн ал-Қоййим “*Мадорижус соликийн*” (Изловчилар йўли) деб аталган китобида дастлабки мусулмон олимларининг асарларида маънавий билиш босқичига етган мусулмонларни шундай тасвирлайди:

*Унинг олдида Худонинг буюклигига гувоҳликнинг эшиклари ва У ҳукмронлигининг манзараси очилади... У барча коинот ўзгаришлари ва мавжудлик ҳодисалари қандай қилиб бир Аллоҳ Таолонинг қўлида эканлигини кўради. Кейин у Парвардигори оламнинг яхшилик ва ёмонлик, яратилиш ва тирикчилик воситалари, тирилтириш ва ўлим оят-белгиларини кузатади... Сўнгра, агар унинг кўзи яратилишининг бирон бир қисмини сезса, бу уни Яратувчисига ва Унинг мукамаллик ва буюклик сифатлари ҳақида фикр юритишига олиб боради.<sup>16</sup>*

Ибн Таймия мушоҳаданинг бу босқичини “ҳақиқий билиш” деб атайти:

*Мулоҳаза юритувчи мўмин Худонинг барча яратганлари Унинг амрларини қандай бажараётганига, Унинг иродаси билан бошқарилишига, Унга бўйсунлишига ва Унинг чақириқларига жавоб беришига гувоҳ бўлганда... Шу тариқа, иймонлилар мулоҳаза қиладиган ҳамма нарса диний итоаткорлик борасида қалбларида мавжуд бўлган нарсаларни яхшилайди ва оширади... шу билан бирга, Абдийни ўтқинчидан, Яратувчини Унинг яратилишидан*

*ҳамда Унинг бирлиги ва мустақиллигини Унинг яратилишидан ажратишни унутмайди.<sup>17</sup>*

Аслида, иккинчи босқичга эришган ва яратилишнинг гўзаллигини, унинг буюклиги ва бенуксонлигини баҳолай оладиган мўминлар муқаррар равишда ўз Яратувчиси ва Қодирига яқинлаша оладилар, кейин эса Унинг еру осмондаги барча оят-белгилари билан солиштирганда ўзларининг аҳамиятсизлиги ва ночорлигини ҳис қиладилар. Бу улкан коинот чиндан ҳам руҳлари покланган, қалблари итоаткор бўлган ва ҳақиқатни тинглаб, унга гувоҳлик беришга қодир бўлган пайтда фақат мўминларгина киришлари мумкин бўлган ибодат жойидан бошқа нарсасиз эмас.

Диндорлар яратилганларнинг барча мукамаллиги, гўзаллиги ва буюклигини кўриб ҳайратга тушиши, уларнинг жисмоний ва руҳий қобилиятлари ниҳоятда чекланганлигини англаб етиши – бу одамларга Раббийга йўл топиш, Унга иззат-икром билан ва чуқур эҳтиром билан сажда қилиш учун ва улар кўзларини еру осмонга қаратишлари учун Яратувчи томонидан берилган туйғулардир. Агар бу тан олинмаса, одамлар нотўғри йўлга – иймонсизлик ва бутпарастликка тушиб, ўзларининг туғма табиатидан тескари йўналишда фойдаланадилар. Дарҳақиқат, тарих давомида бу ҳайратланарли бутпарастлик динларининг издошларини ҳайкаллар, расмлар ва илҳомланган мусиқа билан безаб турган ибодатхоналарнинг ўлчамлари, гўзаллиги ва дизайнини ҳаддан ташқари оширишга сабаб бўлган. Масалан, Афинадаги Пантеонни ёки қурилиши учун икки аср вақт кетган ва Мисрда жойлашган Асвон шаҳридан улкан тошлар олиб келинган Ливандаги Баълабак шаҳрида Юпитер ибодатхонасини ёки қадимги мисрликлар Карнакда қурган, 5300 квадрат метрдан ортиқ майдонни эгаллаган ва баландлиги 23 метрдан юқори улкан устунларга эга бўлган Амун ибодатхонасини эслатиб ўтишимиз мумкин. Бутпарастлик динларининг издошлари қурган бу ибодатхоналар одамлар томонидан жуда

катта куч ва харажатлар эвазига барпо этилган энг йирик ибодатхоналардир. Сабаби, сеҳргарлар ва рухонийлар кишиларни тўлиқ назорат остига олиб, ўзларига бўйсундирмоқчи эдилар.

Буларнинг барчаси билан одам Каъбанинг соддалигига ҳайрон бўлиши мумкин, гарчи у Исломиё масжидларнинг энг эъозли, муътабар ерда жойлашгани бўлса-да, у катта ва курғоқчил водийнинг ўртасида жойлашган кичик бир хонадир. Шунингдек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинадаги ўз масжидини “биродарим Мусо алайҳиссаломнинг кулбасига ўхшаш ёғоч ва қамишдан уйча” деб таърифлаганликлари ҳам айтилади. Бу эса бинога ҳашаматли кўриниш бериш учун пул сарфланмаслик керак бўлган жой сифатида талқин этилади. Чиндан ҳам, у зотнинг масжиди қуёшда қурилган ғишт ва лойдан қурилган, томи пальма шохлари ва қамишдан ясалган ва бу иншоотнинг баландлиги энг бўйдор саҳобалардан атиги бир неча сантиметр баландроқ бўлган. Муҳаммад ал-Ғаззолий ушбу бинонинг ўта соддалигини қуйидагича тасвирлайди:

*Масжид ташқи кўринишида жуда содда қурилган. Унинг поли қум ва шагаллардан иборат эди, томи пальма шохларидан, устунлари эса пальма поясидан ясалган. Ёмғир пайтларида пол ифлос бўлиб қолар эди. Дайди итларнинг унга кириб-чиқишини кўрса бўлар эди... Ушбу камтарона ва оддий бинонинг қучоғида одамлар орасидан фаришталар, девқоматлиларни ром қилувчилар ва келажак ҳаётнинг шохлари тарбияланган. Ушбу масжидда Раҳмон ва Раҳим Аллоҳ Пайғамбарга Қуръон орқали унинг хабарига ишонган танланган одамларга ҳидоят қилишига, уларни тонгдан то кунботаргача илоҳий тамойиллар асосида тарбиялашга имкон берган.<sup>18</sup>*

Афтидан, мусулмонлар ва уларнинг Яратувчиси ўртасидаги алоқа қанчалик заиф бўлса, уларнинг ўз қалбларини тозалашлари ва юксалтиришлари эвазига масжидларни қуриш ва безашга

бўлган қизиқиши шунчалик ортмоқда. Муҳаммад ал-Ғаззолий бу борада давом этади:

*Бироқ баъзи кишилар ўзларининг руҳларини юксак ахлоқда тарбиялай олмагач, улар эътиборсиз иймонлилар жойлашган баланд масжидлар қуриш билан машғул бўлганлар. Уларнинг буюк салафлари эса масжидларнинг ҳаддан ташқари безатилишига эътибор бермай, аксинча, ўз қалбларини тарбиялаш ва тозалаш билан банд бўлишган.*<sup>19</sup>

Ушбу бобда мен иймонлилар идрокдан билишгача бўлган сафарида босиб ўтадиган тўрт босқичнинг тавсифини тақдим этдим: ҳиссий идрок, баҳолаш, эъзозли мулоҳаза ва маънавий билиш. Шунга қарамай, инсонларнинг мушоҳадаси коинотда моҳирона яратилган нарсалар мавзуси билан чекланиб қолмаслиги керак, зеро улар орасида чиройли ва ёқимсиз, буюк ва аҳамиятсиз, фойдали ва ҳалокатли нарсалар бор. Гарчи баҳолаш ҳиссий жиҳатдан қарама-қарши бўлса-да, идрок аламли, кўрқинчли ёки нотинч тажриба ва ҳодисаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Нохуш ҳодисалардан олинган сабоқларга эътибор қаратиш орқали мулоҳаза одамга улардан қандай қочиб, кўрқиб ёки нафратланишни ўргатиши мумкин. Шу муносабат билан Қуръонда кўплаб ёвуз золимлар сингари Аллоҳ Таоло томонидан вайрон қилинган Қорун қиссаси эслатиб ўтилади, токи мўминлар унинг тақдири ҳақида ўйлашсин ва ундан ибрат олишсин:

*“Албатта, Қорун Мусо қавмидан бўлиб, уларга тақабурлик қилди. Биз унга калитлари бир гуруҳ қувватлиларга ҳам оғирлик қиладиган хазиналарни берган эдик. Ўшанда қавми унга: “Ҳовлиқма, албатта, Аллоҳ ҳовлиққанларни суймас. Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил.*

*Ер юзида бузғунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас”, дедилар. У (Қорун): “Менга у фақат ўзимдаги илм туфайлигина берилгандир”, деди. Аллоҳ ундан олдинги асрларда ундан кўра қувватлироқ, ундан кўра кўпроқ (мол) тўплаганларни(ҳам) албатта ҳалок этганини у билмасмиди?! Гуноҳкорлардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас. Бас, у (Қорун) қавми ҳузурига зебу зийнати ила чиқди. Ҳаёти дунёни хоҳлайдиганлар: “Қани энди бизга ҳам Қорунга берилган нарсадан бўлса эди. Ҳақиқатан, у улуг насиба эгасидир”, дедилар. Илм берилганлар эса: “Вой бўлсин сизларга! Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар учун Аллоҳнинг савоби яхшидир. Унга фақат сабр қилганларгина эришулар”, дедилар. Бас, Биз уни ва унинг ҳовли-жойини ерга юттирдик. Унга Аллоҳ(азоби)дан ёрдам берадиган гуруҳ ҳам бўлмади, унинг ўзи нусратга эришгувчилардан ҳам бўлмади. Ва кечагина унинг маконини орзу қилаётганлар: “Воажаб, Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаганларига ризқини кенг ёки тор қиладиганга ўхшайдир. Агар Аллоҳ бизга лутф қилмаганида, бизни ҳам ерга юттирар эди. Воажаб, кофирлар нажот топмайдиганга ўхшайди-ку!” дейишга ўтдилар”. (Қуръон, 28: 76-82)*

Шунга ўхшаш фалокатлар бугунги кунда ҳам рўй бермоқда ва биз уларда Худонинг ниятини кўрмаймиз ва ҳатто ҳаёлимизга келтирмаймиз, балки воқеаларни вазият ёки қисмат билан боғлаймиз. Кўплаб диктаторлар кўриқчи сифатида ёллаганларининг қўллари билан ағдарилган. Айрим замонавий олимлар кейинчалик уларнинг жигари ва онгига зарарли таъсир кўрсатиб, уларни хато йўлга солиб қўйган спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларга қарам бўлиб қолишган.<sup>20</sup>

Дарҳақиқат, эҳтимол, тузилишининг гўзаллиги, қиймати ва нафислигини одатий ва хотиржам кузатиш орқали мушоҳадага бўлган турткига кўра, даҳшатли воқеалар ёки инсон бошидан

кечирган бахтсизликлар ва маҳрумликларга гувоҳ бўлиш тақдири инсонларни ўйлашга ва сабоқ олишга самаралироқ мажбур қилади.

Шу муносабат билан, мен оғриқли ёки қайғули кузатувлардан олинishi мумкин бўлган сабоқлар борасида ўз тажрибамни баҳам кўрмоқчиман. Уйимиз яқинидаги масжидда яшовчи бир йигит пайшанба куни масжид таъмирга ёпилган пайтда вафот этди. Шундай қилиб, унинг ўлими ҳақиқати фақат шанба куни эрталаб аниқ бўлди. Дафн этишга тайёргарлик кўриш мақсадида жасадни олиб чиқиш учун бир гуруҳ одамлар билан борганимда, у ерда биз қуртлар билан тўлиб-тошган ва намликка тўлган жойни топдик. Ўлим ҳақида аввал ўқиганларим ва ҳаётнинг аҳамиятсизлиги тўғрисидаги олдинги мулоҳазаларимнинг таъсирини ўша даҳшатли лаҳзаларда бошдан кечирганларим билан мутлақо тенглаштириб бўлмайди.

Фикрлаш ва мулоҳаза нуқтаи назаридан мушоҳада масаласини муҳокама қилгандан сўнг, кейинги бобда мен ушбу усуллар орқали эришилган мушоҳаданинг турли даражаларини кўриб чиқаман.

## УЧИНЧИ БОБ

---

### ИсломиЙ Мушоҳада ва замонавий медитация машқлари

Биринчи бобда айтиб ўтилганидек, психология нуқтаи назаридан ИсломиЙ мушоҳада таълимоти биринчи навбатда медитация машқларини ўрганиш ва уларнинг фикр юритувчиларга онг ҳолатини ижобий ўзгартириш орқали тасдиқланган ёрдам бериш қобилиятини исботлашдир. Бирок, юқорида таъкидланганидек, ИсломиЙ мушоҳадада бу ўзгартирилган фойдали ҳолатлар жараённинг тугаши эмас, чунки мулоҳазанинг ИсломиЙ ибодат шакли сифатида асосий мақсади мусулмонларнинг Аллоҳ тўғрисидаги онг даражасини когнитив, ақлий ва маънавий жиҳатдан оширишдан иборат. Иккинчи бобда эслатиб ўтилган ушбу билиш жиҳатлар куйида батафсилроқ муҳокама қилинмоқда. Тўртинчи бобда фойдали медитация машқи сифатидаги ИсломиЙ мушоҳаданинг аҳамияти ва қиймати кўриб чиқилади.

Трансцендентал медитация ва шунга ўхшаш машқлар амалиёти сўнгги йилларда Европа ва Америкада жуда машхур бўлиб кетди – бу халқлар тарихида мисли кўрилмаган ҳодиса. Бу қадимги Шарқ ва ҳинд илдизларига эга бўлган ушбу турдаги муроқабачисий, билиш ва жисмоний касалликлар билан боғлиқ хасталикларни даволашга жуда ижобий таъсир кўрсатиши аниқлангандан кейин содир бўлди. Ушбу фаслда муроқабанинг исботланган фойдалари ва уларнинг ИсломиЙ ибодат шакли сифатида мулоҳаза билан алоқаси муҳокама қилинади.

Агар Исломдаги таълимот, амрлар ва ўрнатилган ибодат шаклларига назар ташланса, барча илоҳий кўрсатмалар мусулмонга ҳозирги дунёда ҳам, охиратда ҳам фойда келтиришини кўриши мумкин. Тиббиёт ва психофизиология фанларидаги замонавий ютуқлар бу баёотно амалиётда тасдиқлади. Спиртли



ичимликлар, гиёҳвандлик ва зинога Исломиё тақиқнинг қадри ва донолиги гиёҳвандликка қарамлик ва ОИТС пандемиясининг замонавий даврида эътиборимизни бунга қаратиш учун етарлича равшандир.<sup>1</sup> Ҳақиқатан, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда, замонавий цивилизация дуч келадиган асосий хавф манбаи ҳисобланади. Америкалик олимларнинг таъкидлашича, алкогольизм уларнинг энг муҳим муаммосидир, шунингдек, у юрак хасталиклари ва онкологиядан кейин ўлимнинг учинчи сабабига айланди. Улар ҳам маст ёки гангиган ҳайдовчилар касридан содир бўлган минглаб бахтсиз ҳодисалардан ташқари, ўз халқини ҳар йили алкогольизм ва гиёҳвандликдан даволаш учун миллиардлаб доллар сарфлашини тан олишади. Гап шундаки, уларнинг миллати ишлашга лаёқатсизлиги сабабли миллионлаб ватандошларнинг ҳиссасидан маҳрум. Шу муносабат билан Бенгелъсдорфдан иқтибос келтирган Карсон шунни тасдиқлайди:

*Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва, айниқса, уни сууистеъмол қилиш героин, амфетаминлар, барбитуратлар ва марихуана ҳаммасини биргаликда сууистеъмол қилишдан кўра кўпроқ одамларни ўлдирган, касалхоналарга кўпроқ қурбонлар юборган, полиция томонидан кўпроқ қамоққа олинишига сабаб бўлган, кўпроқ никоҳ ва уйларни вайрон қилган ва саноатга кўпроқ қимматга тушган.*<sup>2</sup>

Замонавий тиббий тадқиқотлар шунни кўрсатдики, бошқа барча Исломиё амрлар, қоидалар ва рағбатлантирилган хатти-ҳаракатлар иймонлиларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини ҳимоя қилиш учун инкор этиб бўлмайдиган аҳамиятига эга. Масалан, мўминлар, ҳар куни беш маҳал намоз ўқишдан олдин олган таҳорат (*вузуъ*) ёки жума намозидан олдин ва эр-хотинлик жинсий алоқадан кейин танани тўлиқ ювиш (*гусл*) ва бошқа амалий Суннат кўрсатмалари аниқ гигиеник аҳамиятга эга. Шунга ўхшаш бебаҳо фойда мусулмонлар ибодат қилиш шаклида ҳам, Ислом таълимотларини одатий бажаришда ҳам,

амалга оширадиган ҳар қандай амалиётда ҳам учрайди. Жумладан, беш вақт намозни ўқиётган пайтида жисмоний машқлар, рўза тутишнинг соғлиқ учун фойдалари ва семиришга олиб келадиган ортиқча овқатланишдан сақланиш – булар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг бир нечта ҳадисларида ва куйидаги Қуръон оятида айтиб ўтилган: “... Еб-ичинг ва исроф қилманг...” (Қуръон, 7:31)

Бу бизни муқаррар равишда мушоҳада ва медитациянинг ибодат шакллари сифатида мўминларнинг руҳий ва жисмоний саломатлиги учун аҳамияти тўғрисида хулосаларга олиб келади. Ҳатто Исломий мулоҳазанинг жиҳатларини батафсил ўрганмаган ҳолда ҳам, шуни таъкидлаш керакки, йигирманчи асрнинг охирида иймон омили билан бирга медитациянинг аҳамияти ҳақида, шунингдек, стресс, ташвиш, уйқусизлик, юқори қон босими, қаттиқ бош оғриғи ва юқори холестерин даражаси каби психологик, психофизиологик ва органик бузилишларни даволашда уларнинг фойдалари тўғрисида юзлаб китоблар ва илмий мақолалар нашр этилган. Замонавий психосоматик тадқиқотлар мушоҳаданинг асоси бўлган фикрлаш ва бошқа когнитив фаолият инсоннинг турли касалликларга мойиллигида муҳим роль ўйнашини, шунингдек, мулоҳаза ва мувоқабанинг тегишли усуллари шахснинг патологик онгини ўзгартиришга, соғлиғини яхшилашга ва ҳатто тиклашга олиб келиши мумкинлигини тасдиқлайди. Герберт Бенсон буни “тузилишнинг когнитив ўзгариши” деб атайди.<sup>3</sup> Буни эски арабча мақол ҳам тасдиқлайди: “Ўзингни касал қилиб кўрсатма, зероки ҳақиқатан ҳам касал бўлиб, натижада ўлишинг мумкин”.

Инсоннинг органик ва жисмоний томонларига кайфият ва психологик тажрибаларнинг таъсири унинг кундалик ҳаётидаги яққол ҳодисадир. Одамлар ҳаяжон ёки безовта ҳолатларда бўлганда, уларнинг юрак уриши тезлашади ва улар бошқа физиологик ҳолатларга ўтадилар, бунда ҳаяжон ёки кўрқув билан боғлиқ юз ифодаси ҳам ўзгаради. Худди шу тарзда, улар хижолат ҳисси билан тўлиб-тошганларида, қизариб кетишади,

шунда, агар улар оқ юзли бўлсалар, бу туйғу фош қилинади. Шунга қарамай, ушбу кундалик кичик жисмоний ўзгаришлар кўплаб одамларни, шу жумладан, органик фикрлайдиган тиббий амалиётчиларни инсон физиологиясини шакллантиришда фикрлаш ва когнитив омилларнинг асосий вазифасига нисбатан ишонтирмаслиги мумкин.<sup>4</sup>

Кескин ҳиссий ва когнитив стресс натижасида киши тана-сида юзага келадиган мураккаб физиологик ҳодисани ўрганаётган тиббий мутахассислар янада ишончли далилларга эгадирлар. Ушбу ҳодисалардан бири сохта ҳомиладорлик бўлиб, у наслсиз аёл ҳомиладор бўлишни қаттиқ хоҳлаганда пайдо бўлади ва унинг онги танага физиологик даражада жавоб беришни “буюради”. Пировардида гўёки у ҳомиладор бўлгандек содир бўлади: унинг ҳайз жараёни тўхтайтиди, қорни катталашади, пигментли юмшоқ эмчак учлари билан кўкраклар шишиб, сут ишлаб чиқариш бошланади. Бенсоннинг сўзларига кўра, баъзи аёллар ушбу алдамчи ҳодисанинг тўртинчи ёки бешинчи ойларида ҳомиланинг ҳаракатланиш туйғусини бошидан кечиришлари ҳам мумкин!<sup>5</sup> Бироқ аёллар ўзларининг ҳомиладорлиги ёлгон эканлигини аниқлаганларида, бу физиологик ўзгаришларнинг барчаси ҳайратланарли даражада тез йўқолади. Сохта ҳомиладорлик узоқ вақтдан бери маълум бўлган психосоматик ҳолатлардан бири бўлиб, илк бор тиббиётнинг қадимги отаси Гиппократ томонидан тасвирланган. Бу ҳодиса ҳали ҳам деярли тез-тез учраб туради. Пол Фрид ва унинг Филадельфиядаги Жефферсон тиббиёт коллежи ва касалхонасидаги ҳамкасблари сохта ҳомиладорлик билан оғриган аёлларнинг аломатлари шунчалик аниқ бўлганки, бир гуруҳ докторлар ушбу ҳодисанинг ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилишган.<sup>6</sup>

Яна бир муҳим ҳодиса, ўзлари билмаган фаол моддаларни ўз ичига олмайдиган таблетка ва капсулалар бериладиган кўплаб беморлар жисмоний ҳолатининг яхшиланиши мисолида кузатилмоқда. Ушбу капсулалар фақат оз миқдордаги шакарни ўз ичига олиши мумкин, аммо шу билан бирга, доктор бемор-

ларни ушбу дорилар даволаниш учун етарлича самарали эканлигига ишонтиради. Худди шундай, доктор беморнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш учун инъекция жуда самарали воситани ўз ичига олганини даъво қилиб, унга оддий физиологик эритма юбориши мумкин. Тадқиқот шуни кўрсатдики, “плацебо таъсири” деб номланувчи даволаш курсини олган беморларнинг аҳволи ҳақиқий тиббий даволанишдан ўтган беморлар эришган ҳолатга деярли тенг даражада яхшиланган.

Шу муносабат билан, С. Вольф жуда қизиқарли ва намунали тадқиқотида беморнинг эътиқоди ҳатто дориларнинг тескари таъсирга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ҳам хабар беради. Ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида кўнгил айнаши ва қусиш билан оғриган аёллар бунга мисолдир. У уларга аслида қусишни келтириб чиқарадиган сироп шаклидаги дори бериб, айна пайтда ушбу дори уларнинг ҳолатини яхшилаши кераклигини айтган. Кутилганидек, кўнгил айнаши ва қусиш тўхтаб, ошқозон қисқариши эса нормал ҳолатга қайтган.<sup>7</sup>

Сўнгги пайтларда, айниқса, инсоннинг ҳиссий ва когнитив ҳаракатлари унинг иммунитет тизимига бевосита таъсир қилиши исботланганидан кейин олимлар бу масалага янада кўпроқ қизиқиш билдира бошладилар. Замонавий тадқиқотлар ташвиш, тушкунлик, чуқур ёлғизлик ва ишонччи йўқотиш ҳолатлари билан бирга келадиган сурункали психологик стресс инсон иммунитетига жиддий таъсир қилганлигини аниқ кўрсатди. Дарҳақиқат, сурункали стресс буйрак усти безларида гормон ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун имкон туғдиради, бу эса ўз навбатида, табиий иммунитет тизимини заифлаштиради. Танадаги “кураш ёки қоч” жараёни учун ўта эҳтиёж ҳолатини шакллантирадиган ушбу гормонлар қон босимини ошириши, юракдаги оғирликни ва ҳатто қон томирларининг ёрилиши туфайли инсултни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Бундай тадқиқотлар янги фан – психонейроиммунологиянинг пайдо бўлишига олиб келди, у илк бор ихтисослашувнинг икки хил соҳасини, яъни ижтимоий фанлар, психология ва ин-

сон иммунологияси кимёсини бирлаштирди.<sup>8</sup> Одамларнинг фикрлари, туйғулари ва ҳиссиётларини ўзгартириш орқали уларнинг жисмоний ҳолатини ва соғлиғини яхшилаш бўйича кизгин тадқиқотлар ўтказилган. Баъзи олимлар буни замонавий Ғарб тиббиётида “учинчи инқилоб” деб аташган: биринчиси жарроҳликнинг ривожланиши, иккинчиси пенициллин ва бошқа антибиотикларнинг кашф этилиши эди. Бунинг сабаби шундаки, кишиларнинг тафаккури ва когнитив фаолияти атроф-муҳитда таъсир қиладиган воқеалар ва кўзгатувчилар билан эмас, балки уларнинг ўша воқеалар ва тажрибаларни баҳолаши ва тушуниши билан белгиланмоқда. Милодий биринчи асрда яшаган Рим файласуфи Эпиктет шундай деган: “Инсоннинг ташвиши атрофдаги нарсадан эмас, балки бу нарса ҳақида у бошидан кечирган фикрларидан келиб чиқади”.<sup>9</sup> Демак, фақат “соғлом танада соғлом ақл бор” деган араб мақолига таяниш нотўғри бўлади, бунга “соғлом ақлда соғлом тана бор”, деб кўшимча ҳам қилиш керак.

Жисмоний ва психологик касалликларни даволашда медитация ва унга ҳамроҳ бўлган бўшашиш қандай ёрдам беради? Докторлар беморларга берадиган кўрсатмалар бир оз оддий ва содда кўринади, аммо умуман олганда, улар жуда тез ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу оддий медитация кўрсатмалари минг йиллар олдин маълум бўлган, ҳиндуйликлар ва буддистлар уларга эргашишган. Клиникалар ва тиббий лабораторияларда психофизиологик ўзгаришларнинг сўнгги усулларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган кўплаб илмий тажрибаларга асосланган тадқиқотлар трансцендентал медитация каби диққат-эътиборли медитация ҳақиқатан ҳам тиббиётда инқилоб эканлигини исботлашган. Медитация орқали беморлар касалликларини даволаш ва психологик ҳолатини яхшилаш учун ўзларининг ақлий, когнитив ва маънавий кучларидан фойдаланадилар.

Мен ушбу соҳадаги энг машҳур китобларнинг биридан оддий кўрсатмаларни келтираман. Унинг муаллифи Г. Бенсон йога ва Шарқнинг бошқа амалиётларидан ўзлаштирган ме-

дитація ва бўшашиш техникаси бўйича атоқли мутахассисга айланган.<sup>10</sup> Бенсон ўз беморларига сокин муҳитда қулай ўтиришларини ва дам олишларини, кўзларини юмиб, нафас олиш жараёнига диққатни жамлаб, чуқур ва бир текис нафас олишни таклиф қилади. Сўнгра улардан ўз эътиқодлари ёки динларига мувофиқ бирон бир сўз ёки қисқа жумлани эслашлари ва ҳар сафар нафас чиқараётганда айтилганларнинг маъноси ҳақида ўйлаб такрорлашлари сўралади. Агар беморлар сўз ёки ибора ўрнига бирон бир маъно ёки кўзга кўринадиган шаклни танлашни афзал кўрсалар, улар худди шу такрорланадиган маросимга риоя этиш орқали буни қилишлари мумкин.

Америкаликлар трансцендентал тафаккурга қизиқишганда, улар буни ҳиндуийликнинг қадимий анъаналаридан том маънода ўзлаштириб, улар учун маъносиз бўлган сўзни ва номаълум бўлган ҳиндуийлик ёки қадимги Шарқ мантрасини такрорладилар. Бирок, кейинчалик улар медитация қиладиганлар учун диний аҳамиятга эга бўлган маъноли ибораларни такрорлаш ёки уларнинг эътиқодларини эслатиш янада кучлироқ таъсир кўрсатишини ва улар ҳақида чуқур мулоҳаза юритиш уларнинг шифобахш таъсирини кучайтиришини тушунишган.

Трансцендентал медитацияни ўрганиш шуни кўрсатадики, медитация билан шуғулланадиганлар учун сўзларга эътиборни қаратиш ва уларни доимо такрорлаш ёки уларнинг эътиқодларига мувофиқ онгдаги тасвирларга қайта-қайта мурожаат қилиш жуда муҳимдир. Бу одамларда мулоҳаза қилиш нарсаси тўғрисида янги тушунчаларни чуқурроқ тушунишга ва шакллантиришга олиб келади, шунингдек, уларнинг мавҳум ва маънавий билимларини юқори даражага кўтаради. Акс ҳолда, улар буни ҳамиша бир хил кундалик ҳаёти ва атроф-муҳитнинг зерикарли бир хиллиги туфайли била олмас эдилар. *“Трансцендентал медитация”* атамаси шундан келиб чиқмоқда.

Медитация билан шуғулланадиганлар риоя қилишлари керак бўлган муҳим кўрсатма – бу онга доимий равишда кириб борадиган ва уларнинг муроқабаси қилиш объектига эътиборни

тўплашга халақит берадиган барча фикр ва ҳиссиётларни эътибордан чиқаришдир. Улар диққатни жамлашга қайтишлари ва ушбу машқни бажара оладиган даражага етмагунча, ушбу “аралашувларга” бефарқ бўлишлари лозим. Дарҳақиқат, амалиётчилар ушбу машғулотларни такрорлашганда, уларнинг тафаккури ва мулоҳазаси чуқурлашади, таналари кўпроқ бўшашади ва мияга ўрнашиб қолган салбий фикрлар сезиларли даражада камаяди. Оқибатда одамлар энди стресс, ташвиш ва ҳатто шикоят қилган жисмоний аломатлардан азият чекмасликларини аниқлайдилар. Бир қатор тадқиқотчилар, шу жумладан, Бенсон, шунини аниқлаганки, ҳар бир машғулотнинг давомийлиги 15 дақиқадан 20 дақиқাগача бўлган бу мулоҳаза маросимини кунига икки марта бажарадиган одамлар ўзларининг руҳий ва жисмоний ҳолатларининг сезиларли яхшиланишини пайқаб, янада оптимист, самарали ва ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўладилар.<sup>11</sup>

Ушбу яхшиланишни қон босими ва холестерин миқдори ни ўлчаш орқали исботлаш мумкин, бу эса ўз навбатида, докторларга ўз беморларига ҳатто трансцендентал медитация амалиёти бошланишидан бир неча йил олдин дори-дармонлар қабул қилишга одатланган сурункали касал одамларга ҳам дори-дармонлар қабул қилишни камайтириш ёки ҳатто бекор қилиш имконини беради. Шу муносабат билан Бенсон иймон омили билан биргаликда бўшашиш ва муроқабани билан шуғулланган беморларнинг қонидаги холестерин даражаси ушбу турдаги медитация муолажасидан ўтмаган беморларнинг холестерин даражасига нисбатан 35 %га камайганлигини эслатиб ўтади.<sup>12</sup> Шунга ўхшаш тадқиқот беморларда томир уриши тезлиги сезиларли даражада (дақиқада уч мартага) қисқарганлигини ва организмнинг қон орқали кислород ва глюкоза истеъмоли камайганлигини кўрсатади. Бошқа томондан, электроэнцефалограммада кузатилган ва беморларнинг хотиржамлиги ва бўшашиш ҳолати таъсири остида ўзгариб турадиган альфа-ритми кучаяди.

Психофизиологик ҳолатдаги ўзгаришларни аниқлашнинг яна бир муҳим усули бу терининг психогальваник рефлексини ўлчаш деб номланувчи заиф электр токига терининг қаршилиқ кўрсата олиши реакциясидир. Бемор томонидан сезилмайдиган даражада кичик электр токига нисбатан бундай қаршилиқ инсон қафтнинг терлаши ва намлиги ортиши билан камайдиган ва бунинг аксича ҳам юз беради. Шундай қилиб, одам жуда ҳаяжонланган бўлса ва қафтдаги тер безлари кўпроқ ишласа, ҳўл қўл енгил электр токининг кучли ўтказувчисига айланади, бўшашган одамнинг қуруқ қафти эса электр токига кўпроқ қаршилиқ кўрсатади. Тананинг жавобини қафтга махсус электродларни улаш орқали осонгина ёзиб олиш мумкин, шундай бўлгач, ҳосил бўлган оқим махсус компьютер ёки ўлчаш мосламасига юборилади. Л. Ле Шан ўзининг *“Қандай қилиб медитация қилиш керак”* номли китобида трансцендентал медитация ғазаб ва ташвиш ҳолатидан тўғридан-тўғри қарама-қарши ҳолатга олиб келишини ва терининг қаршилиқ кўрсата олиши 400 %дан кўпроқ оширишини айтади.<sup>13</sup>

Рухий-жисмоний ўлчов усулларининг ишончли исботи медитация билан шуғулланадиган одамларнинг қизиқарли ва ажойиб ҳикояларида келтирилган: бош оғриғи, овқат ҳазм қилиш тизимининг сурункали бузилиши, кўкрак оғриғи ва бошқа психофизиологик аломатлар – уйқусизлик, стресс ва ташвиш йўқолади. Ҳатто жисмоний аломатлар бутунлай йўқолмаса ҳам, улар сезиларли даражада заифлашади ва беморлар энди ҳеч қандай хавотирни ҳис қилишмайди.

Мувоқабат билан шуғулланганлар, хоҳ касал, хоҳ соғлом бўлсин, муҳим психологик ўзгаришлардан бири уларни қамраб олувчи ҳаддан зиёд хотиржамлик ҳисси мавжуд бўлишлигини тасдиқлайдилар. Бунинг устига, улар кучли ўз-ўзини билиш ҳисси ва атроф-муҳит билан уйғунлик, бошқа одамларга нисбатан илиқ туйғу, катта некбинлик, шунингдек, иш қобилиятининг кучайиши ва фикрлашнинг ижодкорлиги ҳақида ҳам хабар беришади. Медитация билан шуғулланадиганларнинг кўпчил-



лиги бу ҳолатни чет элда узоқ вақт тургандан кейин одам ўз уйига қайтганида бошидан кечирадиган туйғу билан солиштиришади.

Ле Шаннинг таъкидлашича, жисмоний дунёдан ташқарида бўлган бу ноаниқ туйғулар ҳаёл ёки ўзини ўзи ишонтириш маҳсулоти эмас. Бу тарих давомида бутун дунёнинг турли бурчакларидан келган зоҳидлар, иймонлилар ва тасаввуфчиларнинг ҳикояларига ўхшашлиги билан ҳам тасдиқланган ҳақиқатдир. Ўзининг баёноти фойдасига қўшимча далилларни қўллаб-қувватлаш учун Ле Шан физикага мурожаат қилади. У қуйидагича ёзади:

*Агар биз замонавий физикадан бирор нарса ўрганган бўлсак, битта савол ҳақида бир-бирига зид бўлган иккита қараши бўлиши мумкин, аммо шу билан бирга, ҳар иккала-си ҳам “тўғри” бўлиб чиқади. Физикада бу тўлдирилганлик тамойили деб аталади. Бу ҳар қандай ҳодисани тўлиқ тушуниши учун уни икки хил нуқтаи назардан кўриб чиқиши зарурлигини англатади. Бунда ҳар бир қараши фақат тўғрилиқнинг ярми эканлигини айтмоқда.<sup>14</sup>*

Ушбу баёнотни қўллаб-қувватлаш учун Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ва квант физикаси Ньютон томонидан таклиф қилинган соат механизми сифатидаги Коинот ғоясини йўқ қилганини эслашимиз керак. Дарҳақиқат, янги физика бир нарсага ўхшаб кўринадиган нарса унинг тескарисига айланиши мумкинлигини аниқ кўрсатди. Субатомик даражада, ҳажми жуда кичик бўлган зарралар ва организмлар сифатида илмий тажриба ёрдамида кўрсатилиши мумкин бўлган нарса катта бўшлиққа чўзилган тўлқинлар шаклида ҳам кўрсатилиши мумкин. Иккала қарама-қарши тушунчалар фойдасига ишончли исбот мавжуд. Бу биринчи марта кашф этилганда қўллаб физикларни доводиратган ҳақиқат. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси бизнинг масса ва вақт ҳақидаги тушунчамизни ҳам

рад қилди. Биринчисини энди атом портлашининг қўзиқорин каби портлаши мумкин бўлган тўйинган энергия мавжудлиги шаклида кузатиш мумкин, иккинчиси эса шунчаки “тўртинчи ўлчовга” айланди. Агар буларнинг барчаси билимнинг моддий даражасида содир бўлиши мумкин бўлса, унда Ле Шан таъкидлаганидек, одамлар муҳофаза орқали эриша оладиган коинот ва ҳаёт ҳақидаги билимларнинг юқори даражаси борлиги ажабланарли эмас.

Ҳозирча мен эҳтирослар, ҳиссиётлар, эътиқодлар ва фикрлаш жараёнининг инсоннинг руҳий-жисмоний саломатлигига таъсир қилишига олиб келадиган бошқа когнитив фаолиятнинг салбий ва ижобий таъсири ҳақида мулоҳаза юритдим. Мен одамлар қандай қилиб ўзларида психофизиологик касалликларни келтириб чиқариши ёки иммунитетини заифлаштириши ва шу билан ўзларини микроб касалликларига дучор қилиши ёки қандай қилиб ўзларини даволаб, борлиқнинг юқори даражасига кўтарилиши мумкинлигини кўрсатадиган бир нечта тадқиқотларни умумлаштирдим. Шунингдек, мен Фарбдаги мулоҳазанинг ролини қайд этдим ва терапия сифатида муҳофаза амалиётига мослаштирилиши мумкин бўлган бир нечта оддий усулларни эслатиб ўтдим.

Мусулмон учун бу турдаги терапевтик медитациянинг еру осмон ҳақида ўйлаш, Аллоҳни ҳамд қилиш ва зикр қилиш билан ўхшашлигини сезиш осондир. Аслида, иккала амалиёт ҳам мулоҳаза қилиш нарсасига эътиборни қаратишни ҳамда ташқи ва ички аралашувни, яъни онгни чалғитиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани, хоҳ ташқи шовқин ёки ички мияга ўрнашиб қолган фикрларни йўқ қилишга ёки камайтиришга ҳаракат қилишни ўз ичига олади. Улар, шунингдек, медитация билан шуғулланувчи ёки мушоҳада қилаётган иймонли янги маъно кашф этмагунча, янги босқичга кўтарилмагунча ёки аввал номаълум ҳис этишни бошидан кечирмагунча, мунтазам суръатда мулоҳаза қилинаётган нарсаларни мушоҳада этиш ва такрорлашни ўзида камраб олади. Уларнинг иккаласи ҳам “ухлаётган”

хиссий идрокни одатдаги чегараларидан ва моддий ҳаётнинг кундалик ташвишлари асоратидан озод этиш учун чуқур мушоҳада қилишдан фойдаланадилар. Шундан кейин улар янги уфқлар ва билимлар учун кенгроқ имкониятларга эркин ўтишлари мумкин.

Терапевтлар томонидан медитация ва бўшашиш бўйича китобларда ва ёзувларда берилган Европа ва Америкада машҳур бўлган иймон омилидан фойдаланиш билан биргаликдаги кўрсатмалар мўмин мусулмон намоз ўқиганидан кейин ўтириш маросимида фойдаланадиган усулларга ўхшайди. У Аллоҳнинг улуғворлиги ва раҳмати, Унинг яратилиши мукамаллиги ҳақидаги мулоҳазаларга берилади ва шу билан бирга, Аллоҳ Таолони доимий равишда улуғайди ва шарафлайди. (тасбеҳ айтади) Ушбу аниқ ўхшашликни эслатиб, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Бенсон нафақат барча динларнинг издошларига ўзининг медитация усулларидан фойдаланишни маслаҳат беради, балки медитация пайтида бўшашганда такрорлаши мумкин бўлган сўзлар ёки ибораларни ҳам таклиф қилади. Мисол учун, у мусулмонлар қуйидаги сўзларни такрорлашлари мумкинлигини ёзади:

- *Худо сўзи ўрнига Аллоҳ;*
- *Аллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи марта хитоб қилган ва уларни такрорлашни буюрган баъзи сўзлардан: "... Ва Роббинг энг карамлидир!";*
- *Мўминларни намозга чақирган биринчи мусулмоннинг сўзлари. Гарчи эгаси уни сувдан маҳрум қилиб, чўлда қолдириб азобга дучор қилган бўлса-да, эгаси ён бермагунча "аҳад", яъни "(Аллоҳ) бирдир" сўзини такрорлашни давом эттирган эди.<sup>15</sup>*

Бенсон ўзининг охирги тавсиясида арабча "аҳадун" ўрнига "аҳадум" сўзини нотўғри талқин қилган бўлса-да, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сеvimли саҳобаси Би-

лолни тилга олган. Шубҳасиз, Пайғамбарнинг таълимотларига (Суннатларига) риоя қиладиган, кундалик беш маҳал намозлардан кейин мунтазам равишда муруқабачилик қилувчи мусулмонлар қайси сўзларга эътибор қаратишлари ва уларни Пайғамбарнинг ўзлари кўрсатганидек талаффуз қилишлари кераклигини билишди. Ушбу сўзлар ва қисқа иборалар қаторига *“Аллоҳнинг Покизи эканини эътироф этман” (Субҳаналлоҳ), “Аллоҳга ҳамд бўлсин” (Алҳамдулиллаҳ)* ва *“Аллоҳ барча нарсадан буюк” (Аллоҳ акбар)* киради.

Қизиғи шундаки, Бенсон беморлар иймон омили билан биргаликда медитация қилиш масаласида кўпроқ тажрибага эга бўлгач, улар энди махсус ётиқ ёки ўтириш ҳолатини қабул қилишлари ёки бўшашиш ҳолатига эришишлари шарт эмаслигини таъкидлайди. Улар юриш, югуриш ёки сузиш пайтида ўзларининг асосий эътиқод сўзларини такрорлаб, хотиржам бўшашишлари ва муруқабачилик қилишлари мумкин. Бу бизга Қуръони Каримда Аллоҳ Таоло айтиб ўтганидек, иймонлилар мулоҳазасининг Исломий (*“Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган...”*) шаклини эслатади. (Қуръон, 3:191)

Қадимги Шарқ динларида чуқур илдиз отган медитация билан Ислом мулоҳазаси ўртасидаги аниқ ўхшашликларни ҳисобга олсак, Абу Аъла Маудуди илгари сурган назарияни қабул қилишимиз мумкин: эҳтимол буддизм ва ҳиндуийлик ваҳий динлари бўлган, аммо улар кейинроқ, бошқа кўплаб қадимий динлар сингари, аста-секин ўз поклигини ва Ягона Худога содиқлигини йўқотишган. Шундай қилиб, асрлар ўтиши билан бу динлардан сохта эътиқод ва ибодат ҳаракатларидан бошқа ҳеч нарса қолмаганлиги аниқланди.<sup>16</sup> Масалан, улар медитация каби баъзи маросимларни, гарчи бу маросим энди Худога сиғиниш ва Унинг яратганлари ҳақида фикр юритишда ўзининг асосий ва ҳақиқий мақсадини кўзламаса-да, сақлаб қолишган. Кейинчалик дунёвий ва прагматик Ғарб дунёси ушбу тўлиқ бўлмаган амалий машқларни тиббий ва психотерапевтик фой-

далар ўрнатилгандан сўнг ўзлаштирган, бироқ шу билан бирга, уларнинг асосий диний мақсадларини ва ҳатто ҳақиқатдан четга суриб қўйилган шарқий манбаини қўлдан бой берган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, барча Исломиё маросимлар ва ибодат шакллари, шунингдек, шариатнинг барча буйруқлари ва тақиқлари бу дунёда ҳам, охирада ҳам одамлар учун фойдали томонларга эга. Бу фойдали жиҳатлар баъзиларга маълум, бошқаларга эса номаълум. Масалан, маънавийлик ва ахлоқ мавзусида диққатни жамлаш ва жиддий чуқур мулоҳаза юритиш ҳар қандай кишига фойда келтириши аниқ. Бундан ташқари, агар мушоҳада медитация билан шуғулланадиган одамнинг эътиқоди билан боғлиқ сўзлар ва маъноларнинг такрорланиши билан бирга бўлса, бундан фойда янада ошиши мумкин. Медитация билан шуғулланадиганлар тинч, хотиржамлик ҳолатига чўмган тақдирда, у ҳам осонлашади. Ушбу ҳолат орқали улар кундалик ишлар ва фаолиятни унутиб, моддиятдан ташқарида бўлган нарсаларга мослашишга ва ҳиссий дунё чегараларидан ташқарига чиқиб боришга ҳаракат қилишади. Шунингдек, улар ўзларининг нозик ҳис-туйғуларини атрофдаги табиий товушлар ва ҳаракатларга, масалан, кушларнинг сайраши, дарахтларнинг майин шабадада шитирлаши ёки ҳатто ўзларининг нафас олишлари ёки юрак уриши каби ички оддий жисмоний ҳаракатларга қаратиш орқали фойда олишлари мумкин. Ушбу жараён “тиник ақл медитацияси” деб номланади. Муруқабадан фойда олишнинг бу қобилияти Уни билиш, Унга сажда қилиш ва Уни улуғлаш имконини бериш учун Аллоҳ томонидан инсон табиатига берилган хусусиятдир. Агар одамлар ушбу инъомдан маънавий тарзда тегишли фойдалансалар, улар ушбу психофизиологик фойдали хусусиятларга эришадилар ҳамда Худодан кутилган мукофотни олишади. Акс ҳолда, улар фақат асосий хусусиятларга эриша оладилар, холос.

Медитация билан шуғулланадиган мусулмон бўлмаганлар оладиган бу фойда, агар улар кунига бир неча маротаба тишларини тозалаш, бир неча маротаба ювиниш (тахорат ва

ғусл каби) ва тирноқларига ишлов бериш сингари турли хил гигиена шаклларига риоя қилган бўлсалар ёки агар улар Исломиий кундалик намоз каби баъзи енгил жисмоний машқларни бажарган бўлсалар, шунингдек, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, зино ва ортикча овқатланишдан воз кечган бўлсалар, натижа олишлари мумкин бўлган фойдага ўхшайди. Ушбу фойдали фаолиятнинг барчасини татбиқ қиладиган мусулмонлар буни диний бурчлар шаклида ёки Пайғамбар Суннатининг издошлари сифатида бажарадилар. Улар бу дунёдаги барча фойдали кўрсатмаларни бажаришдан завқланиб, охиратда Аллоҳнинг розилигига умид қилишади, мусулмон бўлмаганлар эса фақат бу дунёда бажарадиган гигиеник машқлар ва фойдали амаллардан баҳраманд бўлишади. Баъзан бу фойдали машқлар бундай турмуш тарзига табиий мойил бўлганларни, уларнинг ирки ва атроф-муҳитидан қатъи назар, худди уларни оқаётган дарёлар, ўсимликлар ва жисмоний гўзалликка жалб қилганидек, ўзига тортади. Шу тариқа, мулоҳаза юритувчи мўминлар ўзларининг ҳам руҳий, ҳам жисмоний соғлиғига фойдали таъсирларни сезадилар, шунингдек, соғлом эътиқоди, чуқур тушунчаси ва диний қарашининг равшанлиги туфайли чуқурроқ ва илғор мушоҳада даражасини бошдан кечиришади.

Бундан ташқари, амалиётчи мусулмонлар кўпинча мулоҳазани нисбатан содда ва осон иш деб билишади, чунки улар болалигиданоқ кундалик беш маҳал намоз ўқиш пайтида уни бажаришга одатланишган. Гарчи Қуръоннинг тили симфониядек такрорланмас араб тили бўлса-да, болалар ундаги қисқа сураларни жуда осон ўқий олишади, бинобарин улар Аллоҳни улуғлайдиган оятлар ҳақида фикр юритишлари мумкин. Албатта, улар ўзларининг чекланган билимлари, тажрибалари ва тўлиқ бўлмаган етуклик доирасида ўйлашади. Шу муносабат билан Бенсон пайқаган нарсаларни эслатиб ўтиш жуда ўринли бўлади: ушбу эрта маънавий ва медитация машқлари ва маросимлари болалар ўсиб улғайганларида, ҳатто улар катта бўлиб қолганда амалда қўллашни тўхтасалар ҳам, соғлиғига жуда фойдали таъсир кўрсатади. У шундай ёзади:

*Хотирада сақланиб қолган фаровонлик диний маросимларни жуда кучли воситага айлантиради. Сиз болалигингизда қилган маросимда, шунингдек, иймонингизнинг ёшлик даврида ҳосил бўлган асаб йўлларининг тикланишида ҳайратланарли даражада самарали куч бор. Бу ҳақиқат менинг тиббий амалиётимда тасдиқланган. Шунни қўшимча қилишим мумкинки, динни тарк этган кўплаб катталар, гарчи улар ёшлигида унга амал қилган бўлсалар ҳам, бу ҳақда гапирганлар.<sup>17</sup>*

Кейин Бенсон ушбу қизиқарли ҳодисанинг психоневрал механизmlарини тушунтиришга киришади:

*Агар сиз маросимни бутунлай бошқа ёшда ва ҳаёт даврида бошдан кечирсангиз ҳам, ўқиётган сўзларингиз, куйлаётган қўшиқларингиз ва қилаётган ибодатларингиз ҳаётингизнинг олдинги, осонроқ даврида сизга таскин бергани каби сизга тасалли беради. Агар сиз бу маросим қандайдир ҳақиқий оғир кулфат ёки тажриба билан боғлиқлигини тушунмасангиз ҳам, мия хотирага маросим билан боғлиқ ҳиссий таркиб сифатидаги ҳаракатлар мажмуаси ҳақида эслаб қолишни буюради, бу эса мияга унинг аҳамиятини ўлчаши ва баҳолашга имкон беради. Шунингдек, мия хотирага асаб ҳужайраларининг қўзғалишини, ўзаро таъсирини ва дастлаб фаоллаштирилган кимёвий отилиб чиқишларини эслаб қолиши буйруғини беради.<sup>18</sup>*

Шунга кўра, фикр юритувчи, амалиётчи мусулмон энг кам вақт ва куч сарфлаган ҳолда мулоҳазанинг энг юқори даражасига эришиши мумкин. Чиройли овоз билан қироат қилинган Куръоннинг шеърий сўзларини тинглаш бир неча дақиқада ўз фикр-хаёлига тўлиқ чўмадиган жавобга олиб келиши мумкин. АҚШнинг Флорида штатидаги Акбар клиникасида ўтказилган

бир қатор мураккаб тажрибалардан сўнг, доктор Аҳмад Элкаи мусулмонлар Қуръон оятларини тинглаганларида, араб тилида гаплашадими ёки йўқми, улар стресс ва хавотирдан енгилликдан далолат берувчи барча физиологик ўзгаришларни, тинчликнинг илиқ туйғуларини ва касалликларга қарши иммунитетни кучайтириш ҳиссини сезадилар, шунингдек, трансцендентал медитация билан боғлиқ бошқа ўзгаришларни бошдан кечиришади деган хулосага келган. Ушбу тажрибаларда Элкаи қон босими, юрак уриши, мушакларнинг кучланиши ва терининг электр токига чидамлилигини ўлчаш учун энг замонавий электрон ускуналардан фойдаланган ва 97 % ҳолларда Қуръон ўқиш тинчлантирувчи таъсир кўрсатишини аниқлаган. Тажрибалар ўтказилган одамлар ҳам юксак маънавий туйғуни бошдан кечирганлар, табиийки, у буни тузата олмаган, чунки бундай ажойиб ҳолатни ўлчаш учун асбоб йўқ.<sup>19</sup>

Ушбу натижалар менинг раҳбарлигим остида Хартум университетида доктор Муҳаммад Хаир ал-Иргисуси томонидан ўтказилган тажриба тадқиқоти билан қўллаб-қувватланган. У аниқ жисмоний ўлчов учун мос ўзгарувчини, яъни симоб миллиметрида ўлчанадиган қон босимининг кўтарилиши ёки пасайишини танлаган. Хартум университети тиббиёт факультети докторлари бизни стресс оқибатидаги турмуш тарзи ёки бошқа сабабларга кўра юқори қон босими билан оғриган беморлар билан таъминладилар. Тадқиқотда мушакларнинг бўшашиши даволашнинг нутқий ёрдамчи терапия билан самарадорлиги, мушакларнинг бўшашишини Қуръондан танланган оятлар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг касалликларни даволаш ҳақидаги баёнотларини ўз ичига олган Исломиё руҳий терапия билан биргаликда даволаш билан таққослаган. Беморлар уч гуруҳга бўлинган: экспериментал гуруҳ, пухта танланган назорат гуруҳи ва ёрдамчи терапиясиз ёки Қуръонни тинглашсиз мушакларни бўшаштириш бўйича машғулотлардан ўтган гуруҳ.



Натижалар аниқ бўлган. Гарчи барча беморларнинг аҳволи яхшиланган бўлса-да, Исломий руҳий терапия билан биргаликда бўшашиш муолажасидан ўтган беморларда бу яхшиланиш даражаси анча юқори бўлган. Ушбу статистик жиҳатдан сезиларли яхшиланиш терапиядан кейин бир неча ой давомида сақланиб қолган эди. Баъзи беморлар учун докторлар қон босимининг нормаллашиши туфайли дори-дармонлар буюришларини бекор қилишган.<sup>20</sup>

Шундай қилиб, Ислом мувоқабасининг ҳақиқий қиймати унинг Аллоҳга ибодат қилиш, Уни зикр қилиш ва улуғлаш ҳамда ёрдам учун Унга дуо қилиш билан боғлиқлигидан келиб чиқади деган хулосага келиш мумкин. Бинобарин, Исломий ибодат шакли сифатидаги мушоҳаданинг Шарқ ва Ғарб медитациясининг бошқа шакллари ўртасидаги ўхшашлик фақат юзаки, чунки Исломий мулоҳазанинг моҳияти Аллоҳнинг борлигига ишонишдир. Бу энг кичик электрондан тортиб улкан галактикагача бўлган коинотнинг ягона ҳокими Аллоҳ Таоло эканлигини эълон қиладиган оқилона чуқур эътиқоддир. Бу ишонч нафақат Исломий мулоҳазанинг барча шакллариининг моҳияти, балки Исломнинг асосидир.

Исломий мушоҳада Аллоҳнинг яратганлари ҳақида мулоҳаза юритишдан Яратувчининг Ўзига ўтишга асосланади. Бу равон оқилона йўналишни англатади, чунки Ислом эътиқоди Яратувчи билан бирон бир ижод ёки нарсалар боғланиши ёки ҳар қандай кўп ҳудожўй оғишлар томонидан бузилмайди.

Атеистлар ҳаётнинг пайдо бўлишига “она табиат” ёки “катта портлаш” сабаб бўлганлиги ҳақида ноаниқ фикрларга эга бўлиб ёки улар шунчаки бу дунё қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги саволдан қочиб, коинотнинг ажойиб гўзаллиги ҳақида ўйлашлари мумкин. Улар коинот қандай яратилганлиги ҳақидаги мантиқий саволни бутунлай эътиборсиз қолдириб, ҳиссий туйғуларга берилиб, фикр юритадилар. Худди шундай, бир-бири билан урушаётган ва гўё атрофдаги ҳамма нарсани яратган бир нечта худоларнинг мавжудлигига ишонадиган

бутпарастлар ёки мушриклар, бир-бирига зид бўлиши мумкин бўлганлиги сабабли, оқилона онг ва қалбдан фойдаланиб ўйлашлари қийин бўлади. Шунинг учун ғарбликлар “тасаввуф туйғуларини” бошдан кечиришни истаганларга “оқилона топиниш шаклларида” қочишни маслаҳат беришади.<sup>21</sup> Дарҳақиқат, Бенсоннинг Карен Армстронгнинг “Худо қиссаси” китобига ёзган шарҳига кўра, бу тасаввуф ҳиссиёт оқилона эмас, балки “интуитив ва тилсиз” бўлгани учун содир бўлади. Армстронг буни “сўзсиз тафаккур” деб атайдди. У қуйидагича ёзади:

*Тасаввуф туйғу... бу ташқи дунёнинг объектив ҳақиқатини идрок этишни эмас, балки ички саёҳатни ўз ичига олган субъектив тажрибадир. У кўпроқ ақлий, мантиқий қобилият ёрдамида эмас, балки кўпинча тасаввур деб аталадиган онгнинг хаёлий қисмининг ёрдами билан амалга оширилади. Охир оқибат, бу тасаввуфчи ўзида онгли равишда уйғотадиган нарсадир.*<sup>22</sup>

Бенсон ва Армстронг сингари, Ле Шан медитация билан шуғулланувчиларга ҳам худди шундай маслаҳат беради. У ҳам муруқабадан олдин талабаларни огоҳлантиради: “Ушбу жараёнда оғзаки ифодаларни ёки ақл-идрокни ишлатмасликка ҳаркат қилинг. Бу ақлий жараёндан кўра радар ёрдамида идрок этишнинг бир туридир”.<sup>23</sup>

Амалиётчи мусулмонларга келсак, уларнинг мулоҳазаси Қудратли Худони билиш мақсадида барча билиш ва ақлий қобилиятлар фаоллаштирилган руҳий амалиётдир. Бу на хавотирларни даволаш учун оқилона ёки ҳиссий уриниш, на тана бир оёғида бир неча кун туриши ёки ўткир миҳларда ётиши орқали азоб чекадиган оғриқли машқдир. Ислом мушоҳадаси бу хушёр тафаккур ҳолатида бўлган иймонлиларнинг яхшироқ руҳий даражага эришишлари мумкин бўлган қалбни ақл билан, ақлни ҳиссиёт билан ва идрокни эҳтирос билан боғлайдиган ибодат шакли ва, Худо хоҳласа, уларнинг ибодатлари қабул қилина-

ди. Исломий мулоҳаза масаласида иррационал ҳаракатлар ва ҳаддан ташқари ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши қораланади, онгнинг турли ҳолатлари эса, юқорида айтиб ўтилганидек, жараённинг охири эмас. Худди шундай, жуда чуқур медитация натижасида вақти-вақти билан юзага келадиган ғайритабiiй ҳислар Шарқ ва Ғарб тасаввуфчилари томонидан шу даражада қадрланадики, улар бу ҳисларни сақлаб қолиш учун фикрлашдан воз кечишга ёки кучли тана оғриғига дош беришга тайёрдирлар. Бироқ буларнинг барчаси ҳақиқий Исломий мулоҳазанинг мақсад ёки қизиқиш объекти эмас. Бундан ташқари, Шайтоннинг кўплаб издошлари ғайритабiiй ҳаракатлар қилишлари мумкинлиги сабабли, чин мусулмонлар бундай ҳодисаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади. Шу боис, Ҳасан Басрий илгари айтиб ўтган баёнотида, Худони онгли равишда эслаш ва У ҳақда фикр юритишни бир танга-чақанинг икки томони деб билади. Шундай экан, Исломий мушоҳадани атеистик ёки кўп художўй мулоҳаза билан солиштирганда, иккита бир хил денгиз қобиғи сифатида тасвирлаш мумкинки – бирида ноёб марварид, иккинчисида эса фақат моллюсканинг қолдиқлари мавжуд.

Бу, албатта, мусулмон бўлмаган медитация билан шуғулланадиганлар оламнинг атрофидаги ижодларга нисбатан бошдан кечираётган бахт, руҳий хотиржамлик, ақлнинг равшанлиги ва яқинлик туйғулари ҳақиқий ёки самимий туйғулар бўлмаслиги дегани эмас. Ҳақиқатан ҳам, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу беморларга жисмоний ёки руҳий ташвишлардан халос бўлишга ёрдам берувчи терапевтик машқдир. Шунга қарамай, мусулмон бўлмаган медитация билан шуғулланадиганлар бошдан кечирадиган шуъла ва тинчлик уларнинг моддий дунёнинг кундалик муаммоларидан ажралиш истаги учун муқофотдир. Улар ҳаётларида биринчи марта трансцендент руҳий уфқнинг кўринишини кўраётган бўлишлари мумкин ва буни моддий дунёдаги ҳаёт учун курашлари билан солиштирганда жиддий яхшиланиш сифатида қабул қилишлари мумкин.

Бироқ мусулмон бўлмаган медитация билан шуғулланадиганларга бундай жиддий таъсир кўрсатадиган бу туйғу ҳали ҳам мўминлар бошдан кечирадиган нарсалар билан деярли солиштирилмайди, зероки улар ҳар бир атом Аллоҳ Таолони улуғлашини ва мақташини билишади. Қуръонда шундай дейилади: “...Унинг ҳамди ила тасбеҳ айтмаган ҳеч бир нарса йўқ. Лекин уларнинг тасбеҳини англамайсизлар...” (Қуръон, 17:44) Гарчи мулоҳаза юритувчи иймонлилар коинот Аллоҳни қандай улуғлашини тушуна олмасалар-да, улар ўзларининг мактовлари ва бошқа барча мавжудотларнинг макташлари ўртасидаги уйғунликни ҳис қилишади. Мушоҳада давом этар экан, бу туйғу дунёвий бахт-саодатнинг ҳеч бирига тенг келмайдиган маънавий юксалиш, шодлик ҳисси ва маънавий роҳатланиш туйғусига эришилгунча чуқурлашади.

Ибн ал-Қоййим нур зулматни ютганидек, барча ғам-ташвишлар ва дардлар йўқолиб кетадиган бу бахт-саодат ҳолатини тасвирлаб, ўзининг “*Мадорижус соликийн*” асарида шундай дейди:

*Худони зикр қилиб, мулоҳаза юритувчи иймонли, овозлар пасаядиган ва ҳаракатлар тўхтайдиган узоқдаги жойларда ёлғизликни ёқтиради... Ўша ерда у ирода кучига, юракнинг мустаҳкамлигига эга бўлади ва энди ҳаяжон ёки умидсизликни бошдан кечирмайди... Кейин у доимо зарур бўлган ибодатнинг ширинлигини татиб кўра бошлайди. Бу ҳолатга етиб боргач, у бахт-саодат ва овунишнинг мўллигини, яъни ўйин-кулги ёки дунёвий истакларни қондиришидан кўра кўпроқ бўлган нарсани топади... У бу ҳолатни бошидан кечирганда, кўплаб дунёвий ташвишлар йўқолади, гўё у қолган инсониятдан фарқ қиладиган бутунлай бошқача дунёдадир.<sup>24</sup>*

Ибн Таймия “*Мажму ал-фатово*” (Фатволарнинг тўлик тўплами) номли асарида баъзи самимий мўминларнинг Аллоҳ-

ни зикр қилиш ҳақидаги сўзларини келтиради. Улардан бири шундай деган: “Мен аввал шундай ҳолатда бўлганманки, агар жаннатда одамлар бир хил ҳис қилсалар, демак улар ҳақиқатан ҳам бахтиёрдирлар”. Бошқа бир иймонли: “Юрак баъзан шундай туйғуларни бошдан кечирадики, у завққа тўлади”, деган. Учинчиси: “Ҳақиқий мўминлар ўз вақтларини ўйин-кулгида ўтказадиганларга қараганда, ибодатларидан кўпроқ завқ олишади”, деб таъкидлаган.<sup>25</sup>

Амалиётчи мусулмонлар билан бир неча зулмат қатламларига ботган атеистлар ва бутпарастлар ўртасида қандай катта фарқ борки, улар эриша оладиган нарса – бу идрокдан ташқарида бўлган нарсаларни излаш учун медитация орқали ажойиб ҳис-туйғуларнинг заиф кўринишидир! Биз Қуръони Каримда гўё уларга қарата айтилган сатрларни учратамиз: “...Ёришган пайтда юришар, қоронғи бўлса, тўхташар...” (Қуръон, 2:20)

## ТЎРТИНЧИ БОБ

---

### Қуръон ва Аллоҳнинг яратганларини мулоҳаза қилиш

Аллоҳ Таолонинг яратган нарсалари ҳақида фикр юритиш Ислондаги энг муҳим ибодат турларидан биридир. Шунинг учун Қуръон оятлари ҳар қандай ахлоқий ва руҳий ҳолатга мурожаат қилиш учун бу ҳаракатларни турли усуллар ёрдамида рағбатлантириши ажабланарли эмас. Мақсад одамларга ўтмас бўлиб қолган ҳис-туйғулардан, ёмон одатлардан ва бир зайлдаги бетакаллуфлиликдан халос бўлишга ёрдам бериш, шунингдек, уларни коинотдаги Роббийларининг аломатларини ақл-идрок ва ҳиссий юраклар билан кузатишга ундашдир. Мана бу асосий усуллардан бир нечтаси.

#### АЛЛОҲ ВА УНИНГ ОЛИЙ СИФАТЛАРИ ҲАҚИДА ТАФАККУР ҚИЛИШГА УНДАШ

Ҳақиқий Ислоний мушоҳада фақат Аллоҳга ишонган қалбидан, Унга ва Унинг олий сифатларига бўйсунуш онгидан келиб чиқиши мумкин. Бу бутун коинотни яратган, уни “боқадиган” ва бошқарадиган ягона қудратли Худога гувоҳлик берувчи бирликка (тавҳид) қатъий ишончдир. Еру осмоннинг гўзаллиги ва улғуворлиги ҳақида ўйлашнинг бошқа ҳар қандай шакли атеизм ёки кўп худолилик (ширк) деб қаралади, чунки бу ҳолда мушоҳаба қилувчи Яратувчини мақташ ёки Унга миннатдорчилик билдириш у ёқда турсин, Уни эътироф қилмайди. Шу сабабли, Қуръон кўпинча Аллоҳнинг олий сифатларини эслатиб, бу таълимотни тез-тез такрорлайди:

*“Айт: “У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ – Сомаддир. У тугмаган ва тугилмаган. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган”.*

*(Қуръон, 112:1-4)*

*“У – Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ Зотдир. У зойибни ҳам, ошкорни ҳам билувчидир. У меҳрибон ва раҳимлидир. У – Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ Зотдир. У – Малик, У – Қуддус, У – Салом, У – Муъмин, У – Муҳаймин, У – Азийз, У – Жаббор, У – Мутакаббирдир. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан покдир. У – Аллоҳ – Холиқ, Бориъ, Мусоввирдур. Барча гўзал исмлар Униқидир. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уни поклаб ёд этадилар. Яна У – Азийз ва Ҳакиймдир”.*  
(Қуръон, 59:22-24)

*“У, осмонлару ерни йўқдан бор қилувчи Зотдир. Унинг хотини бўлмади туриб, боласи қандай бўлсин?! У ҳамма нарсани Ўзи яратди ва У ҳамма нарсани яхши билувчидир. Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ. У ҳар бир нарсанинг Яратувчисидир. Бас, Унга ибодат қилинг. У ҳар бир нарсага вақилдир! Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У латийф ва хабардор Зотдир”.* (Қуръон, 6:101-103)

Ислом тафаккурининг маънавий сафарига чиқишдан олдин Аллоҳга бўлган бу мустаҳкам ва тўғри иймонга эга бўлиш ниҳоятда муҳим, чунки у мўмин учун йўлни ёритадиган машъал, шунингдек, тўғри йўлдан адашмаслик учун қаттиқ пойдевор бўлади. Қуръонда иймонлиларга маънавий саёҳатларида ёрдам бериш учун бошқа далиллардан ҳам фойдаланилади. Булар турли хил саҳналарнинг тавсифлари кўринишидаги жиддий ва кўрқинчли эслатмалар бўлиб, улар юраклари ҳали ҳам заиф ва бағритош бўлганларга ўзига хос огоҳлантириш сифатида хизмат қилади.

#### **АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИ ҲАҚИДА ЭСЛАТМАЛАР**

Қуръон одамларнинг қалбларини турли йўллар билан юмшатишга ҳаракат қилади. Улардан бири Аллоҳнинг раҳмати

ва неъматлари ҳақида эслатмадир. Улар ҳақида ўйлаш раҳм-шафқат ва севги туйғусини яратиши мумкин.

*“У чорва ҳайвонларини ҳам яратди. Уларда сиз учун иссиқлик, манфаатлар бор ва улардан ейсизлар ҳам”.*

*(Қуръон, 16:5)*

*“У осмондан сувни туширган Зотдир. Сизга унда шароб ва (чорваларингизни) ўтлатадиган дарахт бордир. У ўша (сув) ила сизга экинларни, зайтунни, хурмоларни, узумларни ва турли меваларни ўстирур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир”.*

*(Қуръон, 16:10-11)*

*“У сизга кечанию кундузни, қуёшинию ойни хизматкор қилди. Юлдузлар Унинг амри ила хизматкордир. Албатта, бунда ақл юритгувчи қавмлар учун оят-белгилар бордир. Ва сиз учун ерда турли рангда қилиб яратган нарсаларини ҳам. (хизматкор қилди) Албатта, бунда эслайдиган қавмлар учун оят-белги бордир. У денгизни сиз ундан тоза гўшит ейишингиз, ундан тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишингиз учун, унда (сувни) ёриб кетаётган кемаларни ҳамда Унинг фазлини талаб қилишингиз учун хизматкор қилди. Шоядки, шукр келтирсангиз. У зот ер сизларни тебратиб юбормаслиги учун унинг устига баланд тоғларни ташлаб қўйди. Анҳорлару йўлларни ҳам. Шоядки, тўғри йўл топсангиз. Ва аломатлар ҳамда юлдузлар ила улар йўл топурлар. Яратадиган Зот яратмайдиган зот каби бўлурми? Ўйлаб кўрмайсизларми? Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саногига ета олмассизлар. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳимли Зотдир”.* (Қуръон, 16:12-18)

Аллоҳнинг инсониятга ва ер юзида яшовчи барча мавжудотларга бўлган раҳм-шафқати ва муҳаббати ҳақида мулоҳаза



юритиш тўғрисидаги бу эслатма дарҳол зеҳни баланд, миннатдор ва доно кишиларнинг қалбига таъсир қилади. Кўзлари ва юраклари илоҳий даъватга ёпиқ бўлганларга келсак, Қуръон уларни қуйидагича таърифлайди:

*“Сен: “Осмонлару ердаги нарсаларга назар солинглар. Иймон келтирмайдиган қавмларга оят-мўъжизалар ва қўрқитувлар фойда бермас”, деб айт”. (Қуръон, 10:101)*

*“Улар осмонлару ердаги қанчадан-қанча оят-белгилар қаршисидан юз ўгирган ҳолларида ўтадилар”. (Қуръон, 12:105)*

Юсуф Али охириги оятдаги шарҳида таъкидлайди: “Аллоҳнинг яратганларида намоён бўлаётган сон-саноксиз аломатлари уларни кўриш учун кўзлари бор кишилар учун деярли ҳамма жойда – табиатда, яратилган ижодларда тарқалган. Шунга қарамай, киши шунчалик такаббурки, улардан юз ўгиради”.<sup>1</sup> Бундай шафқатсиз, раҳмсиз қалблар уларга таъсир қилиши ва муносабатини ўзгартириши учун янада қаттиқроқ ёндашувга муҳтож.

### **ШАФҚАТСИЗ ЮРАКЛАР УЧУН ОГОҲЛАНТИРИШЛАР**

Бу мурожаатларнинг оҳанги кўпинча таҳдид солади. Оятларнинг аксарияти “Улар кўрмаганларми?” ёки “Улар кўрмайдиларми?” деган саволлар билан бошланмоқда.

*“Ахир, улар осмону ердаги, олдиларидаги нарсаларни, ортларидаги нарсаларни кўрмайдиларми?! Агар хоҳласак, уларни ерга юттириб юборурмиз ёки устларига осмондан парчалар туширурмиз. Албатта, бунда У зотга қайтгувчи ҳар бир банда учун оят(белги) бордир”. (Қуръон, 34:9)*

*“Улар назар солмасми: Туянинг қандай яратилганига? Ва осмоннинг қандоқ кўтарилганига? Ва тоғларнинг қандоқ ўр-наштирилганига? Ва ернинг қандоқ текислаб қўйилганига?”*  
(Қуръон, 88:17-20)

Кўпгина оятлар ҳикоя услубига эга ёки пайғамбарларнинг сўзларидан келтирилади. Масалан, Нух алайҳиссалом ўз қавмининг иймонсизларини қуйидаги сўзлар билан тан-бех берган:

*“Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг азаматини ўйлаб кўрмайсизлар? Ҳолбуки, У сизларни ҳолатма-ҳолат яратди. Аллоҳ етти осмонни қандоқ қилиб табақама-табақа яратиб қўйганини кўрмадингизми? Ва улар ичида ойни нур ва қуёшни чироқ қилиб қўйганини кўрмадингизми?”* (Қуръон, 71:13-16)

#### **ТАҚВОДОРЛАРНИНГ МАҚТОВИ**

Бундан фарқли ўлароқ, баъзи оятлар идрокли бўладиганларни, атрофидаги ҳамма нарсадан сабоқ оладиганларни ва Аллоҳнинг неъматларини эслайдиганларни мақтайди ва рағбатлантиради. Булар жон ва тананинг ҳар қандай руҳий ёки жисмоний ҳолатида Аллоҳни зикр қиладиган солиҳлардир:

*“Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундуз-нинг алмашилишида ақл эгалари учун белгилар бор. Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида эслайдиган, осмонлару ернинг яратилишини тафаккур қиладиганлар: “Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни ўт азобидан сақлагин”. (Қуръон, 3:190-191)*

## ТУҒМА ЭСТЕТИК ТУЙҒУГА МУРОЖААТ

Қуръон ҳам одамларни уларда туғма эстетик туйғуни уйғотиш орқали коинотдаги илоҳий аломатлар ҳақида фикр юритишга ундайди. Қуйидаги оятлар одамларда самимий туйғулар ва хиссиётларни уйғотиш учун, улар ер юзидаги атрофдаги ҳамма нарсанинг гўзаллигига, хоҳ турли хил ранглар ва уларнинг нозик фарқлари, хоҳ ўсимликлар, ҳайвонлар ёки ҳатто жонсиз нарсаларга эътибор беришлари учун қаратилган:

*“Аллоҳнинг осмондан сув туширганини кўрмадингми? Бас, у ила турли ранглардаги меваларни ва тоғлардан ҳам йўл-йўл, оқ ҳамда қизилнинг турли ранглари ва қоп-қораларини чиқардик. Шунингдек, одамлардан, ҳайвонлардан ва чорвалардан ҳам турли ранглардагиларини чиқардик. Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина кўрқарлар. Албатта, Аллоҳ азийз ва ўта мағфиратли Зотдир”. (Қуръон, 35:27-28)*

Шунингдек, Аллоҳ Таоло ўзининг инсониятга фойдаси ва ризқи учун чорва молларини яратганлиги ҳақида айтиб, бандаларига уларнинг гўзаллиги ҳақида ўйлашни эслатадиган оятларни топамиз:

*“У чорва ҳайвонларини ҳам яратди. Уларда сиз учун иссиқлик, манфаатлар бор ва улардан ейсизлар ҳам. Ва сиз учун уларда кечки пайт (ўтлоқдан) қайтаётганларида ва эрта-лаб (ўтлоққа) кетаётганида жамол бор”. (Қуръон, 16:5-6)*

*“У Ўзи яратган ҳар бир нарсани гўзал этган ва инсонни яратишини лойдан бошлаган Зотдир”. (Қуръон, 32:7)*

Сайид Қутб ўзининг “Фий зилолул Қуръон” (Қуръон сояси остида) номли муҳим асарида сўнги оятни қуйидаги ҳаяжонлантирувчи сўзлар билан изоҳлайди:

*Бу дунё гўзал, чексиз гўзал. Инсон бу гўзалликни ўзи исталганча ва Яратгувчи хоҳлаганча идрок этиши ва ундан баҳраманд бўлиши мумкин. Бу дунёнинг гўзаллиги олдиндан ўйлаб қилинган. Яратилишининг мукамаллиги гўзалликка эришишига олиб келади. Яратилишининг мукамаллиги унинг гўзаллигида, ҳар бир орган ва ҳар бир мавжудотнинг гўзаллигида намоён бўлади. Асаларига, гулга, юлдузга, тунга, тонгга, ранг турларига, булутларга – бутун коинотни тўлдирган “мусиқанинг бир турига”, ушбу мукамал ва тўлиқ уйғунликка қаранг. Бу гўзаллик ва мукамаллик олами бўйлаб ёқимли саёҳатдир. Қуръон, биз гўзалликдан завқланиб, бу ҳақида фикр юритишимиз учун буларнинг барчасига эътиборимизни қаратади. Бинобарин, “У Ўзи яратган ҳар бир нарсани гўзал этган...” – бу қалбда ушбу коинотнинг гўзаллиги ва мукамаллигини кузатиш истагини уйғотадиган оятдир.<sup>2</sup>*

### **ЯРАТГУВЧИНИНГ ЎЗ ЯРАТГАНИГА БЎЛГАН ИШОНЧИ**

Бироқ, мушоҳада мақомини кўтарадиган энг муҳим жиҳат шундаки, Яратгувчининг Ўзи ижоди билан қасам ичади. Бу Унинг ижоди ҳақида мулоҳаза юритиш, таҳлил қилиш ва унинг мазмунини тўғрисида чуқур ўйлаш учун жиддий чақирикдир. Аллоҳ Таоло тонготар, тонг, оқшом, ой, анжир ва зайтун билан, шунингдек, шамоллар, юлдузлар, осмонлар, қуёш чиқиш ва келатган тун билан қасам ичади.

Ҳеч шубҳа йўқки, айнан Ислом динининг мушоҳадага берган юксак мақом Ҳасан Басрий каби иймонлилар ва зоҳидларнинг тун бўйи ибодатда узоқ туришдан кўра бир соат мулоҳа-

за юритиш афзал эканлигини тасдиқлашларига сабаб бўлган. Умавий халифаси Умар ибн Абдулазизнинг айтишича, Аллоҳни зикр қилиш хайрли амал, лекин Аллоҳнинг раҳми ва неъматлари ҳақида ўйлаш ибодатнинг энг яхши шаклидир.<sup>3</sup>

### **ЎЗИНИЎЗИМУШОҲАДАҚИЛИШНИНГИСЛОМИЙРАҒБАТЛАНТИРИШИ**

Исломда одамларнинг ўзлари ҳақида беҳабарлиги ва инсониятнинг ишларини ўйлаш ва ўрганишга эътибор бермасликлари Аллоҳнинг коинотдаги оят-белгиларига бепарволикнинг энг ёрқин мисоли ҳисобланади. Агар Ислом одамларни осмонлар, денгизлар, тоғлар ва дарёлар, Аллоҳ инсоният эҳтиёжлари учун яратган барча нарсалар ҳақида ўйлашга ундаса, одамнинг ўзи ҳақида фикр юритиши тўғрисида нима дейишимиз мумкин, ахир Аллоҳ фаришталарига унинг олдида таъзим қилишни буюргани ва осмону ердаги ҳамма нарса-ни унга бўйсундирганку?

*“Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни — ҳаммасини Ўз томонидан бўйсундириб қўйди. Албатта, ана шунда тафаккур қиладиган қавм учун оят(белги)лар бордир”. (Қуръон, 45:13)*

Кишини осмон ва ер ҳақида фикр юритишга ундайдиган, киши энг муҳим махлуқ эканлигини таъкидлайдиган кўплаб Қуръон оятлари билан бир қаторда, кишиларни инсоният ҳақида ҳам мулоҳаза юритишга ундайдиган кўпгина оятлар мавжуд. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кишилар осмону ерда Аллоҳнинг оят-белгиларини ҳушёрлик ва чуқур ўткирлик билан кузатишлари мақсадида Қуръонда уларнинг қалбларини ўтмас бўлиб қолган ҳис-туйғулардан ва бир зайлдаги бетакаллуфликдан уйғотишга ёрдам берувчи ҳар қандай усул қўлланилади. Инсоният ҳақидаги оятлар одамларнинг барча турдаги юракла-

ри ва ҳиссий ҳолатларига мос келадиган далда беришнинг ўхшаш усулларига амал қилмоқда.

Қуйидаги оятлар одамнинг яратилиши батафсил тасвирланганига ва Аллоҳ кўнгилчан одамларга ато этган неъматлари ҳақида ҳикоя қилишига мисолдир:

*“Қасамки, батаҳқиқ, инсонни лой сулоласидан яратдик. Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик. Сўнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан чайналган гўшт яратдик, чайналган парча гўшtdан суяк яратдик, бас, суякка гўшт қопладик, сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик. Бас, яратувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотли ва буюкдир”. (Қуръон, 23:12-14)*

*“Айт: “У сизларни йўқдан бор қилган ва сизларга эшитиш, кўриш ва ақлни берган Зотдир. Жуда ҳам оз шукр қиласизлар-а?!” (Қуръон, 67:23)*

Бағритош ва такаббур одамларга келсак, Қуръони Карим уларга худди шундай таънали саволлар билан мурожаат қилмоқда:

*“Инсон Биз уни нутфадан яратганимизни билмайдими?! Энди эса, у очиқ-ойдин хусуматчи бўлиб турибди?!” (Қуръон, 36:77)*

*“Сизларни ҳақир сувдан яратмадикми? Бас, уни мустаҳкам қароргоҳга жойламадикми?! Маълум вақтгача. Бас, Биз қодир бўлдик ва қандоқ ҳам яхши қодир бўлувчимиз. Ўшал кунда ёлгонга чиқарувчиларга вайл бўлсин!” (Қуръон, 77:20-24)*

Киши табиатининг эстетик жиҳатининг уйғониши ҳақида Аллоҳ Таоло шундай дейди:

*“Батаҳқиқ, Биз инсонни энг яхши сувратда яратдик”.*  
(Қуръон, 95:4)

*“У, осмонлару ерни ҳақ билан яратди. Ва қиёфангизни чиройли сувратда қилди. Ва қайтиб борши Унинг Ўзигадир”.*  
(Қуръон, 64:3)

Аллоҳ коинотдаги аломатлари ва ердаги яратганлари билан қасам ичганидек, инсон руҳи билан ҳам қасамёд қилади; баъзан бу Унинг коинотдаги оят-белгилари жиҳатида, бошқа ҳолларда Қиёмат куни муносабати билан кузатилади ва шу билан одамни энг юқори даражага кўтаради. “Қиёмат” сураси ушбу шонли онг билан бошланади:

*“Қиёмат куни билан қасам. Ва маломатчи нафс билан қасам. (Кофир) Инсон Бизни унинг суякларини жамлаб олмас, деб ўйларми? Албатта, Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришига қодирмиз”.* (Қуръон, 75:1-4)

Аллоҳ дарҳол коинотга ўгирилиб, қуёш, ой, кун, тун, осмон гумбази ва ҳар томонга чўзилган ер билан қасам ичгандан сўнг илоҳий қасамёд, инсоннинг руҳи билан мутаносиб бўлган, мукамал қиёфасини яратишга ваъда сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин:

*“Ва нафс билан ва унинг мукамал қилиниши билан қасам. Бас, унга фужуруни ва тақвосини билдирди. Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, ютуққа эришиди. Ва батаҳқиқ, ким у(нафс)ни кирласа, ноумид бўлди”.* (Қуръон, 91:7-10)

Аллоҳ инсониятга тегишли бошқа жиҳатлар билан ҳам қасам ичади. Масалан, қисқа, аммо кенг қамровли сурада Аллоҳ

ер юзида инсониятга ажратилган қисқа умр билан қасамёд қиладики, шундан кейин одам бахт-саодат чўққиларига кўтарилади ёки ҳалокатга маҳкум бўлади:

*“Аср билан қасам. Албатта, инсон хусрондадир. Илло, иймон келтирганлар ва солиҳ амаллар қилганлар, бир-бирларини ҳақ йўлга чақирганлар ва бир-бирларини сабрга чақирганлар (ундоқ эмасдир)”.* (Қуръон, 103:1-3)

Аллоҳ Қуръоннинг тўғрилигини тасдиқлаш учун Ўзининг олий борлиги билан ҳам қасам ичади. Мисол тариқасида эса, У одамларга ато этган энг муҳим неъматини, яъни уларнинг бир-бири билан гаплашиш ва мулоқот қилиш қобилятини эслатиб ўтади:

*“Осмону ернинг Роббиси ила қасамки, албатта, у (ваъда) мисоли сиз нутқ қилаётганингиздек ҳақиқатдир”.*  
(Қуръон, 51:23)

Булар кишиларни ўзлари ҳақида ўйлашга ундайдиган айрим Қуръон оятлари. Агар коинотда одамлардан бошқа Аллоҳнинг ажойиб яратганлари бўлмаганида, бу Яратгувчига бўйсунуш учун етарли бўлар эди. Дарҳақиқат, рух, онг ва ички маънавий дунё одамларни Раббийнинг бошқа ижодларидан ажратиб турадиган одамлар учун доимо сир бўлиб қолади. Гарчи булар инсон табиатининг баъзи таркибий қисмлари бўлса-да, уларни замон ёки маконда тасаввур қилиш ёки акс эттириш мумкин эмас ва бу таркибий қисмлар инсон тушунчасидан ташқарида қолади. Одамлар инсоннинг ажойиб ўзига хослигини тўлиқ англай олмасликларини англаш, уларни итоаткорликка ва камтарликка ундаш учун етарлича жиддий чақириқдир.

Психология ҳали ҳам ҳатто таъсири лаборатория шароитида қайд этилиши мумкин бўлган ўрганиш, хотира, ҳиссиётлар ва мотивация каби оддийроқ психологик ҳодисаларнинг табиа-



тини ҳам тўлиқ тушуна олмайди. Психология фақатгина океан кирғоғида ўйнаётган бола каби бу ҳодисаларнинг чексиз чуқурлигининг ташқи томонлари билан шуғулланади. Бундан ташқари, сезиларли биологик ва моддий ҳодисаларни фақат юзаки даражада тушуниш мумкин. Ҳатто бутун инсоният ўз ҳаётини инсон танасидаги илоҳий оят-белгиларини ўрганишга сарфлашни хоҳласа ҳам, у фақатгина сиртга тега олар эди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, одам мияси бутун коинотдаги энг сирли ижод ҳисобланади. Илм-фаннинг барча ҳайратомуз ютуқлари одамларнинг бош суягида жойлашган биологик компьютернинг мураккаб тузилиши билан одамларнинг ҳайронини оширди. Бенсон ўзининг “*Абадий Шифо*” асарида ёзадики:

*Мия ўта мураккаб, доимо ҳаракатда, ўз функцияларида жуда мукамал ва ўзаро боғланган, унинг фаолиятини тасвирлашга уринишларимиз эса жуда ибтидоий кўринади. Биз қилган ҳар бир муҳим кашфиёт яшаиш ҳамда соғлигимиз, ҳаракатларимиз ва хотирамиз, сезги ва донолигимизни озиқлантириш имконини берувчи мия ва унинг тузилмаларининг мукамаллигини янада кўпроқ ёритиб беради. Мия желесимон массаси бўлиб, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир нафас, биз билан содир бўлган ҳар бир воқеа, шунингдек, биз кўрган ҳар қандай фикр ёки орзу ҳақида маълумотларни сақлайди.<sup>4</sup>*

Шу тарзда, одамларга қандай қилиб ўзларининг мўъжизавий яратилишига кўр бўлишлари мумкинлиги ҳақидаги илоҳий даъват – “Ва ўзларингизда ҳам (белгилар) бор. Ёки кўрмаяпсизларми?!” (Қуръон, 51:21) – худди биринчи марта туширилганидек, одамлар учун ҳамиша янги қийинчилик бўлиб қолади. Бу оятни батафсилроқ тушунтириш учун ушбу бобни Сайид Қутбнинг қуйидаги сўзлари билан якунлаш фойдали бўлади:

*“...Ва ўзларингизда ҳам (белгилар) бор. Ёки кўрмаяпсизларми?!” Инсон бу ер юзидаги энг буюк мўъжизадир, лекин*

юраги иймонга бепарво бўлган ва комил ишончдан махрум бўлган тақдирда ўз фазилатларига ва қалбнинг туғма сирларига бепарводир. Унинг танасининг тузилиши бадан, руҳ ва маънавий дунё сирлари билан мўъжизанинг ўзи. Инсон ички ва ташқи мўъжизадир, чунки у коинотнинг таркибий қисмидир.

*Сиз ўзингизни микрокосм деб ўйлайсиз, лекин аслида сиз ўзида макрокосмни сақлайсиз.*

*Инсон ўзи ҳақида ҳар сафар фикр юритганда, уни саросимага туширадиган ажойиб сирларга дуч келади: органларнинг тузилиши, уларнинг жойлашиши ва вазифалари, шунингдек, бу вазифалар қандай қилиб бажарилиши; руҳ сирлари, унинг очиқ ва яширин куч-қувватлари; гоёлар инсонда қандай шаклланади, улар қандай сақланади ва кейин эсга олинади. Тасвирларнинг барчаси... улар қаерда ва қандай сақланади? Тасвирлар, ҳис этишлар ва фикрлар... улар қандай хотирага келишади? Улар ҳақида мажҳул нарсалар беқиёс кўпроқ. Унинг кўпайиши ва ирсиятида намоён бўладиган инсониятнинг сирлари ҳам бор: битта хужайра инсоннинг барча хусусиятларини, шу жумладан ота-оналар ва аجدодларни ўз ичига олади. Бироқ, бу хусусиятларнинг барчаси бундай кичкинагина хужайрага қандай сизиб қолади? Қандай қилиб бу хужайра уларни ҳар дақиқада тиклайди ва жараённи гўзал инсонни яратishi билан тугатади?<sup>5</sup>*

## БЕШИНЧИ БОБ

---

### Чексиз ибодат шакли сифатидаги мушоҳада

Осмон ва ернинг ва уларда мавжуд бўлган барча нарсаларнинг яратилиши ҳақида ўйлаш вақт, жой ёки шароитдаги ўзгаришларга таъсир қила олмайдиган амалиётдир. Бу эркин ва чекланмаган ибодат шаклидир. Шунингдек, бу қалбни жонлантирадиган ва билиш йўлини ёритадиган, онгнинг юксалишига қараб коинотдаги Аллоҳнинг аломатлари ҳақида ўйлашдан Яратувчи ва Раббийнинг ўзи ҳақида фикр юритишга ўтадиган билиш ва ҳиссий жараён. Бу мушоҳаданинг асосий маъноси-дир.

Замон ва макон доирасидан тафаккур қилувчи онгни озод қилиш учун Қуръон яратилишнинг дастлабки даври ҳақида ўйлашга ундайди: “Сен: “Ер юзида сайр этиб юринглар ва махлуқотларни У зот аввал бошдан қандай яратганига назар солинглар. Сўнгра Аллоҳ охират ҳаётини пайдо қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир”, деб айт”. (Қуръон, 29:20) Қуръон ҳозирги кун ҳақида мулоҳаза қилишга ундашдан ташқари, ҳалоқ бўлган халқларнинг тақдири ҳақида ҳам фикр юритишга ундайди: “Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмасларми?! Уларнинг булардан қувватлари кўпроқ эди...” (Қуръон, 30:9) Қуръон иймонлиларни бу дунё ҳақида ўйлашга ундаши билан бир қаторда, уларни нариги дунё ҳақида фикр юритишга чақиради: “... Аллоҳ шундоқ қилиб сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки, тафаккур қилсангиз. Бу дунё ва охират ҳақида...” (Қуръон, 2:219-220) Бунинг сабаби шундаки, ўтқинчи дунё доираси билан чекланган мушоҳада коинотнинг тўлиқ бўлмаган тасвири ва инсоният мавжудлиги ҳақиқатлари тўғрисидаги ёлғон ғоядан

бошқа нарса эмас. Шундай қилиб, мўминга дастлабки босқичдан то Қиёмат кунигача Аллоҳнинг яратганлари ҳақида фикр юритиш буюрилади.

Бу эркин ибодат бўлиб, Қуръон осмон, тоғлар ва денгизлар каби киши кўли иштирок этмаган Аллоҳнинг табиий ижодлари ҳақида мулоҳаза юритишга чақиради. Қуръон, шунингдек, иймонлиларнинг эътиборини уларга берилган неъматларга қаратади, чунончи бутун инсониятга фойда келтириши учун махсус қобилиятлар билан баъзи одамларга Аллоҳ ато этган кашфиётлар:

*“Албатта, осмонлару ернинг яратилишида, кечаю кундузнинг алмашиб туришида, одамларга манфаатли нарсалари ила денгизда юриб турган кемада, Аллоҳнинг осмондан сув тушириб, у билан ўлган ерни тирилтириши ва унда турли жондорларни таратишида, шамолларни йўналтиришида, осмону ер орасидаги итоатгўй булутда ақл юритувчи қавмлар учун белгилар бор”.* (Қуръон, 2:164)

Гарчи бу кашфиётлар ва ютуқларнинг айримлари, масалан, денгизда юриб турган кемалар одамлар меҳнатининг самараси бўлса-да, Яратувчи ўзи бу гоёни ҳаётга татбиқ этишга имкон берадиган одамларга қобилият ва билимларни инъом қилган:

*“...Унинг илмидан ҳеч нарсани иҳота қила олмаслар, магар Ўзи хоҳлаганини, холос...”* (Қуръон, 2:255)

*“Биз унга (Довудга) сизлар учун сизни ёмонликдан сақлайдиган кийим қилиши санъатини ўргатдик. Энди шукр қиларсизлар?!”* (Қуръон, 21:80)<sup>1</sup>

Боз устига, Аллоҳ томонидан ўрнатилган қонунлардан ташқарида ҳеч қандай кашфиёт ёки ихтиро мумкин эмас. Кишилиқ ютуқлари фақат ушбу қонунларнинг аҳамиятини очиб беради.

Қодир Тангри Ўзининг олий зотига ҳаракатланувчи тоғлар каби денгизлар бўйлаб сузиб юрадган улкан кемаларга эгалик қилишни васф этди: “Денгизларда тоғдек бўлиб сузиб юрувчилар ҳам Униқидир”. (Қуръон, 55:24) У нафақат кемаларга, балки самолётлар, ракеталар, сунъий йўлдошлар ва Аллоҳнинг иродаси ва марҳамати билан одамлар томонидан яратилган бошқа барча нарсаларга ҳам эгалик қилади: “Роббингиз, Унинг фазлидан таллаб қилишингиз учун денгизда кемани юргизиб қўйган Зотдир. Албатта, у сизга раҳимлидир”. (Қуръон, 17:66)

Афсуски, бугунги кунда айрим иймонлилар замонавий ихтиролар ҳақида ўйламайдилар, бунинг оддий сабаби шундаки, улар Ислом динига эътиқод қилмайдиган ёки ягона Худога ишонмайдиган мамлакатлар маҳсулотидир. Шу билан бирга, улар мусулмон дунёси қандай қилиб замонавий ютуқлар ва хизматларнинг суст истеъмолчисига айланганига гувоҳ бўлмоқдалар. Бундай ҳаяжонлантирувчи чалкашлик шароитида баъзи диндорлар турли хил хис-туйғуларни бошдан кечиришади. Мисол учун, улар бир томондан Аллоҳнинг қудрати, раҳм-шафқати ва Унинг дарёлар, тоғлар каби табиий ижодларида намоён бўлган сон-саноксиз неъматларини кўрсалар, бошқа томондан замонавий технологияларнинг йирик ихтироларини кўришадикки, бу ихтироларнинг баъзилари уларда салбий жавобларини келтириб чиқаради. Ғарбий ва Шарқий фикрлаш тарзининг кўплаб тарафдорлари ушбу йўналишнинг ривожланишига шу даражада ҳисса қўшганларки, Аллоҳнинг табиий ижодлари ва инсониятнинг замонавий ихтиролари ўртасидаги фарқ деярли илм ва дин ўртасидаги муносабатларнинг бўлинишига олиб келган.

Шунга қарамай, кишиларнинг юраклари Аллоҳга яқинлашиб, коинотни янада аниқроқ кўрганлар сари, кишилар ер юзи ва унда яшовчи ҳамма нарса Аллоҳнинг чексиз ҳудудидаги майда атом эканлигини англай бошлайдилар. Бундан ташқари, Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда кишиларни, шунингдек, уларнинг кўллари ва онглари ясаган ҳамма нарсани яратганлигини айта-

ди: “Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!” (Қуръон, 37:96) Аслида, ҳозирги кунда мусулмон оламининг камситилган мавқеининг сабабларидан бири бу Аллоҳнинг ер юзидаги қонунларига риоя қилмасликдир.

Шу муносабат билан шуни эсда тутиш керакки, Аллоҳ Макка, Мадина ва уларга қўшни ҳудудларда яшовчи одамларнинг эътиборини ҳаракатланувчи тоғлар каби океанлар бўйлаб сузувчи кемаларга жалб қилганида, ўша пайтда бу кемалар асосан ҳали Исломни қабул қилмаган одамларга тегишли эди. Бироқ, бу мўминларга Аллоҳ иймонсизларнинг қўлига берган фойдаси ва Аллоҳнинг аломатлари ҳақида ўйлашга тўсқинлик қилмаган.

Ушбу қисқа боб коинот ҳақида мулоҳаза юритиш битмас-туганмас маънавий фаолият бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шунга қарамасдан, бизнинг дунёмизда мусулмонларнинг қизиқишини уйғотадиган ва уларнинг эътиқодининг асосий жиҳатларини шакллантирадиган кўринмас мавжудотлар ва ҳодисалар ҳам мавжуд. Ушбу кўзга кўринмас ҳодисалар ҳақида фикрлашнинг чекловлари борми, деган савол кейинги бобда муҳокама қилинади.

## Кўринмас ҳақида мулоҳаза қилиш ва унинг чекловлари

Инсон куёш, дарёлар ва сайёралар каби кўринадиган нарсаларга ёки фаришталар ва жинлар каби кўринмас нарсаларга тегишли бўлган нимани ҳис қилиши ёки тасаввур қилиши мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай чекловлар йўқлиги сабабли Ислохий мулоҳаза ибодатнинг эркин шакли бўлса-да, ҳали ҳам битта чеклаш мавжуд - бу Аллоҳнинг ўзи ҳақида фикр юритишнинг чеклаши. Бу нафақат тақиқланган, балки имконсиздир, чунки Аллоҳнинг Ўзидан бошқа ҳеч ким Унинг аслида нима эканлигини билмайди. Қодир Тангри Қуръони Каримда Ўзи ҳақида шундай дейди: “У, осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи Зотдир ... У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У зот ўта эшитгувчи, ўта кўргувчи Зотдир”. (Қуръон, 42:11)

Бундан ташқари, Аллоҳ инсониятдан фарқли ўларок, замон ва макон билан чекгараланмаган. Дарҳақиқат, одамлар бирон бир ҳодиса ёки воқеани маълум бир вақт ёки жойга мурожаат қилмасдан тасаввур қила олмайдилар, шунингдек, ўтмишдаги маълум бир тажрибани далил қилиб кўрсатмасдан ҳеч нарса ни тасаввур қила олмайдилар. Масалан, сиз билган бошқа ҳайвонларга ўхшамайдиган бутунлай янги ҳайвон турини тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Ёки сиз билган ранглардан бошқа рангни тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Буни амалга оширишда қанча куч сарфлашингиз муҳим эмас, сиз аллақачон билган нарсангизни чизмасдан, бу янги ҳайвон турини тасаввур қила олмайсиз: сиз қанотларни чизишингиз ва уларни ҳайвоннинг бошига ёпиштиришингиз мумкин ёки оёқларига қулоқларни боғлашингиз мумкин, гарчи қанотлар, қулоқлар ва оёқлар сиз билган ҳайвонлар танасининг бир қисмидир. Бундан ташқари,

инсонлар фақат маълум тўлқинлар ва тебранишлар ичида эшитишлари мумкин ва бунда улар кўплаб ҳайвонлар ва қушлардан анча паст.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кишилар ҳали ҳам уларни одамлар сифатида тавсифлайдиган мия ва асаб тизими ҳақида жуда кам маълумотга эгалар. Инсон онги, руҳи ва психикаси ҳақидаги билимлар яширин сир ва ҳимояланган бойликдир. Агар одамлар бу ўткинчи дунёда ўз қобилиятлари ва билимлари билан шунчалик чекланган бўлса, улар қандай қилиб Ўзи вақтни яратганлиги туфайли вақт билан чекланмаган Зот ҳақида фикр юритишга журъат этадилар? Зероки “Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар...” (Қуръон, 6:103) Ибн Масъуд шундай деган: “Раббингиз учун кун ҳам, тун ҳам йўқ. Осмон ва ернинг нури Унинг Юзининг нуридан келади. У Қиёмат кунда ҳукм чиқарганда, ер юзи Унинг Чехраси билан ёритилади”.<sup>1</sup> Олимларнинг айтишича, инсон Аллоҳ ҳақида қандай тасаввур қилмасин, У Зот бутунлай бошқачадир. Ибн Аббос шундай деган: “Баъзи одамлар Қодир Тангри ҳақида мулоҳаза юритишга ҳаракат қилишди, лекин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга “Аллоҳнинг яратганлари ҳақида ўйланг, лекин У ҳақида эмас, чунки сиз буни ҳеч қачон У муносиб тарзда қила олмайсиз”, деб маслаҳат берганлар”.<sup>2</sup> Ал-Ғаззолий ёзган шеърдан парча ушбу мавзуни мукаммал очиб беради:

**Менинг сўзларимни англашга қодир бўлганларга айт:**

Лўнда бўл-ки; жавоб осон эмас.

Бунинг сири унда ётади,

Энг яхши ақллар тушуна олмайди.

Рух моҳияти қаердадир?

Уни кўра оласанми ёки у қандай кезишини биласанми?

Сен нафасингни ҳисоблай оласанми?

Йўқ! Сен уларнинг барчасини ўтказиб юборасан.

Ақлинг қаерда? Уйқу босган пайтда ташвишларинг қаерда?

Айтинг-чи, лекин сенинг хабаринг йўқ!



Сен нонни қандай истеъмол қилаётганингни,  
 Ва ўзингдан сийдик қандай ўтишидан беҳабарсан!  
 Ўз танангдаги органларни тушуниб етишда заиф бўлсанг,  
 Курсисид мустаҳкам ўрнашган Зотни қандай тушуна оласан?  
 Калом қандай нозил бўлгани ҳақида сўраманг,  
 Раббий қандай гапираётгани ва кўраётгани ҳақида сўраманг.  
 Менинг сўзларим бу ерда ортиқча!  
 На “қаерда”, на “қандай” ва “нима учун” Унга оид.  
 Аммо У “қандай” ва “нима учун” Раббийдир.  
 У “қандай” ва “нима учун” сабабларини билади.  
 У ўз борлигида ва сифатларида олийдир,  
 Ва У ҳақида айтадиган ҳамма нарсадан юқоридир.<sup>3</sup>

Аллоҳнинг сифатлари Унинг борлиги билан бир хил табиатга эгадир. Унинг илоҳий борлигининг ҳақиқати фақатгина Ўзига маълум бўлганлиги ва фақат Ўзига тушунарли бўлганлиги сабабли, Унинг сифатлари ҳам бир хил моҳиятга эгалар. Шунга қарамай, иймонлилар бу сифатларнинг гўзаллигини тушуниб, қадрлай оладилар ва бу уларнинг иймон даражасига кўра Аллоҳга йўл кўрсатади. Ибн Аббос қуйидагича айтди:

*Аллоҳ Таоло Ўзининг юксак сифатлари сояси остида, сифатлари эса илоҳий амалларининг соясидадир. Хўш, Унинг комил сифатлари соясида бўлган, улуғворлик ва ҳашамат васфлари билан безатилган илоҳий жамол ҳақида нима деб ўйлайсиз?<sup>4</sup>*

Агар мусулмонларга Аллоҳнинг улуғворлигини инсоний ҳис-туйғулари ва ақллари билан тушуна олмасликлари сабабли, Аллоҳ Таоло ҳақида мулоҳаза қилишга руҳсат берилмаса, нега улар дунёвий воситалар билан кўринмас ва тушуниб бўлмайдиган тоифасига кирадиган ўлим, оралиқ давр (*барзах*) ва охираат ҳақида фикр юритишга чақирилади? Бу саволга жавоб шуки, гарчи бу ҳодисаларнинг барчаси бу дунёдаги мўмин-

ларнинг онгига етиб бўлмайдиган сифатларга эга бўлсалар-да, улар барибир Аллоҳнинг яратилишининг бир қисмидир. Уларнинг бу дунёда ўхшашликлари ҳам бор. Масалан, уйқу сирларини унинг ёмон тушлари ва ёқимли кечинмалари билан бошдан кечирган ҳар бир киши ўлимни, қабр ва барзахдаги хис-туйғуларни тасаввур қила олади. Ҳомила даври зулматидаги инсон ҳаёти ҳақида фикр юритадиган ва уни туғилгандан кейинги ва балоғат ёшидаги ҳаёти билан таққослайдиган ҳар бир киши уни бу дунё занжирларидан озод қиладиган ўлимдан кейин бошдан кечириши керак бўлган ҳамма нарсанинг кенглигини тасаввур қила олади. Агар қорнидаги ҳомилага куёши, ойи, дарёлари, дарахтлари ва мевалари билан бу дунё ҳақида гапириб бериш мумкин бўлса, у буларнинг ҳаммасини тасаввур қила олмас эди, чунки унинг тажрибаси ўзи бўлган зулмат билан чекланган. У ерда у овқат ейиши, ичиши ёки нафас олиши шарт эмас, сабаби деганда унга керак бўлган барча овқатланиш унинг ҳаёти учун энг муҳим органлар, яъни плацента томонидан таъминланади ёки киндик ичакчаси орқали келади. Аслида, улар ҳомилани онадан тайёр озуқа суюқликлари ва кислород билан таъминлайди, шунингдек, карбонат ангидрид гази ва чикитларни олиб ташлайди. Кейин, таваллуд вақти келиб, ҳомила туғилганда, киндик ичакчаси кесилади ва ўз вазифасини бажарган плацента кўмилади ёки бошқа йўл билан йўқ қилинади. У (плацента) ҳақида ҳеч ким қайғурмайди ва ҳеч бир шоир унинг йўқолиши ҳақида элегия ўқимайди!

Бизнинг дунёмиз улкан қоринга ўхшайди, бу ерда тана қорнидаги плацента билан бир хил роль ўйнайди. Ўлим лаҳзаси келганда, руҳ бу дунёдан шунчалик каттароқ ва мураккаброқ бўлган, бошқа юқори ҳаёт ўлчовига – барзахга ўтади ва у энди (худди янги туғилган чақалоқ каби плацентага эҳтиёж сезмаслигидек) танага муҳтож эмас, кейин эса жасад дафн қилинади. Шу тарзда, одамлар ракетага ўхшаб, юқори босқичларга ўтишни давом этмоқдалар: унга тезликни енгилроқ вазн ва кучли энергия билан оширишга имкон бериш мақсадида унинг тез-

латадиган қурилмалари ёқилғининг ёниши пайтида ҳар бир босқичнинг охирида асосий қисмдан ажралиб туради. Бу бизга “Тирик одамлар ухлашади ва улар ўлганларидагина уйғонадилар” иборасини ва “Тетик ҳаёт бу уйқу, ўлим – уйқудан туришдир; ва улар орасидаги одам ҳаракатланувчи сояга ўхшайди” арабча мақолини эслатиб туради.

Ал-Ғаззолий ўзининг “Улум ад-Дин” асарида қорнидаги ҳомила расмидан фойдаланиб, бу дунёдаги ҳаётни, ўлимдан кейинги ҳаётни ва нариги дунёдаги ҳаётни бизни охиратда кутаётган муҳим ҳаёти нуқтаи назаридан ўйлашга ундайдиган жуда таъсирли ҳикояда солиштиради. У шундай ёзади:

*Инсон икки марта туғилади: биринчи мартаба у (отаси ва онаси танасининг) “умуртқа погонаси ва қовурғалари орасида бўлганида”, кейин у “белгиланган муддат давомида, тинч ҳолатда ва хавфсиз жойда, қорнида сақланиб қолади”. Сўнгра у бир томчи манийдан лахтагача шаклланиши йўлидан боради ва кейин гўштининг бўлакчага айланади. Иккинчиси – у тор бачадондан чиқиб, катта дунёга келганда. Асосий тирилишининг кичиги билан нисбати катта дунё ва тор бачадонга ўхшайди. Келажак, буюк нариги дунёнинг ўтқинчи, ҳозирги дунё билан нисбати тор бачадон ила катта дунёга ўхшайди ва ҳатто ундан ҳам катта ва муҳимдир.<sup>5</sup>*

Худди шундай, Жаннат бахт-саодати ва унинг барча мевалари, оқаётган булоқлари ва ҳузур-ҳаловатлари бизнинг дунёмизга ўхшайди, гарчи, албатта, бу Жаннатнинг озгина ўхшашлигидир. *Ҳадиси қудсийда* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз Роббиларидан ривоят қилиб айтадилар: “Жаннат Аллоҳ таолонинг бандаларига раҳмати бўлиб, унда банданинг хаёлидан ўтмаган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган неъматлар ва хурсандчиликлар бор”.<sup>6</sup> Шунга қарамай, ўтқинчи дунё ва нариги дунё роҳат-фароғати ўртасидаги ўхшашлик яққол кўриниб туради. Қуръони Каримда айтилишича, бахтли ий-

монлилар жаннатга кирганда, улар у ерда аввалги ҳаётларида истеъмол қилган меваларга ўхшаш меваларни топа оладилар, аммо бу мевалар янада чиройли ва янада ёқимли бўлади. Уларнинг турмуш ўртоқлари ҳам ҳар жиҳатдан анча гўзал ва жозибали бўлишади:

*“Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларга улар учун остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар борлигининг баширатини бер. Қачонки уларнинг мевасидан баҳраманд бўлсалар, бундан аввал ҳам ризқланган эдик, дерлар. Уларга ўхшаш нарсалар берилгандир. Уларга у ерда покиза жуфтлар бор ва улар у ерда абадий қолурлар”.* (Қуръон, 2:25)

Демак, бу ўхшашлик, бу дунёнинг ҳақиқати инсон тушунчасидан ташқарида бўлишига қарамасдан, мусулмонларнинг келажакдаги дунё завқлари ҳақида фикр юритиш имкониятларини тасдиқлайди. Дўзах азоби ҳақида ҳам шундай деса бўлади. Бу дунёда олов таналарни куйдиради ва юзларни хунук қилиб юборади. Эҳтимол, бу тасаввур қилинадиган энг оғир азобдир ва шунинг учун кўплаб мўминлар ёлқинни кўриб титраб кетадилар, зероки бу уларга жаҳаннамдаги алангани эслатади. Аҳмад Ибн Ҳанбал ўзининг *“Китобуз-зуҳд”* (Зоҳидлик китоби) номли асарида бир куни Ибн Масъуд ва ар-Рабий Фурот бўйида бўлиб, темирчилик ўчоғининг оловида темир иситаётган темирчиларни кўргани ва ёрқин аланга уларга дўзах эслатгани ҳақида хабар беради. Ар-Рабий шунчалик кўркиб кетганки, у беҳуш бўлиб қолган. Ибн Масъуд уни уйига олиб боришга мажбур бўлиб, у ерда эртаси куни тонг отгунча хушсиз ётар эди.<sup>7</sup> Гарчи унинг ҳиссий реакцияси ўзининг руҳий барқарорлигидан кучлироқ бўлса-да, бу ҳолат когнитив ассоциатив тасаввур туфайли юзага келган, бунда у ҳақиқат билан алоқани йўқотмаган эди. Бу воқеа дунёвий ёлқиндан фарқига қарамай, диндор жаҳаннам алангаси ҳақида мулоҳаза юритиши мумкинлигини аниқ кўрсатмоқда. Пайғамбар соллаллоху алай-

ҳи васаллам нариги дунёнинг дўзахини қуйидаги сўзлар билан тасвирлаб берганлар:

*“Дўзахга минг йил ўт ёқилди. У қип-қизил бўлди. Сўнгра унга яна минг йил ўт ёқилди. У оппоқ бўлди. Сўнгра унга яна минг йил ўт ёқилди. У қоп-қора бўлди. У қоп-қора зулмат кабидир”.*<sup>8</sup>

Ибн Аббос бунга ўхшаш ривоятда шундай деди: “Агар бу дунёга жаҳаннамдаги бир томчи заққум дарахти ташланган бўлса, унда ер аҳолисининг барча ҳаёт манбалари нобуд бўлади”.<sup>9</sup>

Иймонлилар орасидан кўпгина илк ва замонавий олимлар ўлим, *барзах* ва нариги дунёни мулоҳаза қилиш ҳақидаги тўлқинлантирувчи тажрибаларини ёзиб олишган. Улар орасида “Китоб ат-Таваҳхум” (Тасаввур китоби) асарини тузиб, унда ўлимнинг аччиқлигини, жаннат бахт-саодатини ва дўзах азобини тасвирлайдиган Ал-Ҳорис ал-Муҳосибий ҳам бор. Муаллиф ўқувчиларни ушбу расмларни тасаввур қилдиради ва улар ҳақида ўйлантиради. У бу воқеаларни шу қадар батафсил ва жуда жонли қилиб тасвирлайдики, китобхонлар барча ажойиб воқеаларни ҳақиқатда бошдан кечираётганларини тасаввур қилишлари мумкин. У ўлим аччиқлигини ва тирилишни қуйидагича тасвирлайди:

*Ўлим сизни қандай қилиб ағдариб ташлаганини тасаввур қиласиз ва сиз Раббийнинг олдида пайдо бўладиган Қиёмат кунигача кўтарила олмайсиз. Фаришта оёқларингиздан руҳни чиқара бошлаганда, ўлимнинг аччиқлигини қандай ҳис қилаётганингизни тасаввур қиласиз ва бир вақтнинг ўзида даҳшатли оғриқни бошдан кечирасиз. Кейин фаришта руҳни танангиздан бутунлай олиб ташлашга киришади ва руҳингиз бутун танадан ўтиб, юқорига кўтарилади. Энди сиз бутун вужудингизда ўлим азобини ҳис қиласиз... Сўнгра фариштанинг юзига қарайсиз... ва у руҳингизни танангиз-*

дан олиб чиқариш учун қўлини оғзингизга қандай чўзаётганини кўрасиз ва бу манзарадан ҳайратда қоласиз... Бундан кейин сиз муқаррар илоҳий ҳукмни кутаётганингиз туфайли юрагингиз хавотир билан қаттиқ ура бошлайди: “Қувониб кет, Аллоҳнинг бандаси! Сен Унинг розилиги ва мукофотига сазовор бўлдинг” ёки “Лаънат сенга, Аллоҳнинг душмани! Сен ўзинга Унинг ғазабини ва жазосини ёқдирдинг”.

Барча одамларнинг тайёргарлиги тугагач, осмон ва ер ўз аҳолисидан озод бўлганда, улар энди ҳеч қандай ташвиш билан безовталанмайди ва сукунат бошланади, шунингдек, У ҳар доимгидек бўлган Қодир ва Олий Раббийдан бошқа ҳеч ким қолмайди. Шунда барча тирик мавжудотларга чақириқдан руҳингиз титрайди. Бу овоз сизнинг қулоқларингиз ва онгингизда қандай эшитилишини тасаввур қиласиз; ўшанда сиз Улуғ Фаришта олдида пайдо бўлишга чақирилганингизни тушунасиз. Ушбу чақириққа юрагингиз шув этиб кетади ва сочларингиз оқариб кетади. Сиз хавотирланаётганингиз экан, ернинг бошингиз устида очилишини эшитасиз ва қабрингизнинг чанги ва тупроғи билан қопланган оёқларингизга турасиз. Сиз нигоҳингизни чақириқни эшитган жойга қаратасиз ва қолган мавжудотлар улар азоб чеккан ер ва чанг билан қопланган ҳолда сиз билан бирга туришади. Сиз уларни қамраб олган ташвиш ва даҳшатни тасаввур қила оласиз... Хўрлик, қўрқув ва даҳшат ичида бўлган ялангоч, ялангоёқ ва жим мавжудотлар оломони орасида ўз ялангочлигингиз ва шармандалигингизни... тўлқинланишингизни ва ташвишларингизни тасаввур қиласиз... Сиз уларнинг оёқларини шарақлатишдан бошқа ҳеч нарсани эшитмайсиз... Ер юзидаги барча шоҳлар ўз ҳукмронликларини йўқотдилар. Улар Аллоҳнинг ер юзидаги Унинг бандаларига зулм қилганларидан кейин оломон ичида ҳаммадан кўра кўпроқ хўрланган ва шарманда бўлишган. Бутун ер аҳолиси, шу жумладан, одамлар ва жинлар, шайтонлар ва махлуқлар, ёввойи ҳайвонлар, чорва ва ҳашарот-

лар ҳукми кутаётган бир қаторда тўпланганда, уларнинг устидаги юлдузлар парчалана бошлайди, қуёш ва ой ўчади ва ер юзи зулматга ботади. Сиз ва барча жонзотлар осмоннинг айланишини томоша қилиб, даҳшатга тушиб, сиз бу даҳшатли кўринишини кўрганнгиз экан, осмон беиш юз йилга ичкарига бўлинади. Ана қаранг! Баланд овоз қулогингизни кар қилиб қўяди! Бундан сўнг осмон парчаланиб кетади ва фаришталар унинг чеккалари бўйлаб тизилиб, Аллоҳ Таоло таърифлаганидек Раббийлари осмонни суюқ кумушга айлантиришини кутишади ва ҳамма Қиёмат куни кўрқувдан оқариб кетади: “Осмон ёрилиб, қирмизи мойга айланган вақтда...” (Қуръон, 55:37)

Кейин китоблар ўннга ва чапга учади ва тарозилар ўрнатилади, шунингдек, сиз тарози тик ҳолатда ўрнатилганлигини тасаввур қиласиз, қалбингиз эса китобингиз қайси томонга кетаётганини хавотир билан қузатиб боради: сизнинг ўнг ё чап томонингизга... Сиз бошқа жонзотлар билан бирга кутар экан, Улуғ Фариштанг ўз малайларига буйруқ бераётганига қарайсиз. Улар темир белкурак ва айри билан яқинлашадилар... Сиз уларни кўриб, юрагингиз ваҳимага тушади. Шу вақтда, ҳамманинг олдида сизнинг исмингиз ўқилади: фалончи қаерда? Ўзингизни кўрқувдан титраётганингизни тасаввур қилинг... Улар сизни Раҳим Аллоҳнинг курсисига олиб келгунларича, сизни пастга ташлагунларига қадар қўпол қўллари билан сизни судраб бориши учун қандай қилиб қўлларингиздан қаттиқ ушлаб олишларини тасаввур қилинг. Қудратли Аллоҳ Ўзининг чексиз улуғворлигида сизга шундай ажойиб сўзлар билан мурожаат қилади: “Яқинроқ кел, Эй Одам ўғли”. Сиз Азийм ва Карийм Раббий ҳузурида турганингиз туфайли Унинг нурида доводирайсиз. Юрагингиз қайғуга тўлади... ва сиз янги туғилган кўзичоққа ўхшайсиз... Сиз ҳар доим сизга меҳрибон бўлган ва ҳомийлик қилган Раббийнинг олдида қанчалик уяласиз ва кўрқасиз. У зот сиздан ёмон амалларингиз ва жиноий ишларингиз ҳақида сўраганда, Унга нима жавоб берасиз?<sup>10</sup>

Муҳосибий ёзган нарса мусулмон олимларининг ўлим ва нариги дунё каби кўринмас воқеалар ҳақидаги мулоҳазаларининг самарасидир. Саййид Қутбнинг мулоҳазалари натижаси бўлган, Қиёмат куни ҳақида унинг шунга ўхшаш батафсил тавсифини бериш фойдали бўлади. Қуйидаги изоҳ “Таквир” сура-сининг дастлабки оятларига тегишли:

*“Вақтиқи, қуёшни буклаб, ўралса. Ва вақтиқи юлдузлар узилиб тушиб, сочилиб кетса. Ва вақтиқи, тоғлар жойидан кўчирилса. Ва вақтиқи, ҳомиласига ўн ой тўлган туялар қаровсиз қолса. Ва вақтиқи, ваҳший ҳайвонлар бир жойга тўпланса. Ва вақтиқи, денгизлар аланга олиб ёнса. Ва вақтиқи, нафслар жуфтлаштирилса. Ва вақтиқи, тириклай кўмилган қиздан сўралса. У нима гуноҳ учун ўлдирилган? Ва вақтиқи, саҳифалар нашир қилинса. Ва вақтиқи, осмон кўпорилса. Ва вақтиқи, жаҳаннам қиздирилса. Ва вақтиқи, жаннат яқинлаштирилса. Ҳар бир жон нима ҳозирлаганини биладир”.* (Қуръон, 81:1-14)

Ушбу оятлар бутун коинотни қамраб оладиган катта галаён саҳнасини тасвирлайди. Бу ҳеч қандай сир қолдирмайдиган воқеадир ва ҳамма нарса аниқ бўлади. Ҳар бир инсон Қиёмат куни учун тайёрлаган нарсаларини олади. Қайд этилган буюк воқеалар шуни кўрсатадики, билимдон ва моҳир Яратувчининг маҳорати туфайли мукамалликка олиб келинган аниқ механизми билан ва ўзининг мукамал уйғунлиги билан коинотнинг ҳозирги ҳолати бутунлай вайрон бўлади. У ўз вазифасини тугаллайди. Бошқа барча яратганлар билан бир қаторда коинот бу дунёда биз билган ҳамма нарсага ўхшамайдиган унга тайёрланган янги ҳаёт босқичига ўтади.

**Суранинг** мақсади одамларнинг онги ва қалбида ушбу тизим муқаррар равишда ҳалокатга учрайди деган зояни кучайтиришидир, токи одамлар бу дунёнинг неъматлари ва



ҳашаматлари бардошли бўлиб туюлса-да, уларга унчалик аҳамият бермасликлари ёки умуман аҳамият бермасликларидир. Одамларнинг қалби ва онги абадий ҳақиқат гоёсини мустаҳкамлаши керак, яъни абадий ва ўзгармас Худо борлиги, қолган ҳамма нарса ўзгариши ва ҳалоқатга тобедир. Улар замон, макон, қобилият чегараларини ёки вақт қолиплари чекловларини тан олмайдиган мутлақ ҳақиқатни англаш ва қабул қилиши учун бу дунёда ўзлари ривожланган одатий тушунчалар занжирларини узишлари лозим. Бирор киши бутун жаҳон қулаши ҳодисаларини бошдан кечирар экан, бу баёнотни тасдиқловчи ички туйғуни бошдан кечира олмасдан бўлмайди.

Қиёматда бу жонзотларнинг барчаси билан нима содир бўлишига келсак, бу фақат Аллоҳга маълум деб айтишимиз мумкин. Биз фақат бошдан кечирган нарсаларимизни тушунишимиз мумкин. Дунёнинг улкан қулаши ҳақида ўйлаганимизда, бизнинг тасаввуримиз даҳшатли зилзила ёки вулқон отилиши ёки бомба тушишидан бошқа катта нарсани тасаввур қила олмайди. Тошқинлар бизга маълум бўлган сувнинг ҳалоқатли кучини энг ёрқин намоёниши этади. Коинотдаги биз қузатишимиз мумкин бўлган энг катта воқеалар бу биздан миллионлаб миля узоқликда жойлашган Қуёш юзасида содир бўлган кичик портлашлар эди. Бу воқеаларнинг барчаси, қанчалик катта кўринмасинлар, Қиёмат куни Коинотнинг қулаши билан солиштирганда шунчалик аҳамиятсиз бўлиб туюладики, уларни болалар ўйинига ўхшатса бўлади. Агар у ерда аслида нима бўлишини билмоқчи бўлсак, унда биз бу ҳаётда бошдан кечирганимиз билан таққосландиган расмни тасаввур қилишимиз мумкин.

Қуёшнинг сўниши, эҳтимол, унинг совиишини ва космосда минглаб километрларга чўзилган нурлари камайиб, ўчишини англатади. Қуёш 12 000 даражага етиб борадиган юқори ҳароратли газдан иборат бўлганлиги сабабли, унинг сўниши унинг совиишини ва балким Ер юзи каби юмалоқ шаклга

эга бўлишини англатади. Бу суранинг бошлангич қисмининг маъноси бўлса керак, аммо шуни таъкидлаш зарурки, маъно бошқача ҳам бўлиши мумкин. Бу қандай содир бўлишига ёки бу жараённинг бошланишига нима сабаб бўлишига келсак, бунни фақат Аллоҳга маълум деб айтишимиз мумкин.

Юлдузларнинг тушиши, эҳтимол, шуни ангалатадики, уларни ушлаб турадиган тизимни тарк этадилар ҳамда ёруғлик ва ёрқинлигини йўқотишади. Қайси юлдузлар бу жараёнларга дучор бўлишини фақатгина Аллоҳ билади: бу фақат чекланган юлдузлар гуруҳига, масалан, бизнинг Қуёш системамизга ёки юз миллионлаб юлдузлардан иборат Галактикамизга таъсир қиладими ёки миллион-миллион бўлган мутлақо барча юлдузларга таъсир қиладими? Бугунги кунда коинот чексиз сон галактикалардан иборат эканлиги ва уларнинг ҳар бири ўз фазоси билан ўралганлиги айнан маълум.

Тогларнинг ҳаракатга келтирилиши ёки жойларидан кўчирилиши, эҳтимол, бошқа сураларда кўрсатилганидек, улар эзилиб, чангга сочилиб кетишини англатади: **“Сендан тоғлар ҳақида сўрарлар. Бас: “Роббим уларни мутлақо совуриб юборажак”, дегин**”. (Қуръон, 20:105) **“Ва тоғлар майдаланиб титилганда”**. (Қуръон, 56:5) **“Тоғлар ўрнидан кўчирилиб, саробга айланур”**. (Қуръон, 78:20) Бу оятларнинг барчаси тоғларга таъсир қиладиган ва уларнинг мустаҳкам пойдеворини силкитадиган маълум бир воқеани тавсифлайди. Бу “Залзала” номли 99-сурада айтиб ўтилганидек, ерни қаттиқ силкитадиган зилзиланинг бошланиши бўлиши мумкин: **“Вақтики, ер ўзига хос зилзилага тушса... Ва ер ўз юкларини отиб чиқарса...”** (Қуръон, 99:1-2)

Бу воқеаларнинг барчаси **“ҳомиладорликнинг ўнинчи ойидаги ургочи туялар қаровсиз қолдирилганда”** ўша жуда узоқ кунда юз беради. Арабча тавсифга кўра, бу ерда гап ҳомиладорликнинг ўнинчи ойидаги ургочи туя ҳақида кетмоқда. Бундай ҳолатда моя араблар учун энг қимматли

мулкка айланади, чунки у араблар орасида жуда қадрланадиган ёш туяни бериб, уларнинг бойлигини оширади. Шунингдек, эгаси мойдан қўп сут олади, унинг бир қисми янги тузилган бўталоққа, қолган қисми эгасининг оиласига ўтади. Шунга қарамай, бу улкан воқеалар содир бўладиган куни бундай бебаҳо урғочи туялар тамомила ташлаб кетилади. Бу оят биринчи бўлиб ўта жиддий таҳдиддан ташқари, ўз туяларини ҳеч қачон қаровсиз қолдирмаган арабларга қаратилган.

Бу воқеаларнинг барчаси **“ёввойи ҳайвонлар йигилганда”** ўша жуда узоқ кунда юз беради. Ёввойи ҳайвонларни улар яшайдиган ёввойи ўрмонларда қамраб оладиган катта даҳшат уларнинг бир жойда тўпланишига сабаб бўлади. Улар ўзаро душманликларини унутишади ва номаълум йўналишида бирга ҳаракат қилишади. Улар одатдагидек ўз уйларини қидиришмайди ёки ўлжани таъқиб қилмайдилар. Уларни қамраб олган ваҳима ҳатто энг йиртқич маҳлуқотларнинг ҳам хатти-ҳаракатларини ўзгартиради. Хўш, буларнинг барчаси кишига қандай таъсир қилади?

Бу воқеаларнинг барчаси **“денгизлар бирдан ёнганларда”** ўша жуда узоқ кунда юз беради. Бу ерда ишлатиладиган арабча атама, худди Ер юзида ҳаёт бошланганда бўлгани каби денгизлар ҳам сув билан тўлиб тошишини англатиши мумкин. Бошқа томондан, zilzilalar ва вулқон отилишлари ҳозирги вақтда денгизларни ажратиб турадиган тўсиқларни олиб ташлаши мумкин, кейин бирининг сувлари иккинчисининг сувларига оқиб тушади. Арабча ибора, шунингдек, Қуръонда айтиб ўтилганидек, денгизларда портлашлар содир бўлишини ва ундан сўнг улар аланга олишини англатиши мумкин: **“Ва вақтики, денгизлар портлатилса”**. (Қуръон, 82:3) Портлашлар денгиз сувини ҳосил қилувчи кислород ва водороднинг парчаланиши натижасида содир бўлиши мумкин. Бу атом портлашининг бир тури ҳам бўлиши мумкин. Агар водород муҳитида чекланган миқдордаги атомларнинг

ёки атом бомбасининг портлаши биз кузатишимиз мумкин бўлган даҳшатли оқибатларга олиб келадиган бўлса, унда океанлар ва денгизлар сувларининг атом портлаши, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, анча даҳшатли таъсир кўрсатади. Худди шундай, биз бу океанлардан ҳар жиҳатдан устун бўлган дўзахнинг барча ҳақиқатларини тўлиқ тасаввур қила олмаймиз.

Бу воқеаларнинг барчаси **“руҳлар бирлашганда”** ўша жуда узоқ кунда юз беради. Руҳларнинг бирлашиши тирилиши пайтида руҳнинг тана билан бирлашишини англатиши мумкин. Улар Қуръонда айтиб ўтилганидек, ўхшашлар ўхшаганлар билан бирлаштирганидек, гуруҳларга бирлашишлари мумкин: **“Ва сиз уч тоифа бўлганингизда”** (Қуръон, 56:7) – имтиёзлилар гуруҳи, ўнг тарафдаги одамлар ва чап тарафдаги одамлар. Аммо Қуръони Каримда ёзилганлар бошқа мезонларга кўра гуруҳларга бўлиниши ҳам англатиши мумкин.<sup>11</sup>

Бу дунёда ёки нариги дунёда замон ва маконда чекловларсиз коинотнинг ҳар қандай нарсалари ҳақида мулоҳаза қилишнинг ва эркин мулоқабанинг муҳимлигини англаш учун етарли бўлиши керак. Коинотда Яратувчи ва Унинг яратганлари сифатида Аллоҳдан бошқа ҳеч ким йўқ. Мўминларга Яратувчининг Ўзи ҳақида фикр юритишга рухсат берилмайди, лекин улар қолган ҳамма нарса ҳақида мушоҳада қилишда эркиндирлар.

## ЕТТИНЧИ БОБ

---

---

### Мушоҳаданинг шахсий даражалари

Мулоҳаза ва муроқабанинг турли хил даражалари борми ва эришилган мушоҳада даражаси фикр юритувчи одамнинг ўзи сарфлаган саъй-ҳаракатларга мутаносибми? Бу масалада одамлар ўртасида фарқ борми? Бошқа нарсаларга қараганда ўйлаш осонроқ бўлган нарсалар борми? Бу саволларга тўлиқ жавоб бериш одамнинг қобилиятидан юқоридир. Шунга қарамай, ушбу фарқларни шакллантиришда биргаликда иштирок этадиган камида тўққизта жиҳат ва ўзгарувчанлар мавжуд. Биз уларни қуйида батафсил кўриб чиқамиз.

#### ИЙМОН ЧУҚУРЛИГИ

Мулоҳаза ва муроқоба чуқурлиги биринчи навбатда шахсларнинг иймон даражасига ва уларнинг Аллоҳга яқинлигига боғлиқ. Иймон қанчалик кучли бўлса, улар учун Аллоҳнинг фаолият майдони ҳақида фикр юритиш ва Яратгувчига бўлган муҳаббат ва эътирофнинг бу олижаноб туйғуларидан фойда олиш осонроқ бўлади. Бироқ, бу фақат Аллоҳга ва иймонлиларнинг ўзларига маълум бўлган субъектив ғояларни назарда тутаяди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мушоҳада турли босқичлардан ўтади: дастлабки ҳиссий-когнитив босқич, яратилишнинг мукамаллиги ва гўзаллигини билиш ва тан олиш босқичи ҳамда бу билишнинг Яратувчининг Ўзига етиб борадиган босқич. Бинобарин, шахснинг Аллоҳга бўлган ишончи, севгиси ва итоаткорлиги қанчалик кучли бўлса, бу одамнинг осмон ва ерни яратиш ҳақидаги мулоҳазаси ва муроқабаси шунчалик чуқур бўлади. Агар иймонлилар ушбу ижобий маънавий

ва ҳиссий ҳолатда мулоҳаза юритиш ва муроқаб ва қилишни давом эттирсалар, совуқ когнитив босқичдан иккинчи ва учинчи босқичлар орасидаги чегарага ўтишлари мумкинки, ўша ерда улар билиш ва мулоҳаза ўртасида силлиқ ҳаракат қилишади. Бу уларни чуқур ҳиссий жазава ҳолатига олиб келиши мумкин ва баъзан бу ҳолат шунчалик кучлики, психика бунга зўрға бардош бера олади.

Иймонлиларнинг ҳақиқий мулоҳазаси ҳақида қизиқарли ҳикояларни ўқиш мумкин. Дарҳақиқат, инсон хотиржам ҳолатда ўйлашни бошлаши мумкин, аммо кейин бу жараёнга шунчалик берилиб кетадики, у атрофдаги ҳақиқат билан алоқани йўқотади. Масалан, ал-Ғаззолий “*Ихё Улум ад-Дин*” асарида Довуд ат-Таъий осмон ва ернинг ҳашаматини мулоҳаза қилиш учун тўлин ой кечаси уйининг томига кўтарилганлиги ҳақида хабар беради. Бироқ, у осмонга қараб ва йиғлаб мулоҳаза юритишга шундай чўмганки, қўшнисининг уйига тушиб кетган. Қўшниси ётаржойдан сакраб кетган ва қиличини ушлаб, уни ўғри деб адаштирган. Довудни таниганида, қиличини қўйди ва уни ким ўз уйининг тоmidан итариб юборганини сўраган эди. Довуд: “Аллоҳга қасамки, бу қандай содир бўлганини билмайман”, деб жавоб берган.<sup>1</sup>

### **ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРНИНГ ЧУҚУРЛИГИ ВА ДАВОМИЙЛИГИ**

Иккинчи омил иймонлиларнинг шахсияти ва уларнинг чарчоқсиз ва зерикмасдан диққатни бирор нарсага қаратиш қобилиятига боғлиқ. Бу сифат асосан Қодир Тангри ато этган асаб тизимининг табиатига тобе бўлади. Одамларнинг сабр-тоқатини йўқотмасдан диққатни қаратиш қобилиятидаги аниқ фарқни кўрсатадиган илмий тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу психологик тадқиқотларнинг баъзилари экстравертлар ва интровертларда ўтказилган. Натижалар шуни кўрсатганки, диққат-эътиборни қаратишнинг кучи инсон асаб тизимида биологик асосга эга ва

у ретикуляр шаклланиш ва фаоллаштирувчи тизим орқали ўтади. Миянинг поясида жойлашган бу шаклланиш асаб тизимининг импульсларини ва миянинг юқори марказий нуқталарига қараб ҳаракатланадиган стимуллари бошқарадиган дарвоза вазифасини бажармоқда.

Интровертларда ретикуляр шаклланиш турли сезги органлари томонидан мияга юборилган асаб тизимининг сигналларини кучайтирган эди. Натижада, бу одамлар диққатни жамлаш қобилиятига эга ва бу ҳолатда узоқ вақт қолишлари мумкин. Бундай одамлар атроф-муҳитнинг ҳиссий органларига энг кам таъсирида ўзларини яхши ҳис қилишади, шунинг учун улар ёлғизликни афзал кўришади ва улар интроспективдир. (ўз-ўзини кузатишга асосланган) Интровертлар одатда баланд нутққа ёки кулоқ тешадиган мусиқага тоқат қилмайдилар ва жуда ёрқин ранглари ёқтиришмайди. Улар одамлар билан алоқа қилишни ёки шовқинли ва ҳаяжонли тадбирларда иштирок этишни талаб қилмайдиган фаолиятни афзал кўришади. Бундай фаолият турига, масалан, китоб ўқиш, боғда ёки кутубхонада ишлаш ва бошқалар киради. Ушбу турдаги одамлар зерикашни бошдан кечирмасдан икир-чикир ишларидан завқланишади ва амалларни режалаштиришга мойилдилар. Ижтимоий алоқаларида улар ўзини тута билишади ва жим туришади, энг яқин дўстларнинг тор доирасидан ташқари сирларини ошкор қилишни ёқтирмайдилар. Улар камдан-кам ҳолларда жаҳли тезликни, душман, асабий ёки ўз-ўзидан юз берадиган ҳолатларни намоёниш этадилар. Кўпгина илмий тажрибалар натижалари интровертлар узоқ вақт давомида диққатни жамлашни талаб қиладиган ишларни қаттиқ чарчаши туфайли энг кам хатолар билан бажаришлари мумкин эканликларини тасдиқлади. Шундай қилиб, ушбу турдаги одамлар нисбатан узоқ вақт давомида чуқур когнитив фаолият қобилияти билан ажралиб туради. Боз устига, улар ҳам фикр юритувчи иймондилар бўлган тақдирда, улар бошқа одамларга қараганда узоқроқ ва чуқурроқ ижодлар ҳақида чуқур мулоҳаза қилиш ҳолатида қолишлари мумкин.

Бошқа томондан, экстравертлар ретикуляр шаклланиш миянинг юқори марказий нуқталарига борадиган сигнал ва стимуллари бостирадиган ёки заифлаштирадиган асаб тизимига эга. Олдинги турдан фарқли ўлароқ, бундай кишилар асаб ретикуляр шаклланишининг тушкунлигини олиб ташлайдиган янада жонли ва ҳаяжонли муҳитга муҳтожлар – ҳеч бўлмаганда бу назария тарафдорлари шундай дейишади. Экстравертлар ижтимоий йиғилишларни ва кўп сонли дўстларни афзал кўришади, чунки улар рағбатлантиришга, аҳволни ўзгартиришга ва доимий мулоқотга муҳтожлар. Улар ёлғизликни ёқтирмайдилар, китоб ўқишга мойил эмаслар ва икир-чикир ишларга тоқат қилмайдилар. Улар кўпинча яшаш жойларини, ишларини, овқатларини, дўстларини ва ҳатто турмуш ўртоқларини ўзгартирадилар. Улар ҳис-туйғуларини яширмайдилар ва шафқатсиз бўлишлари мумкин. Улар забти тор кишилар, лекин тезда кечирадилар, узоқ вақт диққатни жамлашни талаб қилмайдиган фаолиятни афзал кўрадилар ва улар бир хилликни ёқтирмайдилар. Илмий тажрибалар шуни кўрсатдики, экстравертлар кўпроқ хатоларга йўл қўйишади ва уларнинг ақлий ёки жисмоний фаолиятдаги диққатни жамлаш даражаси интровертларга қараганда пастроқдир.<sup>2</sup> Бундай ҳолда, гарчи экстравертларнинг иймони ва садоқати ўхшаш бўлса-да, асабий тузилиши туфайли улар чуқур ва узоқ муддатли ақлий эътибор-диққатни қаратиш ва когнитив фаолиятга нисбатан камроқ сабр-тоқатли бўлишлари мумкин. Агар биз интровертларнинг мулоҳаза қилиш бўйича экстравертларга қараганда юқори даражада эканликларини ҳисобга олсак ҳам, бу сўзсиз экстравертларнинг мавқеи пастроқ дегани эмас. Дарҳақиқат, асаб ва руҳий тизимлари туфайли улар кишилар орасида фаол иштирок этиш, дўстлашиш қобилияти ёки омма олдида гапириш зарурати талаб қилинганда Исломий интилишларда интровертлардан ошиб кетиши мумкин. Қандай бўлмасин, аксарият кишилар ушбу икки тур ўртасида жойлашган ва уларнинг сони аста-секин иккала қарама-қарши томонга ҳам камайиб бормоқда.



## МУШОҲАДА ҚИЛУВЧИНИНГ ҲИССИЙ ВА АҚЛИЙ ҲОЛАТИ

Мулоҳаза чуқурлигига таъсир қилувчи учинчи омил психологикдир. Аслида, мушохода вазмин онг ва хотиржамликни ҳамда психологик ва жисмоний сихат-саломатликни талаб қилади. Жисмоний соғлиқ, шубҳасиз, чуқур фикр юритишни кучайтириш учун асосий аҳамиятга эга. Кўриниб турибдики, касал одам, ортикча овқатланиш ёки гиёҳвандликка мойил бўлган одам ўзининг руҳий ҳолатини юқори даражадаги мулоҳаза қилишга еткиза олмайди. Мен аввал *“ОИТС Инқирози: Исломиий ижтимои-маданий Нуқтаи назар”* китобимда Исломиий турмуш тарзининг жисмоний сихатга фойдали таъсирини муҳокама қилганим учун ушбу бўлимни психологик жиҳатлар таъсирига бағишлайман.<sup>3</sup>

Хавотир, руҳий тушкунлик, васвасага тушиш, ипохондрия ёки бошқа ҳар қандай психологик безовталиқ билан азобланган иймонли юқори диққатни жамлаш билан мулоҳаза қила олмайди. Невротиклар саёз даражада фикр юритишлари мумкин, аммо психоз ва руҳий касаллик билан оғриганлар, шунингдек, оғир ақлий қолоқлик ёки қарилиқ туфайли ақли заифликдан азият чекадиганлар буни, эҳтимол, умуман қила олмайдилар. Шундай қилиб, тинч табиий ҳолат ва жиддий психоз ўртасида ҳар бир алоҳида ҳолатнинг оғирлик даражасига мувофиқ мулоҳаза қилиш қобилятига таъсир қилувчи руҳий ва ҳиссий ҳолат даражалари мавжуд.

Шубҳасиз, фикр юритувчи иймонли учун руҳий касалликка жисмоний касалликдан кўра чидаш қийинроқдир. Аслида, кўплаб мўминлар жисмоний касалликларни хотиржамроқ қабул қилишади, чунки улар бундай касалликлар чуқурроқ мураккаб қилиш ва мулоҳаза юритиш имконини беради, шунингдек, кўпроқ маънавий топиниш ва зикр қилишга ёрдам беради, деб ҳисоблашади. Бошқа томондан, ташвиш, тўлқинланиш, оғир руҳий кайфият ва оғир юрак иймонлилар мулоҳаза қилиш учун зарур бўлган хотиржамликни топишга халақит беради.

Шу сабабли, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларида Аллоҳдан у зотни ташвиш, қайғу, заифлик ва дангасаликдан асрашини илтижо қилиб сўраган эдилар.<sup>4</sup> Бугунги кунда биз психиатрик ва клиник-психологик амалиётдан биламизки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан ўзини кутқаришни илтижо қилган бу ҳиссий ҳолатлар аслида ташвиш ва тушкунликнинг асосий белгиларидир.

### АТРОФ-МУҲИТ ОМИЛЛАРИ

Тўртинчи омил – бу атроф-муҳитнинг иймонлиларга таъсиридир. У уларнинг эҳтиёжларини қандай қондириши ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилишига, шунингдек, бу эҳтиёжлар мушоҳадага қанчалик ҳалақит бериши ёки ёрдам беришига тегишли. Масалан, хушфёъл ва итоаткор хотини бўлган, ҳафтада бир неча соат университетда Қуръон талқинини ўргатадиган ва фаровон ҳаётнинг барча эҳтиёжлари қондириладиган мамлакатда яшовчи мўмин мусулмон атроф-муҳит доимий мулоҳаза ва муроқабага ҳисса қўшишини аниқлайди. Ундан фарқли ўларок, хусусий корхонада узоқ ва машаққатли соатларда ишлашга мажбур бўлиб, кўпгина вақтини тижорат ишлари ва давлат тендерларида ўтказиб, иш кунини тугатгандан сўнг, шахсий ва оилавий ҳаёт эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида новвойхонанинг ёки автозаправка станциясининг узоқ навбатларда туришга мажбур бўладиган мўминни мисол тариқасида олсак. Бундай одам, ҳатто ўз эътиқоди, асабий ҳолати ва руҳий аҳволида бошқа одамга тенг бўлса ҳам, чуқур мулоҳаза юришиш учун вақт ёки тинч муҳитни топа олмайди.

### МАДАНИЯТНИНГ ТАЪСИРИ

Баъзи Исломий ва Исломий бўлмаган маданиятларда болаларни тарбиялаш усуллари одамларга эрта болаликдан табиий ва сунъий гўзалликка муҳаббат ва тушунишни сингдиради. Улғайганларида, улар ўз вақтлари ва пулларининг катта қисмини завқланиш ва ўйлашга, гўзал манзараларни томоша қилишга ёки чиройли расмларни сотиб олишга сарфлайдилар. Бошқа томондан, ўз халқини шундай тарзда тарбиялайдиган маданиятлар борки, улар аёлларнинг жисмоний гўзаллигидан ва, эҳтимол, шеърят ва маҳаллий мусикадан бошқа ҳеч нарсаларни ўзига жалб қилмайди.

Кўпгина мусулмон жамиятларимиз иккинчи тоифага мос келиши ачинарлидир. 1930-йилларда инглизларнинг қуёш ботишини томоша қилиш учун иссиқ ҳавода ўз машиналари ва велосипедларини ҳайдаб кетаётганларини ёки такси олаётганларини Хартумдаги Нил устидаги Оқ кўприкка аниқ эслайман. Дарҳақиқат, Хартумдаги қуёш ботиши ниҳоятда гўзал табиат ҳодисасидир. Хартум бўрдек оппоқ сув олиб юрувчи Оқ Нилнинг қора тупроқ чўкиндиларини ўз ичига олган Кўк Нилга туташаган жойида жойлашган. Бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита тез дарё, гўё тенг кучга эга бўлган қора ва оқ иккита курашчи жангда учрашгандек, кўкимтир ва оқимтир сувларнинг аралашиб кетишига йўл қўймайдиган аниқ чизик билан ажралиб туради. Омдурман чангли чўли мовий осмонга жигарранг ранг бериб, асосан унинг Ғарбий қисмини қоплайдиган қуёш эса қизил-тўқ сариқ нур сочиб, ботади. Ушбу инглиз “қадр қилувчилар” сайёҳлар эмас, балки Суданни мустамлака қилган оддий кўчманчилар бўлишган. Улардан баъзилари Нилнинг Оқ кўпригига ҳар куни экскурсия қилишган ва мен суданлик томошабинлар ва такси ҳайдовчилари бу ғарбликлар томонидан фойдасиз машғулот деб ўйлаганларини кузатиб ҳайрон бўлишганини эслайман. Улар “Қуёш ботиш манзарасида улар нимани кўришади?” ва “Уларнинг пуллари шунчалик кўпки, уни қан-

дай қилиб оқилона сарфлашни билишмайди!” деб истехзо билан қўшиб қўйишган.

Бундай маданият вакиллари орасида табиий гўзалликни тушуниш қобилиятига эга бўлган ва бу ҳақда ўйлаш учун бироз вақт сарфлашга қодир бўлган айрим одамлар ўз ватандошларига жуда ғалати туюлиши мумкин. Шу муносабат билан, ўқувчи нозик ҳис-туйғулардан холи бўлмаган шундай одамлардан бири ҳақида, яъни Кўк Нил бўйидаги Руфаа шаҳарчасида яшаган амакиваччам ҳақидаги кулгили ҳикояни эшитиб хайрон бўлиши мумкин. Бир куни у пойтахт Хартумга бориш учун нарсаларини йиғди ва одатда кечикадиган поездни кутиб турди. Ўша пайтда у телефон симларида ўтирган ва одатда Суданнинг бу ҳудудда яшайдиган қушларга ўхшамайдиган жуда чиройли қушни пайкади. Унинг гўзаллиги уни шунчалик хайратда қолдирдики, қуш телефон симида бир жойдан иккинчи жойга учиб кетаётганда унга эргашган эди. Қуш учиб кетгач, у нарсаларига қайтиб, улар ўғирланганлигини аниқлади. Гарчи бу воқеа 1960-йилларда содир бўлган бўлса-да, шу кунгача Руфаадаги қариндошларим эслаганларида кулишади ва бу воқеани унинг аҳамиятсиз нарсаларга жуда қизиқишига сабаб сифатида келтиришади.

Шундай қилиб, табиий гўзалликни қадрлашни рағбатлантирадиган маданиятга мансуб иймонлилар ўз фарзандларини ҳаётнинг эстетик жиҳатларни тушуниш ва хайрат руҳида тарбияламайдиган маданият вакилларига қараганда кўпроқ мулоҳаза қилишга қодир бўлишини кутилмоқда. Қуръон, Аллоҳнинг яратганларининг гўзаллиги ва одамлар, ҳайвонлар ва қояларга нисбатан ранг ва бўёқларнинг фарқи ҳақида айтиб, айнан шу охири гуруҳга мурожаат қилади.

#### **ДИНДОРЛАРНИНГ МУШОҲАДА НАРСАСИ ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАРИ**

Олтинчи омил инсонларнинг ўзларининг мулоҳаза объекти ҳақида қанчалик таниш эканлигига ёки маълумотга эга бўлишига боғлиқ, чунки улар таниш муҳитда бўлган нарсаларни тан-

лаш ёки афзал кўришни анча осонлаштиради. Мисол учун, мен осмонга қараб, унинг ажойиб гўзаллиги, бепоёнлиги ва милтилловчи юлдузлари ҳақида ўйлаётганимда, иймонли астрономлар осмонга қараб, кўрганлари ва кўзларидан яширинган нарсалар ҳақида фикр юритадилар. Улар тарқоқ нурли юлдузлар орасида ўз чирокларини узоқ космосга ташлайдиган миллионлаб ёнаётган қуёшларни кўришади; улар биздан миллионлаб ёруғлик йили узоқликда жойлашган, бир-биридан узоқлашаётган йўлларда сониясига 40 000 милягача тасаввур қилиб бўлмайдиган тезликда ҳаракатланаётган кўплаб юлдуз туркумларини кўришади. Бундай олимлар осмонга қараб, коинот аста-секин кенгайиб бораётганини чинакам англайдилар ва куйидаги Қуръон оятини тушунишади: “Осмонни Ўз қўлимизда (қудратимиз) ила бино қилдик. Албатта, Биз уни кенгайтирувчимиз”. (Қуръон, 51:47) Улар ҳам Аллоҳнинг яратилишидаги уйғунлик бирлигини кўриб, Унинг бирлигини ҳис қилишади. Олимлар бу уйғунликни коинотда мавжуд бўлган ҳамма нарсанинг асосий муҳим тузилишини ташкил этувчи электронлар, протонлар ва бошқа субатом зарраларда кўришади. Улар, замон ва макон битта физик унсурга бирлаштирилган, масса ва энергия эса битта электромагнит ҳодисанинг икки жиҳати деб биладиган Эйнштейн назарияси таъсири остида ҳам буни кўришади. Агар биз ушбу астрономлар каби бир хил даражадаги иймон, диққатни жамлаш қобилияти ва юрак ҳолатига эга бўлсак ҳам, улар чуқурроқ билимга эга бўлишлари сабабли, биздан кўра мулоҳаза қилишда анча юқори даражасига эришган бўлар эдилар.

Фритъоф Капра “*Физика Даоси*” китобидан олинган куйидаги парчада қисман физика бўйича мутахассис сифатида олган билимлари туфайли бошдан кечирган чуқур фикрлаш ҳиссиётни тасвирлайди:

*Ёз кунларининг бирида мен океан бўйида ўтириб, яқинлашиб келаётган тўлқинларни кузатиб, нафас олиш маромини ҳис қилган эдим ва бирданига, буни сезмай, атрофимдаги ҳамма*

*нарса улкан космик рақсда иштирок этаётганини англадим. Мен физик сифатида қум, тошлар, сув ва ҳаво тебранувчи молекулалар ва атомлардан ташкил топганлигини, бу жисмларнинг барчаси бошқа зарраларни яратиш ва йўқ қилиш орқали бир-бири билан ўзаро таъсир қилувчи зарралардан иборат эканлигини билар эдим... Буларнинг барчаси менга юқори энергия физикаси соҳасидаги тадқиқотлардан таниш эди, аммо шу пайтгача мен бунга фақат диаграммалар ва математик назариялар таъсири остида тушунар эдим. Мен қирғоқда ўтирар экан, тўпланган тажрибам космосдан тушаётган энергия оқимларини “кўриш” орқали жонлангандай туюлди... Мен бутун космик рақсда иштирок этадиган унсурларнинг атомларини ва танамни ташкил этганларни “кўрар эдим”... Мен унинг маромини ва овозини эшитар эдим.<sup>5</sup>*

#### **ИБРАТ ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Киши дўстининг динидадур, шундай экан, бас, сизлар кимни дўст тутганига қаранглар”, дедилар.<sup>6</sup> Яхши намуна ва дўстона муносабатларнинг таъсирини аниқлаштиришга муҳтож эмас. Диннинг тушунтиришлари, оддий одамларнинг кузатувлари ва замонавий илмий тажрибага оид ижтимоий психология бунга шу даражада тасдиқладикки, бу шакл-шубҳага ўрин қолдирмайдиган хулоса бўлиб қолди. Ёмон ўрнак жиддий тўсиқ бўлгани каби, ибрат ва яхши ўртоқлик муносабатлари ҳам диндорнинг мушоҳада чуқурлигига таъсир қилувчи энг муҳим омиллардан биридир. Айнан шу сабабли шогирд (*мурид*) маънавий устози (шайх) тимсолида хотиржам қалб даражасига (*нафси мутмаинна*) етган мўмин билан мулоқот қилишдан катта фойда олиши мумкин. Дарҳақиқат, донишманд билан дўстона муносабатларнинг маънавий таъсири унинг шогирдининг дунёқарашини жиддий ўзгартириши ва Исломиий мувоқофа қобилятини яхшилаши мумкин.

Биз юқорида тушунтирганимиздек, соғлом фикр юритиш инсоннинг барча когнитив ва ҳиссий томонларини қамраб олади, анча чуқурроқ, янада юксак ва кўпроқ давомли бўлади. Шунингдек, бу жараёнда мўминлар атрофидаги бўлган ҳар бир нарсада Аллоҳнинг куч-қудратини, ҳикматини, раҳм-шафқатини ва бошқа барча сифатларини ҳис қилиш даражасига етгунларича Аллоҳни зикр қилишади ва ҳамд қиладилар. Ибн ал-Қоййим ўзининг “*Мадорижус Соликийн*” асарида бу ҳолатни тасвирлар экан, шундай дейди:

*Иймонлининг чуқур ва узоқ муддатли мулоҳазаси унинг олдида илоҳий дарвозаларни очиб берадики, улар орқали у Азийм ва Алий Худони кўради, гўё У осмон устида курсисида ўтириб, Ўз яратганларини томоша қилади, уларнинг овозларини эшитади ва уларнинг ички дунёларини кўради. Кейин диндорнинг олдида абадийлик дарвозалари очилади ва улар орқали у барча коинот жараёнлар ва мавжудлик ҳодисалари ягона Аллоҳ Таолода эканлигини кўради. Сўнгра, Аллоҳнинг ҳар қандай яратилганини кузатиб, унда Қудратли Яратувчининг изини, Унинг мукамал сифатларини ва Унинг буюклигининг намоён бўлишини кўради. Унинг яратганларидан ҳеч бири иймонлини Яратгувчисидан яшира олмайди. Яратилганларнинг ҳар бир зарраси топинувчига мурожаат қилади: “Ҳамма нарсани энг гўзал шаклда яратган зотнинг олдидаги менинг гувоҳлигимни тингланг. Мен ҳамма нарса-ни энг яхши тарзда яратган Аллоҳнинг ижодиман...” Бу рўй берганда, мўминнинг юрагида Аллоҳ Таоло ҳақидаги фикрлар ва ҳис-туйғулардан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Ўшанда худди қуёшдан нур сочганидек унинг қалбидан илм, ҳақиқат ва муҳаббат нури тарқалади.<sup>7</sup>*

Ҳеч шубҳа йўқки, Ибн ал-Қоййим қуёш нурига ўхшатган бу нур ҳам шундай мўминлар билан учрашган, улар билан дўстлашган ёки уларнинг шогирди бўлган ҳар бир кишини нурлантиради ва қамраб олади.

## **МУШОҲАДА НАРСАЛАРИ ТАБИАТИ**

Мушоҳада чуқурлигига таъсир қилувчи саккизинчи омил бу мулоҳаза ва муроқабат объектларининг табиати. Мен аввал одамларнинг тоғлар, дарёлар ва ўрмонлар каби табиий яратилишлар ҳақида ўйлаш қанчалик осон эканлигини, Аллоҳнинг неъматини сифатида инсон ихтиролари ҳақида фикр юритиш билан солиштирганда тушунтириб бердим. Бунинг сабаби шундаки, ихтиролар табиий нарсаларга қараганда анча мавҳум тушунчага муҳтождир. Бундан ташқари, баъзи табиий ҳодисалар бир зумда фикрларни ёки кучли ҳис-туйғуларни рағбатлантиради, инсон танасининг психологик ва маънавий жиҳатларига таъсир қилади ва одамларнинг қалби ва онгига таъсир кўрсатади. Масалан, кўзни қамаштирадиган чакмоқнинг чакнаши, гулдурловчи момақалдинок, шаррос ёмғир ёки шамол шовқини – буларнинг барчаси инсон қалбининг маълум бир таъсир кўрсатади ва инсонни Аллоҳдан кўрқиш ҳисси ва Унинг раҳмати ҳақида осонгина мулоҳаза қилишга ундайди. Қуръони Каримда шундай айтилади: “У сизларга чакмоқни хавф ва тамаъ қилиб кўрсатур ва оғир булутларни пайдо қилур. Ва момақалдинок Унинг ҳамди ила тасбиҳ айтадир ва фаришталар ҳам Ундан кўрққанларидан (ҳамду тасбиҳ айтурлар)...” (Қуръон, 13:12-13)

Бошқа томондан, сунъий табиатга эга бўлган кишининг технологик ихтиролари каби ҳодисалар ёки табиатлар ниҳоятда мавҳум бўлган айрим ҳодисалар ҳақида ўйлаш қийин. Фаразий ёки мавҳум табиати туфайли улар замон ва макон доирасидан ташқарида бўлиб, ўртача ақлий қобилиятга эга бўлган одам учун уларни тасаввур қилиш ёки тушуниш мураккабдир. Бундай ҳодисаларга мисоллар аввал берилган.

## **МУШОҲАДА НАРСАЛАРИ БИЛАН ТАНИШЛИК**

Мулоҳаза объектларини билиш ва тушуниш чуқурроқ фикр юритишга ҳисса қўшиши мумкин бўлса-да, шунини таъкидлаш



жоизки, бунинг акси ҳам ҳақиқат бўлиши ажабланарли эмас, яъни объект билан ҳаддан ташқари танишлик у ҳақида ўйлашга тўсқинлик қилиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бир зайлдаги такрорлаш буюк космик ҳодисаларни ҳашамати ва улуғворлигидан маҳрум қилади. Бошқача қилиб айтганда, нега биз ҳар куни эрталаб қуёш чиқишини кўриб, бу ҳодисага хос бўлган улуғворликнинг барча аниқ оят-белгилари билан ҳаяжонланмаймиз? Нега биз ҳар куни Аллоҳнинг ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар ва балиқлар каби ижодларини кузатганимизда ва улардан фойда кўрганимизда, қалбимиз Аллоҳга бўлган камтарлик ва муҳаббат билан тўлиб тошмайди?

Ибн ал-Жавзийнинг ушбу танишлик ва янгилик ҳодисаларини тасвирланган сўзларидан иқтибос келтириш қизиқ. У Маккага узоқ ҳаж пайтида Ҳайбарнинг улкан тоғларини кўриб, қандай қилиб чуқур таъсир қилганини ва Аллоҳга чуқур итоаткор севги ва Уни эҳтиром билан эътироф этиш туйғусини фақат тоғлар ҳақида мулоҳаза қилгандан кейингина бошдан кечиргани учун ўзини танбеҳ берганини айтиб берди. Кейин у худди шундай чуқур ҳаяжонни ҳис қилмасдан тез-тез кузатиб турадиган катта денгизлар, осмонлар ва юлдузларни эслай бошлади. Ибн ал-Жавзий ўз тажрибасини мана шундай таърифлаган:

*Маккага ҳаж чоғида бадавий қароқчилардан бироз қўрқар эдим, шунинг учун Ҳайбар орқали йўл олдим. Мен маҳобатли тоғларни ва ажойиб сўқмоқларни кўрдим, барчаси қойил қилиб кўринарди. Менинг юрагим Яратгувчининг улуғлигини англаш билан, мен илгари ҳеч қачон бошдан кечирмаган туйғу билан тўлиб-тошган эди. Мен ўзимга бақирдим: “Уялмайсанми! Денгизга бориб, унинг ажойиб гўзаллигига қалбингнинг кўзлари билан қаранг, шунда янада буюк мўъжизага гувоҳ бўласан. Сўнгра коинотни томоша қил ва у сенга етти осмон ва орбитага нисбатан чўлда қум донасидан бошқа нарса эмасдек туюлади. Бундан кейин орбиталарни ва Аллоҳнинг курсисини, Жаннатни ва Дўзахни тасаввур қил...*

*Кейин эса ҳаммасини қолдириб, буларнинг барчаси Аллоҳ Таолонинг қудрати остида эканлигини кўриш учун ўгирилиб қараки, Унинг куч-қуввати чегара билмайди. Шундан сўнг, ўзингга мурожаат қил, туғилишингни эсла ва якуний натижа-жанг ҳақида ўйла. Боиланишдан олдин нима бўлганини ҳам ўйлаб кўр – ҳеч нарса йўқ эди; охирида эса нима бўлишини ўйлаб кўр – фақат чанг ва кул қолади. Агар қалбининг кўзлари бошини ҳам, охирини ҳам кўрса, инсон бу дунёда ўзини қандай хотиржам ҳис қилиши мумкин? Қандай қилиб қалби сезгир одам Аллоҳни зикр қилишда бепарво бўла олади? Қасам, агар одамларнинг руҳ ва қалблари ўз хаёлларидан юз ўгирса, улар Аллоҳдан кўрқшидан эриб қолар эдилар ёки Унга бўлган меҳр-муҳаббатдан бошларини йўқотар эдилар. Бироқ, ҳис-туйғулар шунчалик хиралашганки, Аллоҳнинг куч-қудрати фақат тоғларни кўриш орқали англаб етса бўлади. Ҳолбуки, одамлар буларнинг барчасининг маъносини англаш учун етарли доноликка эга бўлсалар, унда бу тоғ мисолида намоён бўлган Аллоҳнинг қуввати тоғнинг ўзидан кўра сезиларли бўлар эди”.*<sup>8</sup>

Атрофимиздаги муҳит билан қанчалик яхши таниш бўлсак, кўзларимиз ва онгимизга осилган парда шунчалик қалинроқ бўлади. Ўшанда биз бу ҳодисаларнинг муҳим жиҳатларини кузатишни ёки эслашни тўхтатамиз. Аслида, инсоннинг тана-си, туғилиши ва руҳи ҳақида ўйлашига тўсқинлик қиладиган мана шу танишлик пардаси бўлиши мумкин. Чиндан ҳам, асрлар давомида одамлар деярли барча атроф-муҳитни ўрганиш имкониятига эга бўлдилар, геология, кишлок хўжалиги, кимё, астрономия, механика ва ишлаб чиқариш технологиялари, ҳарбий санъат ва бошқалар бўйича катта билимларга эга бўлдилар. Шунга қарамай, гарчи инсоният моддий ва биологик тадқиқотларда катта ютуқларга эришган бўлса-да, психология ва жамиятшунослик каби ижтимоий фанлар ҳали ҳам орқада судралиб қолмоқда. Бунинг сабаби, бир томондан, қисман бу

ижтимоий фанлар инсон руҳи жиҳатини бутунлай рад этган бўлса, қисман моддий фанларида қўлланиладиган услубиятларга беъмаъни тақлид қила бошлаганлиги ва уларнинг тадқиқотлари моддий ва биология фанларидан фаркли ўлароқ кейинчалик бошланганлигидир.

Ушбу бобда биз мулоҳаза юритиш чуқурлигига таъсир қилувчи асосий омилларни кўриб чиқдик ва шу тариқа мўмин мусулмоннинг ақлий, психологик ва маънавий жиҳатларини интерфаол муҳокама қилишга яқинлашдик. Кейинги қадам бу омилларнинг нисбий аҳамиятини баҳолашдан иборатдир.

Шаксиз, ҳар қандай жиҳатнинг аҳамияти фикр юритувчиларнинг ўзлари дуч келадиган ҳолатлар билан белгиланади. Баъзи ҳолларда, агар диндорлар яхшироқ психологик ва ҳиссий ҳолатда бўлсалар, мушоҳада сезиларли даражада чуқурлашади. Бошқа ҳолларда, шовқинли шаҳарни узоқ ва тинч жойга тарк этган тақдирда мусулмонлар учун мулоҳаза юритиш анча осонлашади. Шунга қарамай, мушоҳада чуқурлигига таъсир қилувчи асосий омил иймондир. Иймоннинг чуқурлиги ва Аллоҳга яқинлик мулоҳазанинг негизидир; бошқа унсурлар фақат иккинчи даражали жиҳатлар бўлиб, уларнинг аҳамияти иймон кучи билан белгиланади. Замоनावий олимлар, хусусан, неомутазилийлар деб аталадиганлар, бугунги кунда биз аجدодларимиздан ёки ҳатто Пайғамбарнинг саҳобаларидан кўра Аллоҳнинг яратганлари ҳақида ўйлашга қодирмиз, деганларида ҳақиқатдан йироқ, чунки, замонавий илм-фан ва технологиядаги жиддий ютуқлар туфайли биз нарсаларнинг табиати ҳақида кўпроқ биламиз. Чиндан ҳам, мўминлар атроф-муҳитида кузатадиган ва ҳис қиладиган ҳар бир нарсанинг ҳақиқий таъсири, нарсаларнинг табиати ҳақида билган ёки ўрганган нарсаларидан кўра, уларнинг иймонлари ва Аллоҳга бўлган итоаткор севгисининг чуқурлигига боғлиқ. Мушоҳада – бу билим томонидан тасдиқланган ҳақиқатларни совуқ тан олиш эмас, балки иймонлиларнинг коинотдаги Аллоҳнинг мукамал ва ҳайратланарли ижодларини амалга оширишдан келиб чиққан ҳис-туй-

ғулари таъсирида бўлган илиқ ҳиссий ҳолатдир.

Юқорида айтилганларнинг мавҳум ва жуда соддалаштирилган суратини ушбу параметрларни мулоҳаза қилувчи мусулмоннинг шароитларига қараб кўпаядиган ёки камаядиган бир хил ўлчов бирликлари ёрдамида ўлчаш мумкин деган тахмин шаклида тақдим этилиши мумкин. Агар биз иймон омилига “И” рамзини берсак, диққатни жамлаш қобилиятига “Д” рамзини, мулоҳаза объекти ҳақида мўминнинг билимига “Б” рамзини, мулоҳаза объекти хусусиятларига “Х” рамзини ва ҳоказоларни белгиласак, у ҳолда мушоҳада чуқурлиги иймон омилининг бошқа параметрларнинг ҳар бирига таъсирига боғлиқ бўлади. Буни соддалаштирилган тенглама сифатида кўрсатиш мумкин:

$$\text{Мушоҳада чуқурлиги} = \text{И} (\text{Д}+\text{Б}+\text{Х}+\dots)$$

Ушбу тенглама шуни кўрсатадики, иймон омилининг ортиши мушоҳада чуқурлигининг ошишига олиб келади, чунки бу омил бошқа барча омиллар билан ўзаро таъсир қилади. Бироқ, бошқа омиллар кўпайганда, улар мушоҳада чуқурлигига рақамларни қўшув ва уларни кўпайтириш ўртасидаги фарқга ўхшайдиган фақат чекланган кўшимча таъсир кўрсатади. Худди шундай, “И” иймон омили сифрга тушганда, яъни тўлиқ ишонмасликка (ёки куфрга) тўғри келганда, бошқа омиллар қанчалик катта бўлмасин, фойдасиз бўлиб қолишади, сабаби деганда ҳар қандай рақамни сифрга кўпайтириш натижаси сифрга олиб келмоқда. Шу боис, Пайғамбарнинг саҳобаларининг иймони билан таққосланадиган даражадаги иймонга эга бўлганлар, заиф одамлар томонидан амалда эришиб бўлмайдиган мулоҳаза чуқурлигига эришиш учун атрофдаги нарсалар ҳақида кам маълумот ва жуда оз вақт керак бўлади. Келинг, буни рақамлар билан ифодалайлик. Агар мусулмон 10 бирликка заиф иймонга эга бўлса, лекин мулоҳаза объекти ҳақида кенг маълумотга эга бўлса, вақт ва хотиржамлик ҳамда бошқа фазилатларга эга

бўлиб, буларнинг йиғиндиси 100 бирликни ташкил этадиган бўлса, унда унинг мушоҳада чуқурлиги 1000 бирликка тенг бўлади. Шунга қарамай, камроқ билимга эга ва озроқ вақтга эга бўлган киши фикр юритиш бирликларининг атиги ярмини, яъни 50 бирликни олиши мумкин, аммо унинг иймони кучлироқ бўлганда, масалан 100 бирлик, шу сабабли унинг мушоҳада чуқурлиги 5000 бирликка етади. Бу эса аввалгисидан беш баравар кўпдир! Табиийки, иймон ва мулоҳаза каби маънавий ва диний жиҳатларни бундай оддий ва юзаки ҳисоблаш ва тенгламага дучор қилиб бўлмайди. Бу мен кўриб чиққан масалага оидинлик киритиш учун китобхонлар билан баҳам кўришни кизиқарли деб топган шунчаки оддий мисол.

Умид қиламанки, ушбу гўзал ибодат шаклининг амалиётини такомиллаштиришни ва чуқурроқ мулоҳаза юритиш даражасига эришишни истаган ўқувчилар мен берган тушунтиришлардан фойда кўришади. Улар Аллоҳ томонидан берилган ижобий табиий қобилиятларини, маънавий истеъдодларини ва бошқа қобилиятларини ўрганишлари ва улардан барча фойда олишлари ва шу билан уларнинг психологияси ва қалбида чуқур илдиз отиб, одатий мунтазам машғулотга айланмагунча фикрлаш доирасини кенгайтиришлари мумкин. Шунингдек, кейинчалик уларни олдини олиш мақсадида уларни фикрлашдан чалғитадиган омиллар ва одатларни кашф этишга ҳаракат қилишлари зарур. Агар одамлар самимий ва дадил бўлсалар, улар Аллоҳ Таолога сажда қилиш ва Унинг яратганлари ҳақида фикр юритиш йўлидаги барча тўсиқларни енгиб ўта олишади. Сурункали муаммоларнинг ҳар доим ижодий ва кутилмаган ечими мавжуд. Мисол учун, ҳар доим Аллоҳни мулоҳаза қилиш ёки зикр қилиш учун вақт етишмаслигидан шикоят қиладиган яқин ва жуда банд дўстим тўсатдан кунига икки соат иш жойига бориш ва қайтиб келиш учун вақт сарфлаётганини пайқаб қолди. Бунга англаб етгач, у бу вақтни Аллоҳ ҳақида фикр юритиш ва зикр қилиш учун ишлатишга қарор қилди, бу эса ўз навбатида нафақат ўз вақтидан самарали фойдаланишга имкон берди,

балки узоқ сафар ва йўлдаги ифвогарликлари билан боғлиқ ҳар хил ташвиш ва қаттиқ ҳаяжонлардан халос бўлишга ёрдам берди.

Гарчи ушбу бобда биз мўминлар ўртасида шахсий фарқларга олиб келадиган энг муҳим омилларни кўриб чиққан бўлсак-да, ҳар бир диндорнинг ўз шароитлари ва шахсий ҳаётий тажрибаси борлиги аниқ, бу эса ўз навбатида бутун мушоҳада жараёнига маълум даражада таъсир қилмоқда.

## САККИЗИНЧИ БОБ

---

### Экспериментал фан ва дин: космик қонунлар

Агар Исломнинг мушоҳадага тайинлаган юксак мавқеини инобатга олсак, қалблари, қулоқлари, кўзлари ва онглари Аллоҳнинг аниқ оят-белгиларига кўр ва қар бўлганларнинг, гарчи бу аломатлар бутун коинотда кечаю кундуз кўринса-да, қайғули ҳолатини тасаввур қилишимиз мумкин.

*“Улар осмонлару ердаги қанчадан-қанча оят-белгилар қаршисидан юз ўгирган ҳолларида ўтадилар”. (Қуръон, 12:105)*

Бундай инсонларнинг баъзилари Аллоҳнинг аломатлари тўғрисида уларни модда, энергия ва биология билан боғлаб, кашф этган қонунлар орқали билимга эга бўлишлари мумкин. Бироқ, бу билим уларга юзаки ташқи жиҳатлардан ташқарига чиқишга ёки мўъжизавий ижодларни англашдан Яратувчисига ишонишга ўтишга имкон бермайди. Қуръони Каримда ушбу тоифадаги инсонлар қуйидагича тасвирланган:

*“Улар бу дунё ҳаётининг зоҳирини билурлар. Ҳолбуки, улар охиратдан гофилдирлар”. (Қуръон, 30:7)*

Бу кузатиладиган жисмоний, руҳи-ижтимоий ва биологик ҳодисалардан Яратувчига ўтиш мусулмон бўлмаган амалиётчи олимларнинг амалиёти ва мусулмон мулоҳазаси ўртасидаги асосий фарқни белгилайди. Дарҳақиқат, ташқи муҳит ҳақида ўйлашни ўз ичига олган мулоҳазанинг дастлабки босқичлари эшитиш, кўриш, ҳид, таъм ва тегиниш органларидан фойдаланган ҳолда онгли ва синчковлик билан кузатишга асосланади, бу

эса ўз навбатида илмий ёндашувнинг дастлабки босқичи сифатида қўлланиладиган кузатиш усулига ўхшайди. Экспериментал (илмий тажрибага оид) фанда фақат кузатувга асосланган эмпирик (тажрибадан олинган) маълумотлар қабул қилинади; сўнгра, олинган натижалар умумий қоидаларни ва фаразларни чиқариш учун ва амалда қўллаш учун ишлатилади. Худди шундай, ўз фаразларини тасдиқлаш учун амалиётчи олимлар такрорий кузатиш ва тадқиқотларга қайтадилар. Л. Малпас ўзининг “*Инсон хулқ-атвори*” китобида Алфред Норт Уайтхед экспериментал фанни кузатувнинг мустаҳкам пойдеворидан парвоз қилиб, умумлашма ва назарияларнинг сийрак ҳавосига учиб, фақат кузатиш ва ҳислар орқали идрок этиш асосида яна қўнадиган аэропланга қандай ўхшатишини эслатиб ўтади.<sup>1</sup>

Муслмонларнинг коинот ҳақидаги мушоҳадаси ва амалиётчи олимларнинг изланишлари ўртасидаги яна бир ўхшашлик шундан иборатки, улар дастлабки кузатувларида ўрганилаётган нарсаларда турли хил ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган таркибий қисмларни топишга ҳаракат қилмайдилар, аксинча, вазифаларини тартибга соладиган қонунлар каби умумий ва доимий жиҳатларни излашади. Бунинг сабаби шундаки, эътиқоддан қатъий назар ва табиатан кишилар бетартиблик ва ноаниқликдан қочишади, шунингдек, улар доимо дуч келадиган сон-саноксиз турткиларни тушунтиришга ҳаракат қилиб, тартиб ва равшанликни сақлашга мойилдирлар. Ҳатто тугалланмаган ёки ноаниқ шаклларни оддий ҳиссий идрок этишда ҳам, лаборатория тажрибаларида одамлар доира, учбурчак ёки маълум бир мамлакат байроғи ёки муайян уюшма рамзи каби бошқа ҳар қандай таниш тасвирни олиш учун ўзбошимчалик билан фигуранинг, белгининг бўшлиқларини ёки тушунарсиз қисмларини тўлдиришга ҳаракат қилишди. Одамларга хос бўлган, тасвирларни ҳис-туйғулар иштирокида идрок этишга, бу тасвирларни алоҳида қисмлар сифатида қабул қилишдан кўра, маълум бир шакл беришга мойиллиги, немис психологларини “гешталт” деб номланувчи (“яхлит тасвир” деган маънони англатувчи немис атамаси) психологик қарашни белгилашга ундаган ходисадир.



Худди шу ҳодисани одамлар бошқа ҳис-туйғулар ёрдамида ёки муаммоларни ҳал қилишда, мавҳум фикрлашда ва тушунчаларни шакллантиришда фойдаланадиган юқори ақлий қобилиятлари орқали нимани идрок этишларини тушунишга ҳаракат қилишлари билан кузатиш мумкин. Масалан, одамлар нигоҳларини коинотга қаратганда, улар беихтиёр атрофдаги барча ҳодисаларни бошқарадиган қонунларни излай бошлайдилар, шунда улар бу тартибли тизимда пайдо бўлишини тахмин қила оладилар ва шу билан бу умидсиз ноаниқликни тугадиладар.

Иймонлиларнинг қалблари, биринчи навбатда, улар Аллоҳнинг яратганларини тартибга солувчи Илоҳий қонунлардан ўрганадиган сирлардан, бу майда чумолининг кимёвий тилини кашф этишми ёки катта сайёра орбитасини очиш бўладими, ҳаяжонга тушадилар. Худо барча инсонларнинг қалбига жойлаб қўйган бу туғма қобилият бугунги кунда кўплаб олимларнинг деярли диндорлар каби ўйлашлари ва гапиришларига сабаб бўлса керак. Масалан, америкалик биология профессори Сесил Хаманн Балтимор зарғалдоқ ҳақида шундай дейди:

*Балтимор зарғалдоқ уяси ҳақида нима дейиш мумкин? Қушга бу нозик маҳоратни ким ўргатган? Нима учун бу қушлар қурган барча уялар деярли бир хил? Агар сиз инстинкт десангиз, демак бу саволдан қочишининг бир усулидир, чунки саволга бу тўлиқ жавоб бўлмайди. Инстинкт нима? Баъзи кишилар бу ҳайвонлар ўрганмайдиган хатти-ҳаракатлар деб айтишади. Шундай экан, биз деярли ҳеч нарса билмайдиган қонунларга мувофиқ яратган бу мавжудотларда Худонинг қудратини тасаввур қилиш мантиқан тўғри эмасми?*<sup>2</sup>

Мусулмон уламолари илк Ислом давридан бошлаб ўз мулоҳазаларида нима ёзганликлари ҳақида ўқиганимизда, уларнинг аниқ кузатувларини, айниқса, замонавий олимларга маълум бўлган нарсаларга нисбатан осонгина ҳайрон бўлиши-

миз мумкин. Мисол учун, қушлар мавзусини давом эттирсак, Ал-Ғаззолий ўзининг “*Ал-Ҳикма фи Махлукот Аллоҳ*” асарида қушларнинг илмоқли яратилишини кузатишлар ҳақида батафсил фикр юритган, бу эса замонавий олимларнинг тавсифига жуда мос келади:

*Билинги, Аллоҳ сизга барака ёғдирсин, Қудратли Тангри қушни яратди ва унга оғирлик қиладиган ҳеч нарса бермасдан учишини осонлаштириши учун уни енгил қилди... У қушларнинг панжаларини яратди, лекин қўлларини яратмади, панжаларидаги терини қўпол қилди ва қушлар сув ва лой бўлган жойларга қўниши учун панжаларга пухта ўйлаб қилинган шакл берди... Агар уларнинг панжалари патлар билан қопланган бўлса, улар намлик ва лой туфайли шикастланган бўлар эди... Буларнинг барчаси қушга парвозда ёрдам беради. У парвозни енгиллаштириши учун кўкрак қафасини ярим доира шаклида яратди... ва қанотларнинг юмалоқ учлари ҳам худди шу тарзда ясалган... Аллоҳ Таоло қанотларнинг қўпол терисига мос келиши учун патларнинг илдизларини мустаҳкам қилиб қўйди ва тўғрига тўқиб чиқарди... Ушбу патлар туфайли қуш иссиқлик ва совуқдан ҳимояланган. У қанотларни маҳкам ўрнашган жуда кучли патлар билан таъминлади, чунки бу энг муҳим қисм; тананинг қолган қисми эса иссиқлик, ҳимоя ва гўзаллик учун ҳар хил енгилроқ патлар билан қопланган... Кейин битта пат ҳақида ўйлаб кўринг, шунда сиз унинг ингичка иплардан матога ўхшаб тўқилганлигини, биргаликда қаттиқ турадиган даражада кучли ва синмайдиган даражада эгилувчан эканлигини тушунасан. Патлар ичи бўш, бу учишини осонлаштиради, улар сув ва кирдан қўрқмайди. Агар уларга сув тушса, уларнинг осон силкитиши намлик изларини олиб ташлайди ва қуш яна енгил бўлади. Қодир Тангри унинг вазнини камайтириши учун тухум туғиши ва экскреция учун унинг танасида битта чиқиш тешигини берди. Шунингдек, У қушнинг танаси-*

*ни тухум туғиши, аммо наслини кўтариб юрмаслик тарзда ташиқил қилди, зеро бу қушни парвозда жуда оғир қилади. У қушнинг барқарор учишига ёрдам бериши учун дум патларини яратди, акс ҳолда парвоз пайтида қанотлари ўнгга ва чапга тортар эди, шунинг учун дум “кеманинг” барқарор ҳаракатланишига ёрдам берувчи руль вазифасини бажаради.<sup>3</sup>*

Бу мисол шуни кўрсатадики, чуқур, маънавий асословчи мулоҳаза ана шундай илк мусулмон олимнинг қушнинг яратилиши ва унинг хусусиятлари ҳақидаги фикрларини гўё аэродинамика соҳасидаги замонавий мутахассис сифатида ифодалаш учун унинг тушунчаси ва билимини уйғотишга қодир. Қушлар чиройли, нафис ижод бўлиб, улар ҳамиша осмонда силлиқ учиш қобилияти билан одамларни ҳайратда қолдирганларки, шунда одамлар қушларга тақлид қилишга ҳаракат қила бошладилар ва охир-оқибат самолётни яратдилар.

Биз кўриб чиқмоқчи бўлган кейинги мавжудотлар бу майда чумолилардир. Қуйидаги парча Мустафо Маҳмуднинг ушбу ажойиб хашарот ҳақидаги сўнги илмий тадқиқотларидан қисқача тавсифи:

*Битта кичкина чумоли устида бир лаҳзалик фикр юритиши ҳайрон қолиши учун кифоя қилади. Чумоли ўтиши жойлари, турар жойлари ва омборхоналар билан мураккаб геометрик шаклдаги уйлар қуришни қандай қилиб ўрганди? Чумоли қандай қилиб ихтисослаштириши ва вазифалар аниқ тақсимланган жамоага киради? Қандай қилиб у бошқа хашаротларни овлашни ва ҳатто уларни боқниши ўрганди? Уюшган жамоадаги жуда кўп сонли чумолилар ўртасидаги алоқа уларнинг қандайдир тилдан фойдаланишини англатади. Ушбу соҳадаги сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чумолилар бир-бири билан оғзаки тил ёки белгилар тили билан эмас, балки кимёвий тил билан алоқада бўлишади. Чумолиларнинг вақти-вақти билан қандай учраишини ва маълумот алма-*

ишини пайқаш учун чумоли инини кузатиши кифоя – бу энгил тегиниши ёки пичирлашига ўхшайди... Аслида, ҳар бир чумоли бошиқа чумолининг оғзига кимёвий таркиби маълумотни олиб берадиган тупукни сачратади. Масалан: “Қани, буни ёки шуни қилайлик...” Чумолиларга хос бўлган, биз уни ақл деб атай олмайдиган, лекин у зийраклик мавжудлигига жуда ўхшайдиган яна бир хусусият бор... Чумоли донлар, увоқлар ва сарқит каби озиқ-овқатни гамлайди ва кейин яқинлашиб келаётган қишига тайёргарлик кўриши учун уни душманлардан ҳимоя қилади... У буни шароитлари ва эҳтиёжлари билан келажак учун ҳеч нарсани ўйлаш ёки режалаштириши қобилиятига эга бўлмасдан қилади. Буларнинг барчаси қандай содир бўлади?4

Агар биз ушбу тавсифни мусулмон олимларининг дастлабки давридаги мулоҳаза самаралари билан таққосласак, улар бизнинг замонамиз олимлари сингари аниқ кузатувларни олиб борганликларини билиб оламиз. Али Ибн Абу Толиб “Наҳжул Балоға” асарида чумоли ва чигирткани шундай тасвирлаб берган:

*Кичкина танаси ва ингичка шакллари билан чумолига қаранг. У ер бўйлаб ҳаракатланаётганда ва озиқ-овқат учун курашаётганда уни кўриши ёки тасаввур қилиши қийин. У донни ўз турар жойига судраб олиб, ўша ерда яширади. У қишига тайёргарлик кўриши учун ёзда қўр-қут гамлайди, заифлик вақтида дам олиши учун куч даврида ишлайди. Унинг озиқ-овқати унинг эҳтиёжларига қараб таъминланади. Аллоҳ Карийм, чумолини унутмайди, у қуруқ тошда ёки ҳаракатсиз қояда бўлса ҳам (Аллоҳ Раззоқ) уни овқатдан маҳрум қилмайди.*

Агар сиз унинг ошқозон-ичак трактининг юқори ва пастки қисмларида, қорнидаги қалқонча, бошида жойлашган кўзлари ва эшитиши органларини тасвирламоқчи бўл-

сангиз, буларнинг барчаси қанчалик мураққаб яратилганига ҳайрон қоласиз. Чумолига у турган оёқларини бериб, уларни танасига боғлаб қўйган Зот Олийдир. Ҳеч ким У Зотга яратишга ёрдам бермади. Агар сиз тасаввур қилиб, чеккага етиб борсангиз, бу сизни муқаррар равишда хурмо дарахти Яратувчисига олиб боради, чунки ҳамма нарса бир хил нафосат ва изга эга ва тирик мавжудотлар орасида аҳамиятсиз фарқ бор.

У Зотнинг яратганлари орасида катта, нозик, оғир, енгил, кучли, заиф – барчаси тенгдир. Бас, осмон, ҳаво, шамол ва сув билан ҳам шундай. Шунинг учун сиз қуёшни, ойни, ўсимликларни, тошларни, кун ва туннинг ўзгаришини, дарё оқимларини, жуда кўп тоғ чўққиларини кўришингиз, шунингдек турли хил тиллар ва шеваларни эшитишингиз мумкин. Бундай ҳолда, Яратувчига ишонмайдиган ва Раббийни инкор этадиган одамнинг ҳолига вой. Улар ўз-ўзидан ўсиб чиққан ўтга ўхшашиликка ва уларнинг қиёфаларининг (шаклларининг) хилма-хиллиги Яратувчининг иши эмаслигига ишонишади. Улар ўзларининг қаттиқ ҳимоя қиладиган бирон бир далилларига ишончлари комил эмас, улар эшитган бирон бир тадқиқотига ишонмайдилар. Қурувчисиз бинонинг ёки қоидабузарсиз бузилишига мавжудлигига ишониши мумкинми?

Агар хоҳласангиз, чигирткалар ҳақида ҳам гапирса бўлади. Аллоҳ унга икки ойдек порлаб турган иккита қизил кўзини берди, унга майда эшитиш органларини яратди, унга мос оғиз ва ўткир ҳид ҳисси, қиймалаш учун иккита тиш ва ўроқ симон оёқларини маҳкам ушлаш учун берди. Деҳқонлар чигирткалардан галла майдонларининг душмани сифатида қўрқишади, чунки уларни биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳам қувиб чиқара олмайдилар. Чигиртка, гарчи унинг танаси ингичка бармоқдан катта бўлмаса-да, далаларга босиб кетади ва ўз хоҳиш-истакларини (очликни) қондиради.<sup>5</sup>

Ибн ал-Қоййим ўзининг “*Мифтоҳ Дорус Саодаҳ*” асарида шунга ўхшаш унинг мулоҳаза чуқурлигини ва доно кузатувини очиб берадиган тавсифни тақдим этди:

*Бу заиф чумоли ва у қандай қилиб моҳирона озиқ-овқат йиғиб, уни сақлаб қўйиши ҳақида ўйлаб кўринг. Сиз аломатларни кўрасиз ва улардан сабоқ оласиз. Озиқ-овқат қидириши учун кетаётган чумолилар гуруҳига эътибор беринг. Улар иккита жамоага бўлинган ҳолда ишлайдилар: бири озиқ-овқат уйга олиб юришади, бошқаси янгисини қидиради. Икки жамоа тўқнашмайди, лекин иккита алоҳида занжирга ўхшайди. Улар оғир нарсани топган тақдирда, бу юкни судраб боришида ёрдам бериши учун бир гуруҳ келади, кейин эса уйга кираверишида улар ўлжани бўлинадилар. Мана, уларнинг маҳоратининг яна бир ажойиб намунаси: улар донни турар жойларига олиб боришиганда, униб чиқишининг олдини олиш учун уни синдириб ташлашади. Агар доннинг иккала ярми униб чиқса, чумолилар уларни тўрт қисмга бўлинади. Дон ҳўл бўлганда, уни қўёида қуритиши учун ташқарига олиб чиқариб, кейин яна ичкарига олиб қўйишади. Шунинг учун баъзида сиз уларнинг чумоли уялари ёнида жуда кўп синган донларни кўрасиз, лекин кейин қайтиб келганингизда, улар энди йўқлигини кўрасиз.<sup>6</sup>*

Ибн ал-Қоййим чумолилар ҳақидаги мунозарада чумолиларни кузатишга ва уларнинг фаолияти ҳақида фикр юритишга қаттиқ қизиққан мўмин томонидан айтилган қизиқарли қиссасини келтиради. У илмий тажриба ўтказиб, натижада чумолилар махсус мулоқот тилига эга, шунингдек, уларга нотўғри маълумот олиб келганларни ва шу билан чумолилар жамоасини йўлдан оздирадиганларни қаттиқ жазолайдилар деган хулосага келди. Ибн ал-Қоййим қуйидагича ёзади:

*Мўмин менга қуйидаги воқеани айтиб берди: “Мен чумоли чигиртканинг қолдигини топганини ва уни олиб кетмоқчи*

бўлиб, лекин қила олмаганини кўрдим. Кейин кетиб, бир гуруҳ чумолилар билан қайтиб келди. Улар бу жойга келишиларидан олдин, мен чигиртканинг бу қолдигини ердан олдим. Чумоли ва унинг ёрдамчилари қайтиб келгач, уларнинг ҳаммаси чигиртка қолдиги ётган жой атрофида тўпланишди; улар ҳеч нарса топа олмай, кетишди. Бундан сўнг мен бу бўлакни жойига қўйдим, чумоли қайтиб келди ва уни олиб кетмоқчи бўлиб, лекин бажара олмади. У яна бошқа чумолиларни ёрдамга чақирishi учун жўнаб кетди ва мен чумолилар гуруҳи қайтиб келишидан олдин бу бўлакни қайта ердан олдим. Бир гуруҳ чумолилар ҳеч нарса топа олмагач, улар ўша чумолини ўраб олишди ва мен унга ёрдам беришимдан олдин, мен ҳайрат билан томоша қилар экан, бирин-кетин оёқ-қўлларини йиртиб унга ҳужум қилишди”.<sup>7</sup>

Мусулмон олими аз-Замахшарий ўзининг “*Тафсирул Кашишоф*” (*Қуръон Тафсири*) асарида оддий кўз билан кўрилмайдиган даражада майда ҳашаротларни тасвирлаган. Шундай қилиб, у микроскопик мавжудотлар мавжудлигини кашф этишни башорат қилди:

*Эҳтимол, сиз эски китоблар ичидаги варақларда башарти улар ўрмалаб юришимасалар, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган майда ҳашаротларни пайқаган бўлишингиз мумкин. Улар ҳаракатсиз бўлганда, деярли кўринмас бўлишади. Сиз қўлингизни бундай ҳашаротга яқинлаштирган тақдирда, у мумкин бўлган зарардан қутулиши учун дарҳол қочиб кетади. Ушбу ҳашаротни бундай шаклда яратган Зотга ҳамду санолар бўлсин: унинг органлари, улар кўзга кўринадиган бўладими ёки йўқми, организмнинг хусусиятлари, кўриши қобилияти ва яширин ниятлари! Балки, ўлчамлари чексиз кичик бўлган мавжудотлар яшайди. “Ер ўстирадиган нарсалардан, уларнинг ўзларидан ва улар билмайдиган нарсалардан, барчасидан жуфтларни яратган Зот пок бўлди”.* (*Қуръон, 36:36*)<sup>8</sup>

У чуқур руҳий тажрибалар ҳолатида бўлган экан, давом этиб, бу унга илгари ёзган шеърини эслатишини айтди. Бу сатрларни араб тилида ўқиётганда одамни ҳаяжонга солади. Мана уларнинг таржимаси:

Эй, Зот! Чуқур ва қоронғи кечада  
 Қанотларини ёйган искабтопарни кўрадиган Зот,  
 Унинг бўйнидаги юрак томирларини,  
 Ва ингичка пардаларида суяк илигини кўрадиган Зот,  
 Ҳозир тавба қилаётган бандани кечир,  
 Эски кунлардаги хатоларини кечир.<sup>9</sup>

Бундай олимлар нафақат кўринадиган мавжудотлар ҳақида ўйлаш билан чекланиб қолмай, балки мавҳум тушунчалар, шу жумладан мулоҳаза жараёнининг ўзи ҳақида ўйлашни давом эттирдилар. Мана, ал-Ғаззолий ақл ва унинг ажойиб қобилиятлари ҳақида шундай ёзган:

*Ақл бу кўринадиган шахс ёки тасвир эмас, эшитиладиган товуш эмас, унга тегиниши, унинг ҳиди ёки таъмини ҳис қилиб бўлмайди. Бироқ, у буйруқлар беради ва итоат қилади. У доимо такомиллашмоқда. У кўринмас нарсалар ҳақида ўйлаши мумкин ва уни кўра олади. Кўзларга чекланган нарса унга етарлича очиқдир. Ҳар қандай идиши учун жуда катта бўлган нарса унга мос келиши мумкин. У Аллоҳ Таоло томонидан осмонлар орасида, улардан ташқарида ва ер остида яширинган нарсаларга ишонади. У буларнинг барчасини бирон бир кўздан кўра аниқроқ кўра олади. Бу донолик маскани ва билимнинг моҳиятидир. У қанчалик кўп билимга эга бўлса, у шунчалик сизимдор ва қудратли бўлади. У оёқ-қўлларни ҳаракатга келтиришни буюради ва гарчи буйруқни бажаришига тайёрлик биринчи ўринда турса-да, аммо буйруқни бажариши нияти ва ҳаракатнинг ўзи ўртасидаги вақт, деярли бир лаҳзадан ошмайди.<sup>10</sup>*



Ал-Газзолий Қодир Тангрининг янги туғилган чақалоқларнинг ақлий қобилиятларини чеклагани тўғрисидаги донолиги ҳақида мулоҳаза юритишда давом этган. У ақлнинг ривожланиши ҳақида гапириб, ўз кузатувларини ғўё у ривожланиш психологиясининг мутахассиси сифатида тасвирлаб берган:

*Ўз ёшига хос бўлган тушунча ва идрок этишмовчилиги билан туғилган бола нимани бошдан кечираётганини кўриб чиқинг ва ўйлаб кўринг. Агар у бошқача идрок билан туғилган бўлса, у атрофида нима бўлаётганини тушуна олмас эди. У ўзи учун янги муҳитда бир талай ноаниқликда бутунлай йўқолган бўлар эди. У ўзини чақалоқ тағликларига ўралган ва бешикка ётқизилганини кўриб, гарчи у тананинг заифлиги ва мўртлиги туфайли буларнинг барчасисиз эплай олмаса-да, газабланган бўлар эди. Худди шу тарзда, у ҳар сафар мустақил қарор қабул қилганда ёки ўз танловини қилганда, фарзанд одатда завқланадиган сезгир муносабатни ва муҳаббатни олмас эди. Бу аста-секин такомиллашиб бораётган онг ва идрок боланинг ўзи учун фойдали эканлигини кўрсатади. Аллоҳ атрофдаги ҳамма нарсани донолик ва мукамаллик билан қандай яратганини кўрмаяпсизми?<sup>11</sup>*

Биз илк олимлар ва мўминларнинг Аллоҳнинг яратилишида Унинг қонунларини кўриш учун катта чуқурликка кириб бориш қобилиятини кўрсатадиган, чуқур мулоҳазаларининг бир нечта мисолларини кўриб чиқдик. Ушбу кидирувда мақсадлар ва диний эътиқодларнинг фарқига қарамай, мулоҳаза юритувчи диндорлар ҳам, замонавий олимлар ҳам иштирок этадилар. Дарҳақиқат, замонавий амалиётчи олимлар коинотни бошқарадиган қонунлар ва тамойилларни космик ва бошқа ҳодисаларни аниқроқ башорат қилишда ёрдам бериш учун ўрганмоқда. Аниқ башорат ҳам коинотнинг Ўзи яратган қонунлар ёрдамида ушбу тизимни ушлаб турадиган Яратувчиси ва Худоси бор деган Куръони Каримда барча ҳақиқатларнинг ҳақиқатини тас-

диқлаш учун ишлатилган энг муҳим далиллардан биридир. Бинобарин, Қуръон коинотни тартибга солувчи ушбу қонунларни топиш учун одамларнинг қалбига Аллоҳ томонидан жойлаштирилган туғма табиатга қаратилган рағбатлантирувчи илҳом сифатида қаралиши керак. Ушбу сўзларнинг тасдиғи Қуръонда топилган:

*“Албатта, Аллоҳ донни ҳам, данакни ҳам ёрувчи Зотдир. У, ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқаргувчидир. Ана шундай Аллоҳдир. Сиз қаяёққа бурилиб кетяпсиз?! У, субҳни ёритгувчи Зотдир. У, тунни сукунат, қуёш ва ойни ҳисоб қилиб қўйди. Бу эса, голиб ва яхши билгувчи Зотнинг ўлчовидир”. (Қуръон, 6:95-96)*

*“Қуёш ўз истиқрори учун жараён этар. Бу азийзу ўта билгувчи Зотнинг тақдир қилганидир. Ойни эса, токи эски (хурмо) шингили (ҳолига) қайтгунга қадар манзилларини бичиб қўйганмиз. На қуёшнинг ойга етиб олмоғи дуруст бўлар ва на кеча кундуздан ўзиб кетар. Ҳар бири фалакда сузиб юрар”. (Қуръон, 36:38-40)*

Аллоҳ томонидан ўрнатилган қонунларнинг аниқлигини ва уларнинг тахминий табиатини кўрсатадиган бу иккита ҳодиса замонавий илмий услубнинг асоси бўлиб, уларсиз ҳеч қандай экспериментал фан ривожлана олмайди. Ньютоннинг коинотнинг соат механизми ҳақидаги ғояси нисбийлик назарияси ва квант физикаси томонидан йўқ қилинганлиги ҳам ҳақиқатдир. Шунга қарамай, бу илмий инқилоб коинотда тартиб йўқлигини ёки агар мавжуд бўлса, инсоният бу ҳақида билишга қодир эмаслигини англатмайди.

Мусулмон тадқиқотчи ҳам, мусулмон бўлмаган текширувчи ҳам бир хил моддий мукофот ва машхурликка эга бўладилар, иккала гуруҳ ҳам тадқиқот жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш қобилиятидан завқ ва ҳаяжонни бош-

дан кечирадилар. Бирок, мусулмон тадқиқотчилар ўз ишларида чинакам самимий бўлса, уларни тадқиқотга ундайдиган рағбат ва кейинги мукофот мусулмон бўлмаган ҳамкасбларига қараганда анча муҳимроқ бўлади. Дарҳақиқат, улар моддий, биологик ва руҳи-ижтимоий ҳодиса доирасидаги мураккаб ўзаро муносабатларни кашф этиб, буни Аллоҳнинг нияти ва Унинг қонунларининг намоён бўлиши сифатида кўрсалар, улар шу билан ибодатнинг энг юқори шаклини бажаришади. Уларга Қуръондан шу сўзлар тегишли: “...Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина кўрқарлар...” (Қуръон, 35:28) Агар бундай олимлар ўз тадқиқотларини чин дилдан Аллоҳга хизмат қилишга йўналтирсалар, уларнинг кузатув, мулоҳаза ва муроқабасоҳасидаги (лабораторияда ёки бошқа шароитида бажарилган) барча саъй-ҳаракатлари яхши мукофотланади. Афсуски, мусулмон талабалар ушбу муқаддас хабарни тўғри тушунмайдилар ва қатъият кўрсатмасдан кўп нарсага эриша олмасликларини англашмайди. Мусулмон тадқиқотчилар кузатиш ва мулоҳаза юритиш соҳасидаги ўз вазифаларини Аллоҳ розилигини қозона оладиган ибодат шакли деб билган тақдирда, улар кўпроқ ғайратли бўлар эди.

Агар иймонли инсоният учун фойдали нарсани кашф этса ёки ихтиро қилса, Аллоҳ буни доимий садақа деб ҳисоблайди; унинг меҳнати ундан фойдаланадиган ҳар бир кишига фойда келтиргани сабабли, у бу ҳаётда ҳам, нариги ҳаётда ҳам мукофот олади. Мусулмон томонидан олиб борилган ҳар қандай тадқиқот ҳам олим Пайғамбарнинг кўрсатмаларига амал қилишини англатади. Расулulloҳ соллалoҳу алайҳи васаллам: “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон зиммасига фарздир”, – дедилар.<sup>12</sup>

Нафис доимий мушоҳада (ибодатнинг юқори шакли сифатида) ва илм-фанга асосланган билимларнинг ривожланиши ўртасидаги ижобий алоқадорлик мусулмон оламининг экспериментал илм-фан соҳасидаги тараққиёт тарихи билан тасдиқланган. Чиндан ҳам, мусулмон олимларининг барча соҳаларда

қилган кашфиётлари ва ихтиролари бугунги кунда замонавий цивилизациянинг асоси бўлган илмий усулларни Европага берганига шубҳа йўқ. Боз устига, ҳеч бўлмаганда мусулмонлар орасида ҳеч шубҳа йўқки, бундай таракқиёт мусулмон олимларини осмон ва ернинг яратилиши ҳақида фикр юритишга ундаган Аллоҳга бўлган чуқур эътиқоди ва ўз дин таълимотларига риоя қилишлари натижаси бўлган. Уларнинг мисли кўрилмаган изланишлари ва кашфиётлари Аллоҳнинг яратганларида намоён бўлган донолигининг оят-белгиларини ва У коинотни бошқарадиган умумий қонунларни кунт билан излаганликлари учун қилинган.

Немис шарқшуноси Зигрид Хунке ўзининг “*Аллоҳнинг Офтоби Ғарбда Порлайди*” номли машҳур китобида шундай ёзади:

*Муҳаммад Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ўз издошларини Яратгувчининг куч-қудратини билиш ва тан олиш воситаси сифатида яратилиш мўъжизаларини ўрганишга ва улар ҳақида ўйлашга ундаганлар. Шунингдек, у шогирдларини билим уларнинг иймон йўлларини ёритади, деб ишонтирганлар. У барча мусулмон эркалар ва аёлларга бу диний кўрсатма эканлигини тушунтириб, билим излашни маслаҳат берганлар. У билимга интилиш ва уни тарқатиш ҳам ибодат қандай савобли бўлса, Аллоҳ томонидан мукофотланишини ваъз қилганлар. Илм олиш учун мукофот рўза учун ажрға, билим бериш учун мукофот эса намоз учун ажрға тенгдир.<sup>13</sup>*

Хункенинг таъкидлашича, Фрэнсис Бэкон, Галилей ва бошқа Ғарб олимлари Ғарб тарихчилари айтганидек, илмий услуб асосларининг кашфиётчилар эмас, балки бу соҳада дунёнинг ҳақиқий ўтмишдошлари ва ўқитувчилари мусулмонлар бўлган. Шунингдек, у Ибн ал-Ҳайсам замонавий физиканинг ҳақиқий асосчиси бўлганлиги ва бунга ўзининг назарий му-

роқабаси ва пухта кузатувлари орқали эришганлигини исботлайди. Дарҳақиқат, ўша даврнинг маданиятли дунёси Евклид ва Птоломейнинг инсон кўзи кўриш учун ёруғлик нурларини сочадиган назарияларига муқобил топа олмаган бўлса, Ибн ал-Ҳайсам бу назарияни қатъиян рад этган. У шундай деган: “Кўриш учун кўз томонидан чиқариладиган ёруғлик нурлари йўқ. Аксинча, бу кўринадиган нарсалар кўзда акс эттирилган ёруғлик нурларини чиқариб, кўз гавҳари орқали кўриш эффектини яратади”.<sup>14</sup> Хунке қўшимча қилади:

*Ибн ал-Ҳайсам оптика соҳасидаги тадқиқотларида катта муваффақиятларга эришган ва бу фанда маълум бўлган ҳамма нарсалардан устун келган ва шу билан янги фанга асос солган... У биринчи бўлиб замонавий камеранинг прототиби бўлган “камера обскура”ни ихтиро қилишига олиб келган тажрибаларни ўтказган. Шундай қилиб, у ёруғлик нурлари тўғри чизиқлар шаклида тарқалишини исботлаган... Шунингдек, у ҳаво ва сув ўртасидаги зичликдаги фарқни ўрганиб чиққан ва ёруғлик нурларининг турли зичликдаги шаффоф муҳитдан ўтаётганда синиши учун тушунтириши топган. Шунга асосланиб, у ерни ўраб турган ҳаво қатламнинг баландлигини ҳисоблай олган ва у 15 километрга тенг бўлиб чиққан. Демак, у мисли кўрилмаган аниқлик натижасига эришган... Бундан ташқари, у нур қайтаргичларнинг таъсирини тартибга солувчи қонунни кашф этган ва биринчи ўқиш кўзойнақларини ихтиро қилган... Бу Араб даҳосининг Фарбга таъсири катта эди. Унинг назариялари ҳозирги кунгача физика, оптика ва бошқа Европа фанларида ҳукмронлик қилмоқда.*<sup>15</sup>

Кейин Хунке бошқа мусулмон олимларининг илми ҳайъат, математика, тиббиёт, кимё, геометрия ва бошқа соҳаларга қўшган ҳиссаларини санаб ўтади. У ибн Сино ва унинг “Ал-Қонун” (Тиб Қонунлари) китоби ҳақида ғайрат билан ёзган:

*У қандай буюк даҳодир. У тиббиётнинг барча соҳаларида назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олган. У уларни шу қадарбетакрор тарзда тўплаб, шундай ўзига хос ва ифодали услубда тақдим этганки, китоб бутун асрлар давомида тиббиёт асарлари орасида ноёб ва муҳим ютуқ бўлиб келмоқда... Тиббиёт тарихида мисли кўрилмаган ушбу китоб Шарққа ҳам, Фарбга ҳам жиддий таъсир кўрсатган.<sup>16</sup>*

Ўрта асрларда илк мусулмон олимларининг илм-фанга қўшган ҳиссаси ҳақида ёзган яна бир беғараз шарқшунос Монтгомери Уотт бўлган. У ўзининг “*Ўрта аср Европасига Ислоннинг Таъсири*” китобида Ибн Синонинг “*Ал-Қонун*” асарига қуйидаги шарҳ берган:

*У ҳақли равишида “араб системалаштиришининг энг авжи ва шоҳ асари” деб аталади. (Мейерхофф) У 12-асрда латин тилига таржима қилинган ва камида 16-аср охиригача Европада тиббиёт бўйича асосий ўқув қуроли бўлган. 15-асрда китобнинг 16 нашир бўлган, улардан бири қадимги яҳудий тилида чиқарилган, 16-асрда 20 нашир ва 17-асрда бир нечта нашир этилган.<sup>17</sup>*

Ал-Балхий когнитив психологияга қўшган ҳиссаси билан боғлиқ ҳолда психологик бузилишларнинг дастлабки белгиларини аниқлашда *тафаккурнинг* таъсири ва уларни муолажада мулоҳаза усулидан фойдаланишга оид асарларида юқорида тилга олинган. У мусулмон олими ва мутафаккири бўлиб, психиатрияга бебаҳо ҳисса қўшган. Ҳақиқатан ҳам, у невроз ва психоз ўртасидаги фарқни аниқлаган ва ҳиссий касалликларнинг турларини ҳайратланарли даражада замонавий усул билан таснифлаган биринчи шифокор эди. У чуқур фикрлаш ва мулоҳаза юритишни Ислон таълимотлари билан бирлаштириб, неврозни тўрт турга ажратган: кўркув ва хавотир (*ал-хавф ва ал-фазаъ*); ғазаб ва тажовуз (*ал-ғадаб*); қайғу ва тушкунлик

(*ал-хузн ва ал-жазаъ*) ва *васваса*. (*ал-васваса*) У ҳиссий хасталикларнинг шаклланишида беморнинг биологик тузилиши, унинг атроф-муҳити ва ички когнитив фаолияти ўртасида алоқадорлик (*иштибок*) мавжудлигини аниқ тушунтирган. Ушбу психосоматик жиҳатлар ва шахсий фарқларни муҳокама қилар экан, ал-Балхий инсон тана ва руҳдан иборат бўлганлиги сабабли, иккаласи ҳам соғлом ёки оғрикли ҳолатда, мувозанатда ёки мувозанатни йўқотган ҳолатда бўлиши мумкинлигини айтган.<sup>18</sup> Тана касалликларига иситма, бош оғриғи ва бошқа жисмоний оғриқлар киради; руҳ хасталикларига эса ғазаб, ташвиш ва қайғу каби аломатларни ўзига қамраб олади.

Руҳ ва психиканинг соғлиғини сақлашга бағишланган саккизта бобнинг сарлавҳалари психотерапия ва руҳий гигиена бўйича замонавий китобнинг мазмунига ўхшайди. Дарҳақиқат, ал-Балхий араб насрининг устаси бўлиб, оддий одамнинг табиий ҳолатини унинг ўта ҳиссий кайфиятидан, ҳиссий табиати патологияга эга бўлган одамларнинг бир хил ҳолатларидан аниқ ажратиб турган эди. Унинг ёндашуви ҳам олдини олувчи, ҳам терапевтик хусусиятга эга бўлиб, когнитив ва психофизиологик усулларни ўз ичига олади. Дастлабки икки бобда у соғлиқнинг психологик ҳолатининг муҳимлигини ва бу хилдаги бузилиши жисмоний касалликдан кўра жиддийроқ бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Қўлёзманинг қолган қисмида у ижодий руҳий ва маънавий когнитив терапия ёрдамида ташвиш, тушкунлик, ғазаб ва *васваса* невроздан халос бўлиш йўллари батафсил баён қилади, шунингдек, қизиқарли муайян расмларни тақдим этади.

Масалан, кўркув ва хавотир билан боғлиқ невроз ҳолатини муҳокама қилиб, у келажакдаги муаммоларни тасаввур қилишга тегишли бўлган иш ёки сихатликни йўқотиш, момақалди-роқ кўркуви ёки ўлим ваҳимаси каби ташвишнинг бир қатор ёрқин клиник мисолларини келтиради. Кейин, худди оқилона хулқ-атворнинг замонавий терапевтлари сингари, у одамлар кўрқадиган нарсаларнинг аксарияти оқилона тушунтиришга

эга эмаслигини таъкидлайди. Буни исботлаш учун у қўрқиб кетган, ваҳима босган невротикни совуқ, нам мамлакатга саёҳат қилаётган ва туманни биринчи маротаба кўриб, уни қаттиқ ва ўтиб бўлмайдиган нарса сифатида қабул қиладиган бадавийга ўхшатади. Бироқ, бадавий туманга кириши биланок, у шунчаки нам ҳаво эканлигини ва нафас олаётган ҳаводан фарқ қилмаслигини аниқлайди.<sup>19</sup>

Невротиклар учун мукамал ишлаб чиқилган терапиядан ташқари, ал-Балхий оддий одамларда ҳиссий оғишларни бир неча маротаба эслатиб, уларнинг ҳолатини ҳақиқий ҳиссий хасталикнинг заифлашган шакли сифатида тасвирлайди. У невротик деб аталадиганлар ҳақида “бемор” сифатида эмас, балки юқори ҳиссий жавоблари одат бўлиб қолган одам сифатида гапиради. Бу, мен ал-Балхий ҳақидаги мақолада таъкидлаганимдек,<sup>20</sup> замонавий психиатрия ва психотерапияга жуда муҳтож бўлган ёндашув. Бироқ, улар адашиб, тиббий қолипни асос қилиб олиб, “бебахт руҳни” психологик даволаш ўрнига “беморни” терапевтик муолажа билан жиддий чекланишган.

Энг муҳими шундаки, у ўзининг мулоҳазалари ва батафсил клиник тадқиқотларидан психиатрик аломатларнинг энг сўнгги таснифида (*DSM-III-R*, яъни, *Рухий касалликлар диагностика ва статистика қўлланмаси, Diagnostic and Statistical Manual of mental disorders*) айтиб ўтилган уч турдаги тушкунликни ажратишга муваффақ бўлган. Замонавий таснифда айтиб ўтилган биринчи тур “оддий тушкунликдир”. Ал-Балхий буни ҳар бир кишига зарар етказадиган оддий кундалик қайғу ҳолати деб таърифлайди, чунки “бу дунёда муаммо ва қийинчиликларсиз яшаш мумкин эмас”. Аммо бундан ҳам муҳими шуки, у тушкунликнинг иккинчи ва учинчи турлари ўртасидаги, яъни, ички кимёвий сабаблар натижасида вужудда юзага келадиган эндоген турғунлик ҳолатидаги касалликлар ва танадан ташқаридаги экзоген ёки муҳит-атрофдаги омиллар туфайли юзага келадиган хасталиклар ўртасидаги фарқни кўра олган. Қуйидаги парча унинг ушбу икки турдаги тушкун-



ликнинг клиник томони ҳақидаги нозик тушунчасини кўрсатмоқда. Психиатрия ёки клиник психология билан таниш бўлган ўқувчилар муаллифнинг бу жиҳатлар орасидаги фарқни қанчалик аниқ белгилаганлигини баҳолашлари мумкин.

*Қайғу ёки тушкунликнинг (ҳузн) икки тури мавжуд. Маълумки, битта тур севикли қариндошини йўқотиш, банкротлик ёки инсон учун ўта қимматли нарсанинг йўқолиши каби ташқи сабабларга кўра юзага келади. Бошқа турнинг маълум сабаблар йўқ. Бу доимий бўлган, гамгин одамни жисмоний фаолиятдан олиб ташлайдиган ёки уни ҳар қандай қувонч ёки завқланиш туйғусидан маҳрум қиладиган (шаҳво) қайғу ва руҳий азоб-уқубатларнинг кутилмаган пайдо бўлишидир. (ғумма) Бемор ўзининг заиф фаоллиги ва руҳий азобланишининг аниқ сабабларини билмайди. Сабаблари номаълум бўлган ушбу тушкунликнинг тури, аслида, қоннинг ифлосланиши... ва унинг таркибидаги бошқа ўзгаришлар каби жисмоний аломатлардан келиб чиқади. Даволаш жисмоний тиббий усулдан, яъни қонни тозалашдан иборатдир.<sup>21</sup>*

Ушбу мушоҳада маълумотлари деярли ўн бир аср давомида эътиборга олинмай ва кейинчалик адолатсиз равишда Эмил Крепелинга мансуб деб билган. Унинг асари 19-асрнинг охирида нашр этилиб, натижада унга замонавий психиатрия таснифлаш тизимимизни ишлаб чиқиш муаллифлик ҳуқуқи берилган.

Шундай қилиб, бу ерда Аллоҳнинг яратилганлари ва У коинотни бошқарадиган қонунлар ҳақидаги мулоҳазалар ўша даврнинг илмий тикланишига асос бўлган даврда мусулмон дунёсида экспериментал илм-фан ривожланишининг бир нечта мисоллар келтирилган. Бу жисмоний ва маънавий жиҳатлар мувофиқ ва бир ҳил тарзда ўзаро таъсир қилган етук, уйғун цивилизация, оқилона ҳайвон ва руҳий мавжудот сифатида инсоннинг туғма икки тарафлама табиатини амалга оширишига

асосланган цивилизация бўлган. Афсуски, замонавий мусулмон жамиятлари ўтмишдошларига устунлик келтирган ушбу кадриятларни қўллаб-қувватлай олмадилар. Шу билан бирга, Европа нодиний ва материалистик тушунчага асосланган илғор технологик дунёвий цивилизацияни қурган.

Шунга қарамай, Ғарб цивилизацияси ўз халқларига фаронглик ва ҳукмронлик келтира олган бўлса ҳам, уларни маънавий ривожланиш интилишидан маҳрум қилган. Дарҳақиқат, Ислом цивилизациясидан фарқли ўлароқ, Ғарб динни дунёвий илмнинг янги худоси билан алмаштириб, руҳнинг мавжудлигини рад этган. Руҳнинг ушбу инкори замонавий Ғарб жамиятларида қаноатланмаганлик ҳисси каби инсоний ҳолатнинг кенг тарқалишининг асосий сабабидир. Шунинг оқибатида асаб касалликлари, психоз, гиёҳвандлик, жиноятлар, ўз жонига қасд қилишлар, ажралишлар, абортлар ва кекса одамларга менсимасдан муносабатда бўлиш каби ҳолатлар жуда кўп рўй бермоқда. Ғарбнинг бундай ижтимоий муаммоларининг кескин статистикаси мусулмон жамиятларида барча камчиликларига қарамай, вазият анча тинч ва фаровон эканини яққол кўрсатиб турибди.

Агар инсоннинг дунёқараши руҳнинг ёки нариги дунёнинг мавжудлигига ишончни ўз ичига олмаса, унда ҳар қандай одам ўзининг моддий ҳаётдан иложи борича завқ олишга ва ҳар қандай оғриқли тажрибалардан қочишга ҳаракат қиладиган гедонистик (ҳаётни севувчи) ҳайвон бўлиши табиий ҳолдир. Бироқ, уларнинг интилишларига ҳаёт муаммолари ёки кекса ёшдаги касалликлар тўсқинлик қилган тақдирда, бундай одамлар муқаррар равишда невротик ва психотик жавобларга дучор бўлган ғамгин, тушкун ёки хавотирли ҳолатда бўлишади. Ёки улар ўз муаммоларини спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар ёки ҳатто ўз жонига қасд қилиш орқали “ҳал қилишга” ҳаракат қилишади. Бинобарин, агар кишилар Худо ато этган руҳга ишонмасалар, нега аёллар исталмаган ҳомиладорлик пайтида фарзандни кўтаришлари керак? Худди шундай, агар одамлар

оғриқ ёки даволаб бўлмайдиган касалликдан азият чексалар ва шу билан бирга руҳнинг кейинги ҳаётига ёки абадий ҳаётига ишонмасалар, унда “маъносиз” азоб-уқубатларни давом эттиришнинг нима кераги бор?

Исломни ва унинг цивилизациясининг маънавий илдизларини бегоналаштириш жисмоний ва маънавий, илм-фан ва дин ўртасида фожиали бўлинишга олиб келган энг катта бахтсизликдир. Инсон билимлари ва дини ягона Аллоҳ Таолога бўйсунуш паноҳида мисли кўрилмаган уйғунликда намоён бўлган Ислом раҳбарлигида гуллаб-яшнаганидан кўра ҳеч қачон мукамалроқ цивилизация бўлмаган. Ибн Сино, ал-Балхий ва Ибн ал-Ҳайсам каби олимлар узоқ вақт мулоҳаза юритиш учун масжидларга кирган мўминлардан кўра Аллоҳ томонидан кам ҳурмат қилинмаганига ёки рағбатлантирилмаганига ишонч билан ўзларининг лабораториялари ва касалхоналарига киришган; аслида, улар кўпроқ ҳурмат ва кўпроқ мукофотга сазовор бўлишган.

Бу юқорида келтирилган, Аллоҳ томонидан яратилган ранг ва шаклдаги одамлар ва ҳайвонларнинг ажойиб хилма-хиллигини чуқур мулоҳаза қилиш ва эслаш натижасида билим олганлар ҳақида ҳикоя қиладиган, Қуръоннинг икки оятини (35:27-28) эслатади. Шунингдек, илмли одамни оддий мўминга кўра жуда мактаган бир қатор ҳадислар мавжуд. Улардан бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Олимнинг обиддан афзаллиги худди менинг сизнинг энг кичигингиздан афзаллигимга ўхшайди”, – дедилар.<sup>22</sup> Буни қадимги Исломий ибора ҳам мустаҳкамлайди: “Олимнинг сиёҳи шаҳид қонидан аълороқдир”. Ушбу тавсиф, шунингдек, юқорида келтирилган Ҳасан Басрийнинг “тун бўйи ибодатда узоқ туришдан кўра бир соат мулоҳаза юритиш афзалроқ” деган ва Умар ибн Абдулазизнинг “Аллоҳни зикр қилиш хайрли амал, лекин Аллоҳнинг раҳми ва неъматлари ҳақида ўйлаш ибодатнинг энг яхши шаклидир” деган баёотларини яхшироқ тушунишга имкон беради.

Шундай қилиб, биз илк мусулмон олимлари орасида илм-фан ва диний эътиқоднинг соғлом бирикмаси билан Ғарб дунёсида ҳозирги вазият ва халқаро илмий ҳамжамиятнинг кўп қисми ўртасидаги фарқни кўришимиз мумкин. Афсуски, дунёвийлаштириш йўлига кирган кўплаб мусулмон олимлари ҳам Ғарб моделини асос қилиб олишган. Мусулмонлар ўзларининг гуманитар, ижтимоий ва илмий фанларининг маънавий ўлчовидан қочаётган бир пайтда Ғарб дунёси илм-фан, дин ва дунёвийлик ўртасидаги бўлиниш натижасида юзага келган ижтимоий зарарни тан ола бошлагани истехзолидир. Кўпгина Ғарб мутафаккирлари бу ғайритабиий парчаланиб кетиш ҳақида очиқ гапиришади. Масалан, машҳур америкалик психиатр Скотт Пек ўзининг “*Ёлгоннинг Одамлари*” бозоргир китобида бу ажралиш китобида муҳокама қиладиган психологик ва психиатрик муаммоларнинг асосий сабаби эканлигини ёзади:

*Ғалати ҳолатнинг асосий сабаби шундаки, илмий ва диний моделлар шу пайтгача мой ва сув каби аралаштириб бўлмайди ва мос келмайдиган деб ҳисобланган.*

*17-асрнинг охирига келиб, Галилей ҳикояси илм-фан ва диннинг нотўғрилигини кўрсатгандан сўнг, улар ҳар қандай муносабатларни узиш тўғрисида шартнома “имзолашган”. Дунё ўзбошимчалик билан “табиий” ва “ғайритабиийга” бўлинган. Дин “табиий олам” олимларнинг фаолият соҳаси бўлишига рози бўлган. Илм-фан, ўз навбатида, маънавий жиҳатга, яъни қадриятга тегишли ҳамма нарсага бурнини суқмасликка рози бўлган. Чиндан ҳам, илм-фан ўзини “баҳо муҳокамалар/қадриятлардан холи” деб таърифлаган.<sup>23</sup>*

Ўзининг “*Руҳни рад этиш*” тегишли сарлавҳа билан сўнги китобларидан бирида, Скотт Пек Ғарб фанида “жонни” инкор қилиш сабабларини очиқ беради. У бу атеистик вазиятга, шунингдек, бу борада ҳеч нарса қилмайдиган америкалик диний мутахассисларнинг қийин аҳволига қатъий ҳужум қилади:

“Жон” сўзи, эҳтимол, ҳар қандай иккинчи синф ўқувчисининг лугатида бор... Унда нима учун у психиатрлар, бошқа руҳий сихат-саломатлиги ходимлари, инсон психикаси тадқиқотчилари ва умуман шифокорларнинг касбига оид лугатида мавжуд эмас?

Бунинг иккита сабаби бор. Улардан бири шундаки, Худо тушунчаси руҳ тушунчасида муқаррар равишида мавжуд бўлиб, бу нисбатан дунёвий касблар доирасида “Худо ҳақида гапириш” деярли тақиқланган. Ушбу касб вакиллари шахсан қанчалик диндор бўлмасин, улар дунёвий ҳамкасбларини хафа қилишни хоҳламайдилар. Боз устига, улар бу туфайли ишларини йўқотишни истамайдилар. Ҳақиқат шундаки, уларнинг қасбий мажлисларида Худо ёки руҳ ҳақида гапириш сиёсий жиҳатдан нотўғри ҳисобланади.

Бошқа сабаб шундаки, бу мутахассислар, аслида, ақлий қаттиқликка мойил бўлиб, руҳ аниқ ва равшан таърифга эга бўлмаган нарсадир... Мен кенг тарқалган жонни инкор қилиши билан дунёвийлар ҳақида таъвишли эмасман... Мен ўз динини жиддий қабул қилмайдиган диний кўпчилик ҳақида қайғураман.<sup>24</sup>

Бенсон “Абадий даволаш” асарида “замонавий дунёда иймонни илм-фан билан алмаштиришни” қатъиян айблайди. У ҳатто Худога бўлган иймоннинг генетик томонига тўхталиб, ўзларининг генетик эътикод кодига қарши бўлган атеистларнинг бахтсиз ва қониқарсиз ҳаёт кечиришларининг сабабини айтиб бериш учун янада узоқроққа бормоқда. Шунингдек, у бу ирсий алоқани аслида Ғарб олимларининг динга қарши хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлган Дарвин эволюцияси нуқтаи назаридан тушунтиради! Бу жуда муҳим жиҳатдир, чунки у Аллоҳга бўлган ишонини инсон табиатининг ажралмас қисми (*фитрат*) деган Исломий эътиқодга даҳл қилади. Бироқ, Ислом бу шунчаки биологик тасодиф эмас, балки Аллоҳ Таоло Одам Ато алай-ҳиссаломга пуфлаган жондан (*руҳ*) келиб чикқанлигини айтиб,

олдинга боради. Бенсон шундай ёзади:

*Ҳатто биз (олимлар сифатида) янги маълумотларга эга бўлганимизда ҳам, ҳатто сирларни ошкор қилганимизда ҳам, биз шавқсизлик ва норозиликни ҳис қиламиз. Иймон эса бу ягона доимий тасаллидир. Бунинг сабаби, қисман Абадий Мутлақга ишонини касаллик ва ўлимнинг аниқ ҳақиқатларига қарши ягона акс таъсир қилувчи кучдир.*

*Шу боис, мен бизнинг генетик дастуримиз Абадий Мутлаққа (Худога) ишонини бизнинг табиатимизнинг бир қисми бўлган тарзда амалга оширилганлигини таъкидлайман. Табиий саралаш жараёни орқали мутацияга учраган генлар ота-бобларимиз ва оналаримиздаги бир хил мойилликларни сақлаб қолиши ва уларни бизга етказиши учун иймонни етарлича муҳим деб ҳисоблашган. Қизиғи шундаки, бу ҳолда қўйидагиларни айтиши мумкин: эволюция бизнинг миямиздаа иймон, умид ва муҳаббатни сақлаб қолиши учун зарур бўлган ички турткиларни яратиши орқали, шунингдек, биз ҳаётни идрок этадиган нейро-матрицанинг бир қисмига айланиб, динни ҳимоя қилади.<sup>25</sup>*

Энг қизиғи шундаки, дастлаб диннинг аҳамиятини камситишга ва унинг ўрнини босишга хизмат қилган дунёвий Ғарб илм-фанидаги сўнги кашфиётлар энди янги илмий инқилобнинг бошланиши ва ушбу аввалги мавқега қайтиш бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараёни физика, яъни аниқ фанларнинг “қироличаси” бошқарганлиги ажабланарлидир. Фритьоф Капрадан бошқа ҳеч бир физик бу янги парадигма ҳақида яхшироқ гапира олмайди. У Роналд Валленинг ва Ролф Эккартсбергнинг “*Онг Истиоралари*” китобининг муқаддимасида ёзади:

*Физика эски (Ньютон) парадигмасининг шаклланишида муҳим роль ўйнади... Бу бошқа барча фанлар учун ўртак бўлиб хизмат қилган “аниқ” фаннинг ёрқин намунаси эди. Ҳозир ўзгариб бораётган парадигма жамиятимизда бир неча*

юз йиллар давомида ҳукмронлик қилган қадриятларни ташкил этади... Улар билимга ягона тўғри ёндашув сифатида, онг ва модда ўртасидаги бўлиниши, шунингдек, табиатга механик тизим сифатида қарашни илмий услубга бўлган ишонччи ўз ичига олади.

Бироқ, 20-асрда физика механистик қарашнинг чекланганлигини аниқ очиб берган бир неча тушунча инқилобларидан ўтган. Бу, ўз навбатида, дунёнинг органик, экологик қарашига олиб келган ҳамда барча замонлар ва урф-одатлар тасаввуфчиларининг қарашилари билан сезиларли ўхшашликларни кўрсатган.

Замонавий физикада онг масаласи кузатиши ва ўлчаши муаммосини ҳисобга олган ҳолда квант назарияси даражасига кўтарилди. Инсон онги кузатишган ҳодисанинг хусусиятларини асосан атом даражасида белгилашини тан олиши физикларни онг ва модда, кузатувчи ва кузатилаётган нарса ўртасидаги кескин картезианчилик бўлинишини қабул қилиб бўлмайди деган фикрга қўшилишига мажбур қилди.<sup>26</sup>

Некбин бундай илҳомлантирувчи сўзлар ҳалигача ижтимоий ва жисмоний ҳодисаларнинг алоҳида кузатувчилари эканлигига ва Худо улар эмпирик тарзда эришган натижаларга ҳеч қандай алоқаси йўқлигига ишонадиган дунёвий ва ўзига жуда бино қўйган Ғарб олимларининг қалбини ўзгартиради, деб умид қилиши мумкин. Афсуски, жуда оз сонли олимлар унинг моҳиятига эришиш учун ўз ихтисослашувининг ташқи катламларига чуқур кириб бориб, бўйсунадиган табиат ҳақидаги такаббур фикрларига шубҳа қила бошлайдилар. Бенсон ушбу фикрни қисқача ифодалайди: “Сўровлар аксарият (Ғарб) олимлари ўзларини атеист деб атаганликларини кўрсатади. Аммо бу ерда “Агар илм-фандаги кичик билим инсонни Худодан узоқлаштиради, жиддий билим уни Худога қайтаради” деган эски мақолни эслаш ўринлидир”.<sup>27</sup>

Пек, Бенсон ва Капра каби Ғарб мутафаккирларининг асарларидан кўриниб турибдики, илмий тараққиёт инсон саъй-ҳаракатлари ва илоҳий ҳидоят ўртасидаги мутаносибликка асосланмагунча, инсониятга бахт келтирадиган зарур ислохотни тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Дарҳақиқат, бу олимлар севгини қайта англаб, унга келишлари, Худонинг барча яратганлари билан мажбуриятга ва бирлашишга эришишлари мумкин бўлган ягона йўлдир. Бу борада Қуръони Каримда шундай дейилади: “Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни – ҳаммасини Ўз томонидан бўйсундириб қўйди. Албатта, ана шунда тафаккур қиладиган қавм учун оят (белги)лар бордир”. (Қуръон, 45:13)

Материализм руҳидаги дунёвий қараш инсоният ва табиат ўртасидаги илиқ алоқани йўқ қилиб, уни чексиз уруш ва курашга айлантирган. Ҳар қандай кашфиёт ёки ихтиро оммавий ахборот воситаларида шов-шувли тарзда “табиатнинг мағлубияти” деб эълон қилинади, гўё табиат душман сифатида қаралади. Ушбу масалани муҳокама қилиб, Саййид Қутб ёзади:

*Ғарбликлар, йўлдан озган римликларнинг меросхўрлари, “табиат кучларидан фойдаланиш” атамаси ўрнига доимо “табиатнинг мағлубияти” атамасини ишлатадилар. Бу Худонинг ҳидоятидан адашган дунёвий қарашидан далолат беради. Аммо қалби Меҳрибон ва Раҳмли Раббийга яқин бўлган, жони оламларнинг Парвардигорини улуғлайдиган барча мавжудотларнинг руҳларига яқин бўлган ҳақиқий мўмин муслмон бу кучларнинг яратувчиси Аллоҳ эканлигига ишониб, улар билан жанг қилмайди ва ўзини уларнинг душмани деб ҳисобламайди. Аллоҳ бу кучларнинг барчасини яқин алоқада биргалашиб ҳаракат қилишлари ва ўз вазифаларини бажаришлари мақсадида ягона қонунга мувофиқ яратган. У уларни бошиданоқ инсонга бўйсундирган ва унга сирларини ва қонунларини очиб бериш қобилиятини берган. Одам бу кучлардан ёрдам ёки фойда олиш имконига эга бўлганда Аллоҳга шукур қилиши даркор. Бас бу кучларни забт қилувчи*



*ёки энгувчи киши эмас, бу кучларни кишига бўйсундирувчи Аллоҳдир.*<sup>28</sup>

Замонавий дунё бу урушни тугатиш ҳамда табиат ва илм-фан ўртасидаги алоқани абадий уйғунликда тиклашга жуда муҳтож. Ушбу кечиктирилган ярашув содир бўлгач, ҳақиқий олимлар ва тадқиқотчилар коинотга нисбатан адоват қилмайдилар ёки табиатни забт этиш истагига эга бўлмайдилар. Улар Ибн ал-Ҳайсам, Жобир ибн Ҳайян ва ал-Хоразмий каби Аллоҳнинг яратганларини очиқ қалб ва ўтқир ақл билан мулоҳаза қилиб, катта илмий ютуқларга эришганлар сингари бўлишади. Ўтмишдаги мусулмон олимларининг Аллоҳнинг яратганлари билан чамбарчас боғлиқлигига, аслида, Пайғамбарнинг мисоли ва сўзлари таъсир қилган. Чиндан ҳам, у зот табиатдаги жонсиз нарсалар ҳақида тез-тез Қудратли Раббийга бўйсунганини улар билан баҳам кўргандек туйғу билан гапирар эдилар. Масалан, Мадинага ҳижратдаги бир куни у ойни ва уни яратган ҳамда иккала ижод ҳам бир овоздан Раббийни улуғлаган Аллоҳга бўлган муҳаббат ва эҳтиром билан бирлаштирилган чуқур меҳр туйғуси билан ҳилолга мурожаат қилганлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деганлар: “Эй яхшилик ва хидоят оий. (Эй ҳилол!) Менинг Роббим ҳам, сенинг Роббинг ҳам Аллоҳдир”.<sup>29</sup> Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинадаги Ухуд тоғига ҳам энг таъсирли сўзлар билан мурожаат қилганлар ва саҳобаларига: “Ухуд шундай тоғки, биз уни севамиз ва у ҳам бизни севади”, – деганлар.<sup>30</sup>

Агар бундай севги ва меҳрни табиатнинг жонсиз нарсаларига йўналтириш мумкин бўлса, унда китобхон учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа одамларга бўлган самимий севгисини тасаввур қилиш қийин эмас. Ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир хотин мушук сабабли дўзахга тушганлиги ҳақида айтганлар. Аёл мушукни боғлаб қўйиб, овқат бермади. Ё қўйиб юбормадики, ерда униб-ўсган нарсалардан тановул қилар эди.

Ҳатто мушук ўлиб қолди.<sup>31</sup> Бошқа томондан, саҳрода итга сув берган зинокор аёлни Аллоҳ мағфират қилиб, уни жаннатга киргизгани ҳақида қиссаси ривоят қилинади.<sup>32</sup> Шундай қилиб, мусулмонлар табиатни забт этилиши керак бўлган душман сифатида эмас, балки қадрланадиган ва ҳурмат қилинадиган дўст сифатида ҳисоблашади.

## ТЎҶҚИЗИНЧИ БОБ

---

---

### Хулоса

Ушбу тадқиқотда мен барча мусулмонларнинг диний бурчи деб ҳисобланган Аллоҳнинг яратганлари ҳақида *тафаккурнинг* ёки мушоҳаданинг аҳамиятини баён этишга, шунингдек, Қуръон ва Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари мусулмонларни Аллоҳнинг яратганлари ҳақида мулоҳаза қилиш орқали Унга мунтазам равишда сажда қилишга ундайдиган таълимотлар билан тўлдирилганлигини таъкидлашга ҳаракат қилдим. Ушбу таълимотларда бу ҳузур-ҳаловатли фаолият билан шуғулланаётган диндорларни мақташ ва ўзларининг яратилиши ёки дунёнинг яратилиши ҳақида ўйламайдиган иймонсизларни айблаш каби барча усуллар қўлланилади. Намоз ўқиётганда ёки зикр қилаётганда Аллоҳнинг неъматлари ва Унинг чексиз қудрати ҳақида ўйламаган мусулмон йўқ. Худди шундай, фикр юритишни ҳам эсламасдан амалга ошириб бўлмайди. Мен юқорида айтиб ўтганимдек, улар бир танга-чақанинг икки томонига ўхшайди.

Шу боис, агар мусулмонлар маънавий маърифат ва чуқур билим даражасига (*шуҳуд*) трансцендент саёҳатида ҳақиқий мўминларнинг маънавий йўлидан боришни хоҳласалар, улар чуқур фикрлашдан яхшироқ нарсани топа олмайдилар. Дарҳақиқат, улар ўзларининг фикрлаш қобилиятини оддий ҳиссий идрокдан ҳақиқий чуқур билимга қадар тозалаб, тақомиллашганлари сари, улар қалблари ва онглари Қодир Тангрининг муҳаббати ва улуғворлиги билан тўлган мукамал даражага эришадилар. Бинобарин, улар ўзларининг жисмоний қарашлари ва маънавий тушунчалари билан коинотдаги ҳамма нарса Аллоҳга тўлиқ бўйсунушини, Унинг иродасига итоат қилишини ва Унинг меҳри ва раҳми билан ўралганлигини кўра бошлайдилар. Кўплаб мусулмон олимлари ва донишмандлари

гувоҳлик берганидек, бу даражага етган мўминлар энг бахтли одамлардир. Улар бу дунёда Аллоҳнинг розилигини ҳамда тинчлаштириш ва бахт-саодат ҳолатини топадилар.

Ушбу маънавий поғонадан кўтарилишни истаган мусулмон китобхон, умид қиламанки, юқори даражадаги маънавий билимга эришишда мулоҳаза юритадиган мусулмонлар ўрта-сидаги шахсий фарқлар ва ушбу яхши машғулотнинг чуқурлигига таъсир қилувчи тўққиз омил ҳақидаги мунозаралардан фойда кўришади. Кейин собитқдам ўқувчи ўзининг руҳий қобилиятларини, туғма диққатни жамлаш қобилиятини ва ижобий атроф-муҳит шароитларини ўрганиши лозим. Шунингдек, уни мулоҳаза қилишдан чалғитадиган ўзининг барча салбий одатларини ва бошқа безовта қилувчи томонларини аниқлашга ҳаракат қилиши ва уларни қарши омиллар ёрдамида йўқ қилиши зарур. Агар у ушбу кўрсатмаларга астойдил ва чин дилдан амал қиладиган бўлса, унда унинг фикрлаш доираси чуқур илдиз отадиган ва унинг психологик ва маънавий таркибий қисмлари учун одатий фаолиятга айланадиган даражада кенгайди.

Бирок, кишилар фикрлаш қобилиятини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатларида ва шахсий амалиёт масаласида фарқланишади. Мисол учун, баъзилар мулоҳаза қилишнинг яхшироқ шаклига эришиш учун намунага риоя қилишдан фойда кўришлари мумкин, айримлари ҳам кичик мавжудотлар, ҳамда узоқ галактикалар орасида Аллоҳ оламидаги мукамал тузилишлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш орқали муваффақиятга эришишлари мумкин, бошқалари эса ибодатлар ва Аллоҳни зикр қилиш тунда ёки эрта соатларда самаралироқ эканлигини тушунишлари мумкин. Ҳеч шубҳа йўқки, самийроқ ва янада ғайратли одам Аллоҳни яхшироқ билишга ва маънавий маърифатга йўналтирилади. Шуни таъкидлаш керакки, хатти-ҳаракатларнинг ҳар қандай узоқ муддатли ўзгариши вақт ва куч сарфлашни талаб қилади ва маънавий ривожланиш ҳам бундан мустасно эмасдир.

Ушбу китобнинг психология нуқтаи назаридан фикр юри-тиш ва илк муслмон олимларининг ҳиссаларига бағишланган дастлабки икки боби менинг ҳамкасбларимга, хусусан, ҳали ҳам Ғарб намунасига тақлид қилаётганларга психология ва психотерапия масалаларига ойдинлик киритади, деб умидвор-ман. Ҳақиқатан ҳам, агар европалик психологлар ўз маданият-ларининг ўхшашлигига қарамай, психологияни америкалашти-ришдан шикоят қилсалар, қандай қилиб биз, муслмонлар ва ривожланаётган мамлакатлар мутахассислари уларнинг наза-рияси ва амалиётига, шу жумладан, ҳатто Ғарб жамиятларида ҳали қўлланилмаганларга асосланишда давом этишимиз мум-кин? Ғарб психологлари эндиликда учинчи олам мамлакатла-рига ноўрин америкалашган психология экспорти мустамла-качиликни эслатувчи қарамлик ва фойдаланиш анъаналарни абадийлаштириши мумкин бўлган амалиёт эканлигини англаб етишди. “Бу илмми? Ижтимоий хулқ-атвор масаласига анъ-анавий ва муқобил ёндашув” номли мақолада икки психолог, Жоржтаун Университетидан Ф. Могадам ва Оксфорд Универ-ситетидан Р. Харри, учинчи олам мамлакатларидаги “америка-лаштирилган” Ғарб психологиясига нисбатан психологик қул-ликнинг тўғаноқларини чуқур ўрганиб чиққанлар:

*...халқаро муҳитда психологияни шакллантирувчи энг муҳим омил халқлар ўртасидаги ва уларнинг ичидаги кучларнинг тенгсизлиги шаклида намоён бўлишида давом этмоқда. Пси-хологиянинг учинчи олам мамлакатларига ривожланишида ёрдам бера олмаслиги асосан шу тенгсизлик билан боғлиқ... ва, албатта, бу беадаб масаладир. Ишончлилиги ва қўллани-лиши ҳатто Ғарб муҳитида ҳам ўта шубҳали бўлган хаё-лий психологик “билим” ҳали ҳам фойда нуқтаи назаридан бошқариладиган йирик алмашинув тизимининг бир қисми сифатида учинчи олам мамлакатларига фаол экспорт қи-линмоқда. [курсив билан ёзилган изоҳ М. Бадрийга оид]*

Сўнгра, улар бутун дунёда америкалик психологиянинг ҳозирги гегемонлик ҳолатини ва бу ривожланаётган мамлакатларда психология талабалари ўртасида бўйсунишга ва қарамликка қандай ҳисса қўшишини таъкидлайдилар:

*Қўшма Штатлар ўзини психологиясини бутун дунёга зўрлаб ўтказадиган ягона буюк давлат сифатида кўрсатди... Психология АҚШдан дунёнинг бошқа давлатларига экспорт қилинаётган нарсаларнинг ўринлилигига жиддий эътибор кам ёки умуман эътибор берилмаган ҳолда экспорт қилинишида давом этмоқда... Худди шундай, учинчи олам мамлакатларидан келган психологлар АҚШда ва бошқа Ғарб мамлакатларида, уларнинг таълимнинг ўринлилик масаласини ҳисобга олмаган ҳолда ўқитилади. Аслида, давом этаётган экспорт... ва Ғарб мамлакатларидан учинчи олам мамлакатларига қайтиб келган номуносиб тарзда ўқитилган ходимлар қарамликни кучайтиради ва мустамлакачилик орқали татбиқ этилган фойдаланиш анъаналарини давом эттирмоқда. [курсив билан ёзилган изоҳ М. Бадрийга оид]<sup>1</sup>*

Умуман Ғарб психологияси ва хусусан психотерапия, охир-оқибат нотўғри, фойдасиз ва баъзида бутунлай зарарли бўлиб чиққан дунёвий назариялар ва амалиётлар томонидан йиллар давомида чалқаштирган. Масалан, онгсиз жинсий ва тажовузкор мотивацияга нотўғри асосланган Фрейднинг психоаналитик назариялари ва терапияси 70 йилдан ортиқ вақт давомида Ғарб психотерапиясида ҳукмронлик қилган. Кейин эса уни алмаштириш учун кескин бихевиористик парадигма келган. Хулқ-атвор терапияси фобия каби кичик ва ўзига хос касалликлар учун самаралироқ бўлса-да, бу терапия инсон табиатининг маънавий жиҳатлари учун психоанализга кўра кам адоватли эмас. Бироқ, замонавий когнитив инқилоб пайдо бўлиши билан Ғарб психотерапевтлари ўз беморларида онг ва ақлнинг улкан таъсирини тан олишни бошладилар. Бу охир-оқибат беморларнинг диний ва маънавий эътиқодларини ҳурмат қилишга олиб келади.

Бу ҳақиқий инқилобдир, чунки энди маълум бўлдики, на онгсиз жинсий можаролар, на ташқи стимуллар ўз-ўзидан ҳиссий бузилишларнинг сабаблари эмас, балки бу стимуллар ёки тажрибалар ҳақида одамнинг идроки, фикрлари ва мулоҳазалари уни невротик қилади. Шундай қилиб, руҳсиз назарияларнинг чалкаш жойларида кўп йиллар кезиб юргандан сўнг, психотерапия охир-оқибат ҳар доим ҳиссий хасталикларни даволаш учун ишлатилган когнитив муолажанинг соғлом амалиётига қайтади. Илк мусулмон олимларининг Ислом когнитив психологияси ҳақидаги ишлари бобида айтиб ўтганимдек, ушбу когнитив даволаш усуллари бизнинг қадимги мусулмон шифокорларимиз ва табибларимиз томонидан синчковлик билан ўрганилган ва тасвирланган.

Шу йўсинда, агар инсон диндор бўлса, унинг барча ғоялари ва бу дунёдаги тажрибаларни тушуниши диний тусга эга бўлади. Унинг руҳий эътиқодларини билмасдан унга психологик ёрдам кўрсатиш муваффақиятсизликка учрайди. Бинобарин, агар терапевт дунёвий ёндашувнинг баҳолаш бўлмаган, эскирган Ғарб нусхасига амал қилса, у дунёқараши Ислом дин ва турмуш тарзи сифатида шаклланган мусулмон беморларга ёрдам беришга ожиздир.

Мусулмон олимларга, хусусан, кўп вақтини лаборатория ва бошқа тадқиқотларда ўтказадиганларга келсак, умид қиламанки, улар фикр юритувчи иймонлилар сифатидаги мусулмон олимлари ҳақидаги бобимни фойдали деб топишади. Дарҳақиқат, табиий фанларни ўрганаётган кўплаб ёш талабалар олимлар янги технологияларни ихтиро қилишда ёки янги ходисани очишда эмпирик, индуктив ва дедуктив усулларнинг босқичларига қатъий риоя қилишади, деб ҳисоблашади. Шунга қарамай, бакалаврият талабалари томонидан синчковлик билан ўрганиладиган муаммони аниқлаш, фаразияни шакллантириш, тажриба ўтказиш ва маълумотларни топлаш ва кейин фаразияни синаб кўриш учун аниқ белгиланган босқичлар шунчаки умумий қоидалардир. Ички ҳис асосида қутилмаган натижа-

ларга олиб келадиган чуқур фикрлаш ва мулоҳаза юритиш анча кенг тарқалган ва ҳамма қабул қилган ҳол бўлиб, олимлар бунини дарҳол тан олишга тайёр эмаслар. Баъзида кашфиёт ёки ихтиро ҳатто тасодифан содир бўлган ва лаборатория шароитида қайд этилган “хато” натижаси бўлиши мумкин.

Мусулмон олими маънавий ғайратга таяниб, ўзи излаётган “эришиб бўлмайдиган” нарса Аллоҳ билимларининг битмас-туганмас хазинасида сақланишига, шунингдек, машаққатли меҳнати, чуқур тафаккури ва дуолари билан Аллоҳ Таолога мурожаат қилиш орқали муаммони ҳал қилиш учун тушунча олишига қатъий ишонади. Бундай олим атиги масжидда намоз ўқийдиган кишига қараганда кўпроқ ибодат қилувчидир. Дарҳақиқат, гарчи Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда “Ёки музтар (ночор) одам дуо қилганда ижобат этиб, унинг мушкулини осон қилган ҳамда сизни ер юзида халифа қилган Зот яхшими?!” (Қуръон, 27:62) айтса-да, биз кўпинча ақлий фаолият билан боғлиқ муаммоларимизни ҳал қилишда ёки қайғудан халос бўлишни истасак намоз ва дуонинг аҳамиятини унутамиз.

Янги дили ёришишини сабр-тоқат билан кутаётган олимнинг тажрибасини фақат шунга ўхшаш ҳолатни бошидан кечирганлар қадрлашлари мумкин. Мен шахсан фан магистри ва фалсафа доктори даражалари учун ўқиётган, аммо ўзлари хоҳлаган натижаларга эришишда жиддий қийинчиликларга дуч келган икки фидойи мусулмон талабани билар эдим. Улар узоқ соатлаб лабораторияларида ёлғиз ишлашган ва ибодатларида Аллоҳдан ёрдам сўрашган эдилар. Улардан бири, Байрутдаги Америкалик университетиде таҳсил олган талаба одатда тажриба ўтказиш учун асбоб йиғиб, кейин узоқ вақт сажда қилган ва яланг полдан бошини кўтармасдан, кашфиёт учун Аллоҳдан ёрдам сўраган эди. Натижада, улар кутилмаганда тўғри ечимни топдилар - улардан бири ички ҳис билан сезиб тўғри хулосага келди, иккинчиси эса тушида кимёвий формулани олиб, уйғонгач уни ёзди.



Замонавий дунёвий психологлар ва айрим ғарбпараст муслмонлар бу ҳодисани яширин ўрганиш ёки сезгига асосланган гешталт ўрганиш нуқтаи назаридан тушунтиришлари мумкин. Иккинчисига кўра, маймунлар бананни олиш учун иккита қисқа новдани улашни тахмин қилишади, чунки новдаларни алоҳида ишлатганда, уларнинг узунлиги етарли эмас. Тушлар онгсиз жинсий ва тажовузкор ички турткиларни амалга ошириш воситаси сифатида, миянинг кераксиз маълумотлардан халос бўлиш усули сифатида қаралади – яъни, юқорида айтиб ўтилган кимё соҳасидаги мусулмон мутахассислари билан содир бўлган воқеаларнинг мутлақо тескариси. Тушлар, шунингдек, мия маъно беришга ҳаракат қилаётган маъносиз, тасодифий нерв импульслари сифатида қаралади. Бундай дунёвий дунёқарашда Илоҳий билимлар ташувчиси сифатида тушларнинг маънавий жиҳати қабул қилинмайди.

Ғарб олимлари моддий ва жисмоний ўлчов чегараларидан чиқишни хоҳламайсликлари сабабли бундай материалистик тушунтиришга риоя қилишади; ҳодисани тушунтиришга уринишда Худо ёки ҳатто “руҳий” ҳисобга олинмайди. Аксинча, улар ҳодиса ёки воқеани дунёвий атамалар ёрдамида тавсифлаш ва унинг “яроқлилиги” учун янги атамани ихтиро қилиш орқали ушбу ҳодисанинг сирини ҳал қилаётганига ишонишади ва бу атама қўлланилганда психологлар ишонишнинг сохта таассуротларига эга бўлишади. Баъзида бундай атамалар бошқа психологик ҳодисаларни “тушунтириш” учун доиравий шаклда (даврала) ҳам қўлланилади. Масалан, ноаниқ “инонтириш” атамаси кўпинча гипноз пайтида содир бўладиган нарса сифатида тушунтирилади ва “гипноз” инонтириш асосий роль ўйнайдиган онгнинг ўзгарган ҳолати сифатида таърифланади. Гипноз ва инонтиришнинг ҳақиқий табиати, эҳтимол, оддий бихевиористик парадигма сифатида таснифланмаганлиги сабабли замонавий психологияда ҳанузгача ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Мусулмон мутахассислари сифатида биз бундай дунёвий йўналишга эргашишда эҳтиёт бўлишимиз зарур. Агар психологик ҳодиса ёки назария бир неча бор эмпирик усул билан тасдиқланган бўлса ҳам, биз ўзимизга ушбу психологик ҳақиқатни Ким яратганлигини эслатиб, бундай тамойил учун илоҳий ҳикматни излашимиз керак. Ҳар қандай билиш назариялари ёки амалиётларини қабул қилганда, биз доимо Аллоҳ бизга берган тамойилларига амал қилишимиз ва Унга миннатдор бўлишимиз лозим, сабаби деганда ҳеч ким У Ўзи Қуръони Каримда айтганидек, Унинг иродасисиз янги билимларга эга бўла олмайди.

## ИЗОҲЛАР

### БИРИНЧИ БОБ

1. Дж. Б. Уотсон, “Бихевиоризм” (Лондон: У. Нортон и Ко, 1970), 9-бет. Асл нусха: J. B. Watson, Behaviourism (London: W. Norton & Co., 1970), p.ix.
2. Дж. Б. Уотсон, “Бихевиоризм” (Лондон: У. Нортон и Ко, 1970), 9-бет.
3. Джон Экклс, “Миянинг Ривожланиши: Ўзини Яратиш” (Лондон: Рутледж Паблишерз, 1991), 225-бет. Асл нусха: John Eccles, Evolution of the Brain: Creation of the Self (London: Routledge Publishers, 1991), p.225.
4. Малик Бадрий, “Илм ан-Нафс мин Манзур ИсломиЙ”. (Хартум: ХИТИ, 1987) Асл нусха: Malik B. Badri, ‘Ilm al-Nafs min Manzūr Islāmī. (Khartoum: ШТ, 1987)
5. Г. Ю. Айзенк, “Психология - бу одамлардир” (Лондон: Пенгуин Пресс, 1972), 300-бет. Асл нусха: Н. J. Eysenck, Psychology is about People (London: The Penguin Press, 1972), p.300.
6. Томас Кун, “Илмий Инқилоблар Тузилиши”. (Чикаго: Чикаго Университети Матбуоти, 1970) Асл нусха: Thomas Kuhn, The Structure of Scientific Revolutions. (Chicago: University of Chicago Press, 1970)
7. Джон Экклс, “Миянинг Ривожланиши: Ўзини Яратиш”.
8. Джон Экклс, “Миянинг Ривожланиши: Ўзини Яратиш”.
9. Карл Поппер ва Джон Экклс, “Инсон ва Унинг Мияси” (Лондон: Рутледж Паблишерз, 1990), 372-бет. Асл нусха: Karl Popper and John Eccles, The Self and Its Brain (London: Routledge Publishers, 1990), p.372.
10. У. Уттал, “Ақл Психобиологияси”. (Лондон: Джон Вайли Паблишерз, 1978) Асл нусха: W. Uttal, The Psychobiology of the Mind. (London: John Wiley Publishers, 1978)
11. Дж. Ч. Пирс, “Эволюциянинг охири” (Сан Франциско: Харпер Коллинз Паблишерз, 1992), 103-104-бет. Асл нусха: J. C. Pearce, Evolution’s End (San Francisco: Harper Collins Publishers, 1992), pp. 103 and 104.
12. Дж. Ч. Пирс, “Эволюциянинг охири”, 103-бет.
13. Дж. Ч. Пирс, “Эволюциянинг охири”, 104-бет.

14. Дж. Ч. Пирс, “Эволюциянинг охири”, 104-105-бет.
15. Абу Ҳомид Ал-Ғаззолий, “Ихё Улум ад-Дин”. (Байрут: Дорул Қалам) Асл нусха: Abū Ḥāmid al-Ghazālī, Iḥyā’ ‘Ulūm al-Dīn. (Beirut: Dār al-Qalam, n.d.)
16. Юсуф Башир ат-Тижоний, “Дивон ишроқа” (Байрут: Дорус Сакофа, 1972) Асл нусха: Yusuf Bashir al-Tijani, Dīwān Ishrāqah. (Beirut: Dār al-Thaqāfah, 1972)
17. Аббос Маҳмуд Ал-Аққод, “Ал-Луға аш-Шоира”. (Қоҳира: Мактабат Ғариб) Асл нусха: Abbas Mahmud al-Aqqad, Al-Lughah al-Shāirah. (Cairo: Maktabat Gharīb, n.d.)
18. Аббос Маҳмуд Ал-Аққод, “Ал-Луға аш-Шоира”, 70-бет.
19. Анвар ал-Жундий, “Ал-Фусха: Луғатул Қуръон” (Байрут: Дорул Китоб ал-Лубноний, 1982), 27-бет. Асл нусха: Anwar al-Jundi, Al-Fuṣḥā: Lughat al-Qur’ān(Beirut: Dār al-Kitāb al-Lubnānī, 1982), p.27.

## ИККИНЧИ БОБ

1. Ибн ал-Қоййим ал-Жавзийя, “Мифтоҳ Дорус Саодах” (Рияд: Риосат ал-Ифто), 183-бет. Асл нусха: Ibn Qayyim al-Jawziyyah, Miḥtāḥ Dār al-Sa’ādah (Riyadh: Ri’āsāt al-Iftā’, n.d.), p.183.
2. Абу Зайд ал-Балхий, “Масалиҳ ал-Абдан ва ал-Анфус”, MS 3741. (Истанбул: Аё София Кутубхонаси) Араб-Ислому фанлари институтининг фотокопияси, Франфурктмайн, 1984-й. Асл нусха: Abū Zayd al-Balkhī, Maṣāliḥ al-Abdān wa al-Anfus, MS 3741, (Istanbul: Ayasofya Library) Photocopied by the Institute of Arabic-Islamic Sciences, Frankfurt A.M.,1984.
3. Аарон Т. Бек, “Когнитив Терапия ва Ҳиссий Бузилишлари” (Нью Йорк: Янги Америка Кутубхонаси, 1976), 29-35-бет. Асл нусха: Aaron T. Beck, Cognitive Therapy and the Emotional Disorders (New York: New American Library, 1976), pp.29–35.
4. Ибн ал-Қоййим ал-Жавзийя, “Ал-Фавоид” (Байрут: Дорун Нафоис, 1981), 173-бет. Асл нусха: Ibn Qayyim al-Jawziyyah, Al-Fawā’id (Beirut: Dār al-Nafā’is, 1981), p.173.
5. Ибн ал-Қоййим, “Ал-Фавоид”.
6. Ал-Ғаззолий, “Ихё Улум ад-Дин”, 3-жилд, 56-59-бет.

7. Ал-Ғаззолий, “Иҳё Улум ад-Дин”, 3-жилд, 56-59-бет.
8. Ал-Ғаззолий, “Иҳё Улум ад-Дин”, 3-жилд, 56-59-бет.
9. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий, “Ал-Ҳикма фий Махлуқот Аллоҳ” (Байрут: Дор Ихё ал-Улум, 1984), 13-14-бет. Асл нусха: Abū Ḥāmid al-Ghazālī, *Al-Ḥikmah fi Makhlūqāt Allāh* (Beirut: Dār Iḥyā’ al-‘Ulūm, 1984), pp.13 and 14.
10. Ибн ал-Қоййим, “Мифтоҳ Дорус Саодаҳ”, 180-бет.
11. Ибн ал-Қоййим, “Мифтоҳ Дорус Саодаҳ”, 180-бет.
12. Ал-Ғаззолий, “Иҳё Улум ад-Дин”, 4-жилд, 389-бет.
13. Ал-Ғаззолий, “Иҳё Улум ад-Дин”, 4-жилд, 388-бет.
14. Ал-Ғаззолий, “Иҳё Улум ад-Дин”, 4-жилд, 388-389-бет.
15. Ибн ал-Қоййим, “Мифтоҳ Дорус Саодаҳ”, 180-бет.
16. Ибн ал-Қоййим ал-Жавзийя, “Мадорижус Соликийн”, Абдулмуним ас-Салиҳ муҳаррирлиги остида. (Бирлашган Араб Амирликлари: Визоратул Авкоф) Асл нусха: Ibn Qayyim al-Jawziyyah, *Madārij al-Sālikīn*, ed., Abd al-Munim al-Salih (The Emirates: Wizārat al-Awqāf, n.d.)
17. Ибн Таймия, “Мажму Фатово ал-Имом Аҳмад Ибн Таймия” (Ар-Риёд: Матоби ар-Риёд), 10-жилд, 221-225-бет. Асл нусха: Ibn Taymiyyah, *Majmū’ Fatawā al-Imām Aḥmad ibn Taymiyyah*, (Riyadh: Maṭābi’ al-Riyāḍ, n.d.), vol. 10, pp. 221–225.
18. Муҳаммад ал-Ғаззолий, “Фикҳус Сийра” (Байрут: Дорул Кутуб ал-Ҳадиса, 1960), 190-бет. Асл нусха: Muhammad al-Ghazali, *Fiqh al-Sīrah* (Beirut: Dār al-Kutub al-Ḥadīthah, 1960), p.190.
19. Ал-Ғаззолий, “Фикҳус Сийра”, 190-бет.
20. Шуниси қизикки, Фрейд ўзининг асосий жинсга йўналтирилган назарияларини ёзган бутун давр мобайнида у кокаинга қарам бўлган. Шу тариқа, унинг талабаларга “фан” сифатида тақдим этилаётган жинсга йўналтирилган назарияларининг аксарияти, аслида, ихтирочи гиёҳванднинг пойинтар-сойинтар ҳикояларидан бошқа нарса эмасдир.

## УЧИНЧИ БОБ

1. Малик Бадрий, “ОИТС Инқирози: Исломи Ижтимои-Маданий Нуқтаи назар” (Малайзия: Ислом Тафаккури ва Цивилизацияси Нашри)

- Асл нухса: Malik B. Badri, *The Aids Crisis: An Islamic Socio-Cultural Perspective*. (Malaysia: ISTAC Publications, 1997)
2. И. С. Бенгелсдорф “Спиртли ичимликлар ва морфинга қарамлик кимёвий жиҳатдан ўхшаш деб ишонилади”, 1970-й 5-март, Лос-Анжелес Таймс, II, 7. Р. К. Карсон, Ж. Н. Батчер ва Ж. К. Коулмэн, “Ғайритабиий психология ва замонавий ҳаёт” асарида иқтибос келтирилган, 8-нашр (Лондон: Скотт, Форман & Ко, 1988), 368-бет. Асл нухса: I. S. Bengelsdorf, ‘Alcohol and morphine addictions believed to be chemically similar’, 5 March 1970, Los Angeles Times, II, 7, cited in R. C. Carson, J. N. Butcher and J. C. Coleman, *Abnormal Psychology and Modern Life*, 8th edn., (London: Scott, Foreman & Co., 1988), p.368.
  3. Герберт Бенсон, “Абадий Шифо” (Лондон: Саймон & Шустер, 1996), 272-274-бет. Сьюзан Р. Берчфилд, “Стресс: Психологик ва Физиологик Ўзаро Таъсирлар” (Лондон: МакГроу Хилл Букс, 1985), 113-бет. Асл нухса: Herbert Benson, *Timeless Healing* (London: Simon & Schuster, 1996), pp.272–274. See also Susan R. Burchfield, *Stress: Psychological and Physiological Interactions* (London: McGraw Hill Books, 1985), p.113.
  4. “Органик фикрлайдиган” - бу бузилишлар этиологиясида (касалликнинг келиб чиқиш сабабларида) психологик жиҳатларнинг аҳамиятини пасайтирадиган ва дори-дармонлардан фойдаланишнинг физиологик томонлари ва аҳамиятини бўрттириб кўрсатадиган тиббий амалиётчиларни тавсифловчи умумий таъриф.
  5. Герберт Бенсон, “Бўшашиш реакциясидан ташқари: Шахсий эътиқодларингизнинг шифобахш кучидан қандай фойдаланиш керак”, (Нью-Йорк: Беркли Букс, 1985) Асл нухса: Herbert Benson, *Beyond the Relaxation Response: How to Harness the Healing Power of your Personal Beliefs* (New York: Berkley Books, 1985)
  6. Герберт Бенсон, “Абадий Шифо”.
  7. С. Вольф, “Кимёвий воситаларнинг одамларга таъсири бўйича инонтириш ва шарт қилиб қўйишнинг таъсири: плацебо фармакологияси”, Клиник тадқиқотлар журнали 29 (1950), 100-109-бет. Асл нухса: S. Wolf, ‘Effects of Suggestion and Conditioning on the Action of Chemical Agents on Human Subjects: the Pharmacology of Placebos’, *Journal of Clinical Investigation* 29 (1950), pp.100–109.
  8. Ж. П. Пинел, “Биопсихология” (Бостон: Эллин & Бэйкон, 1993), 591-593-бет. Асл нухса: J. P. Pinel, *Biopsychology* (Boston: Allyn & Bacon,

1993), pp.591–593.

9. Герберт Бенсон, “Бўшашиш реакциясидан ташқари...”
10. Герберт Бенсон, “Бўшашиш реакциясидан ташқари...”
11. Герберт Бенсон, “Бўшашиш реакциясидан ташқари...”
12. Герберт Бенсон, “Бўшашиш реакциясидан ташқари...”
13. Л. Ле Шан, “Қандай қилиб медитация қилиш керак”. (Лондон: Бентам Букс, 1988) Асл нусха: L. Le Shan, *How to Meditate*. (London: Bantam Books, 1988)
14. Л. Ле Шан, “Қандай қилиб медитация қилиш керак”, 109-бет.
15. Герберт Бенсон, “Бўшашиш реакциясидан ташқари...”, 111-бет.
16. Абу Аъла Маудуди, “Мабоди ул-Исломи”. (Дамашк: Дорул Куръонул Карим, 1977) Асл нусха: Abul A’la Mawdudi, *Mabādi’ al-Islām* (Damascus: Dār al-Qur’ān al-Karīm, 1977)
17. Герберт Бенсон, “Абадий Шифо”.
18. Герберт Бенсон, “Абадий Шифо”, 177-бет.
19. Аҳмад Элкади, “Салбий ҳис-туйғуларни йўқ қилишнинг Куръон тушунчалари: Куръоннинг шифобахш таъсирининг яна бир жиҳати”, Куръон ва Суннатнинг илмий аломатлари бўйича 5-халқаро конференцияда тақдим этилган нашр этилмаган маъруза, Москва, Россия, 1993-й сентябрь ойи. Асл нусха: Ahmed Elkadi, ‘*Quranic Concepts for Eliminating Negative Emotions: Another Aspect of the Healing Effects of the Quran*’, unpublished paper presented at the 5th International Conference on the Scientific Signs of Qur’an and Sunnah, Moscow, Russia, September 1993.
20. Муҳаммад Хаир ал-Иргисуси, “Юқори қон босимини даволашга мушакларнинг бўшашиши ва Исломиий ибодатнинг таъсири”, докторлик диссертацияси. (Хартум университети, 1992) Тадқиқот дастлаб магистрлик даражаси учун рўйхатдан ўтган, лекин унинг пухталиги ва ҳиссаси учун ва философиядаги докторлик даражасига кўтарилган ва 1992 йилда берилган. See Muhammad Khair al-Irgisoosi, ‘*The Influence of Muscular Relaxation and Islamic Prayer in the Treatment of Essential Hypertension*’, Ph.D. thesis. (University of Khartoum, 1992) The study was originally registered for the M.A. degree, but was elevated to Ph.D. for its thoroughness and contributions, and the degree was conferred in 1992.
21. Герберт Бенсон, “Абадий Шифо”, 158-бет.

22. Герберт Бенсон, “Абадий Шифо”, 158-159-бет.
23. Л. Ле Шан, “Қандай қилиб медитация қилиш керак”, 77-бет.
24. Ибн ал-Қоййим, “Мадорижус Соликийн”, 31-32-бет.
25. Ибн Таймия, “Мажму Фатово...”, 10-жилд, 647-бет.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

1. Юсуф Али, “Қуръони Карим: матн таржимаси ва шарҳлари” (Мэриленд: Амана Корпорейшн, 1989), 582-бет, 12:105 ояти учун 1788-изоҳи. Асл нусха: Yusuf Ali, The Holy Qur’ān: Text Translation and Commentary (Maryland: Amana Corporation, 1989), p.582, fn.1788 for verse 12:105.
2. Сайид Қутб, “Фий зилолул Қуръон” (Байрут: Дорул Шурук), 5-жилд, 2809-бет. Асл нусха: Sayyid Qutb, Fī zilāl al-Qur’ān (Beirut: Dār al-Shurūq, n.d.), vol.5, p.2809.
3. Ал-Ҳофиз ибн Касир, “Тафсирул Қуръонил Азийм” (Байрут: Дорул Маърифа, 1969), 1-жилд, 438-бет. Асл нусха: Al-Ḥāfiẓ ibn Kathīr, Tafsīr al-Qur’ān al-‘Aẓīm (Beirut: Dār al-Ma’rifah, 1969), vol. 1, p.438.
4. Герберт Бенсон, “Абадий Шифо”, 68-69 ва 74-бет.
5. Сайид Қутб, “Фий зилолул Қуръон”, 6-жилд, 3279-3280-бет.

## БЕШИНЧИ БОБ

1. Ушбу оят Муҳаммад Асад томонидан таржима қилинган ва шарҳланган. “Қуръон Хабарлари”. (Гибралтар: Дорул Андалус, 1980) Асл нусха: Muhammad Asad, The Message of the Qur’ān. (Gibraltar: Dar al-Andalus, 1980)
2. “Биз унга (Довудга) сизлар учун сизни ёмонликдан сақлайдиган кийим қилиш санъатини ўргатдик. Энди шукр қиларсизлар?!”. “Лабус” (labūs) сўзи “кийим” деган маънони англатади. Бирок, бу атама баъзан Исломгача бўлган араб дунёсида “совут” маъносида ишлатилганлиги сабабли, классик шарҳловчилар юқоридаги матнда уни бу маънога эга деб ҳисоблашади. Шунга кўра, улар “баъс” (ba's) атамасини “уруш” ёки “ҳарбий зўравонлик” деган иккинчи маъносида тушунадилар ва оятнинг тегишли қисмини шу тарзда талқин қилишади: “Биз унга сизни ҳарбий зўравонликдан ҳимоя қилишлари мақсадида сиз учун совут



ясашни ўргатдик”. Шуни эса тутиш керакки, “баъс” сўзи ҳам “зарар”, “муаммо”, “қайғу” ва ҳоказоларни, шунингдек, “хавф” деган маъноларни англатади; демак, бу кенг маънода азоб-уқубат ёки кўрқувни келтириб чиқарадиган ҳамма нарсани билдиради. Агар охириги маънони оладиган бўлсак, унда “лабус” атамасини асл маъносида “кийим” деб тушуниш мумкин – бу ҳолда эса Қуръонда айтилганидек (7:26) “тақводорлик кийими” (либос ут-тақво) метафораси сифатида тушунса бўлади. Юқоридаги оятнинг шу маънода талқин қилиш, Аллоҳ Таоло Довуд алайҳиссаломга ўз издошларига одамлардан кўркиш ёки номаълумдан кўркиш бўладими, барча ташвишлар ва кўрқувлардан халос бўлишга ёрдам берадиган тақводорлик туйғусини сингдиришни ўргатган деган фикрни ифодалайди. “Энди шукр қиларсизлар?!” деган якуний риторик савол қоида тариқасида, инсон инъомдан тўлиқ хабардор эмас ва шунинг учун Аллоҳ унга берган маънавий неъматлар учун чинакам миннатдор бўлмаслигини англатади. 497-бет, 21:80 ояти учун 74-изоҳ.

## ОЛТИНЧИ БОБ

1. Ибн ал-Қоййим, “Ал-Фавоид”, 235-бет.
2. Жалолоддин ас-Суютий, “Жомий ас-сағир”, 1-жилд, 514-бет.
3. Муҳаммад Иброҳим ал-Фаюмий, “Ал-Имом ал-Ғаззолий ва Алоқотул Яқин би ал-Ақл” (Қоҳира: Дорул Фикр ал-Арабий), 38-39-бет. Асл нусха: Muḥammad Ibrāhīm al-Fayūmī, Al-Imām al-Ghazālī wa ‘Alāqāt al-Yaqīn bi al-‘Aql (Cairo: Dār al-Fikr al-‘Arabī, n.d.), pp.38–39.
4. Ибн ал-Қоййим, “Ал-Фавоид”, 235-бет.
5. Ал-Ғаззолий, “Иҳё Улум ад-Дин”, 4-жилд, 62-бет. Ал-Ғаззолий, “Ўлим ва Охиратни Зикр қилиш”. (“Иҳё Улум ад-Дин” асарининг улкан китоби) Т. Ж. Винтернинг сўз боши билан таржима қилинган. (Кембриж: Исломий Матнлар Жамияти, 1989) Асл нусха: See also, al-Ghazālī, *The Remembrance of Death and the After Life*. (Book XL of the *Iḥya’ Ulūm al-Dīn*) Translated with introduction by T. J. Winter, (Cambridge: Islamic Texts Society, 1989)
6. Саҳиҳи Бухорий ва Саҳиҳи Муслимда ривоят қилинади. Абу Закарийё ан-Нававий, “Риёзус Солиҳийн”, инглиз тилига Мадани Аббаси таржима қилган (Ар-Риёд: Ал-Матбаъа ад-Дувалийя ал-Исломийя), 2-жилд, 920-бет. Abū Zakariyya al-Nawawī, *Riyāḍh al-Ṣāliḥīn*, English translation

- by Madani Abbasi, (Riyadh: Al-Maṭba'ah al-Duwaliyyah al-Islāmiyyah, n.d.), vol. 2, p.920.
7. Аҳмад ибн Ҳанбал, “Китобуз-зуҳд” (Байрут: Дорул Кутуб ал-Илмийя, 1983), 398-бет. Асл нусха: Aḥmad ibn Ḥanbal, Kitāb al-Zuhd (Beirut: Dār al-Kutub al-‘Ilmiyyah, 1983), p. 398.
  8. Имом Молик ва ат-Термизийдан ривоятлари. Муҳаммад ибн Сулаймон, “Жамъ ал-Фавоид” (Кипр: Файсал ал-Исломий Банки, 1985), 2-жилд. Асл нусха: Muḥammad ibn Sulaymān, Jam’ al-Fawā'id, (Cyprus: Bank Fayṣal al-Islāmī, 1985), vol. 2.
  9. Аҳмад ибн Ҳанбал, “Ал-Муснад”; Муҳаммад Носириддин ал-Албоний, “Саҳиҳ ал-Жамиъ ас-Сағийр ва Зиёдати лий ас-Суютий” (Байрут: Ал-Мактаб ал-Исломий), 931-бет, 5250-ҳадис. Асл нусха: Aḥmad ibn Ḥanbal in Al-Musnad (n.d.) and documented by Muḥammad Nāṣir al-Dīn al-Albānī, Ṣaḥīḥ al-Jami’ al-Ṣaḡhīr wa Ziyādatih li al-Suyūṭī (Beirut: Al-Maktab al-Islāmī, 1986), p.931, Hadith no. 5250.
  10. Ал-Ҳорис ал-Муҳосибий, “Китоб ат-Таваҳхум” (Ҳалаб: Дорул Ваъй), 1-18-бет. Асл нусха: Al-Ḥārith al-Muḥāsibī, Kitāb al-Tawahhum (Aleppo: Dār al-Wa'y, n.d.), pp.1–18.
  11. Сайид Қутб, “Қуръон сояси остида” (Лондон: MBX Паблишерз, 1979), 30-жилд, 62-65-бет. Асл нусха: Sayyid Qutb, In the Shade of the Qur'an (London: MWN Publishers, 1979), vol. 30, pp.62–65.

## ЕТТИНЧИ БОБ

1. Ал-Ғаззолий, “Ихё Улум ад-Дин”, 4-жилд, 388-389-бет.
2. Г. Ю. Айзенк, “Инсон шахсиятининг тузилиши”. (Лондон: Метуэн, 1970) Асл нусха: Н. J. Eysenck, The Structure of Human Personality (London: Methuen, 1970)
3. Малик Бадрий, “ОИТС Инкирози: Исломий Ижтимои-Маданий Нуктаи назар”.
4. Саҳиҳи Бухорий; ас-Суютий “Ал-Жомийъ”, 1-жилд, 235-бет. Асл нусха: Authenticated by al-Bukhārī and recorded in al-Suyūṭī, Al-Jāmi’, vol. 1, p.235.
5. Фритъоф Капра, “Физика Даоси” (Глазго: Харпер Коллинз Паблишерз, 1992), 11-бет. Асл нусха: Fritjof Capra, The Tao of Physics

(Glasgow: Harper Collins Publishers, 1992), p.11.

6. Имом Термизий Абу Хурайрадан ривоят қилган.
7. Ибн ал-Қоййим, “Мадорижус Соликийн”, 632-бет.
8. Ибн ал-Жавзий, “Сайдул Хотир”, муҳаррир – Али ат-Тантави (Дамашк: Дорул Фикр, 1978), 148-149-бет. Асл нусха: Ibn al-Jawzī, Sayd al-Khāṭir, ed., Ali al-Tantawi, (Damascus: Dār al-Fikr, 1978), pp. 148-149.

## САККИЗИНЧИ БОБ

1. Л. Малпасс, “Инсон хулқ-атвори” (Нью-Йорк: МакГроу Хилл, 1966), 3-бет. Асл нусха: L. Malpass, Human Behavior (New York: McGraw Hill, 1966), p.3.
2. Жон Кловвер Монсма, “Кенгайиб бораётган Коинотда Худонинг Мавжудлигига Далиллар”. (Ж. П. Путмэн & Сонс Паблишерз, 1958) Асл нусха: John Clover Monsma, ed., Evidence of God in an Expanding Universe. (G. P. Putman & Sons Publishers, 1958)
3. ал-Ғаззолий, “Ал-Ҳикма фий Махлуқот Аллоҳ”, 87-95-бет.
4. Мустафо Маҳмуд, “Луғзул Ҳайё” (Қоҳира: Дорул Наҳда ал-Арабийя), 47-49-бет. Асл нусха: Mustafa Mahmud, Lughz al-Ḥayāh (Cairo: Dār al-Nahḍah al-‘Arabiyyah, n.d.), pp.47–49.
5. Али Ибн Абу Толиб, “Нажхул Балоға: Сўзамоллик йўли”. Саед Али Реза томонидан таржима қилинган (Нью-Йорк: Тахрике Тарсиле Куръон, 1985), 370-371-бет. Асл нусха: ‘Alī ibn Abī Ṭalib, Nahjul Balagha: Peak of Eloquence. Translated by Sayed Ali Reza, (New York: Tahrike Tarsile Qur’an, Inc., 1985), pp.370–371.
6. Ибн ал-Қоййим, “Мифтоҳ Дорус Саодах”, 242-243-бет.
7. Ибн ал-Қоййим, “Мифтоҳ Дорус Саодах”, 242-243-бет.
8. Аз-Замахшарий, “Тафсирул Кашшоф” (Қоҳира: Ал-Магаба ат-Тижорийя, ҳижрий 1354), 1-жилд, 57-бет. Асл нусха: Al-Zamakhsharī, Tafsiṛ al-Kashshāf (Cairo: Al-Maktabah al-Tijāriyyah, 1354ah), vol.1, p.57.
9. Аз-Замахшарий, “Тафсирул Кашшоф”.
10. ал-Ғаззолий, “Ал-Ҳикма фий Махлуқот Аллоҳ”, 83-бет.
11. ал-Ғаззолий, “Ал-Ҳикма фий Махлуқот Аллоҳ”, 68-бет.
12. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади. ас-Суютий “Ал-Жомий”,

2-жилд, 182-бет.

13. Зигрид Хунке, “Аллоҳнинг Офтоби Ғарбда Порлайди”. Араб тилига Фаруқ Байдун ва Камал Дасуқи томонидан таржима қилинган (Байрут: Дорул Афок ал-Жадида), 369-бет. Асл нусха: Sigrid Hunke, *The Sun of Allah Shines on the West*. Translated into Arabic by Faruq Baydun and Kamal Dasuqi, (Beirut: Dār al-Āfāq al-Jadīdah, n.d.), p. 369.
14. Зигрид Хунке, “Аллоҳнинг Офтоби Ғарбда Порлайди”.
15. Зигрид Хунке, “Аллоҳнинг Офтоби Ғарбда Порлайди”.
16. Зигрид Хунке, “Аллоҳнинг Офтоби Ғарбда Порлайди”, 289-бет.
17. Монтгомери Уотт, “Ўрта аср Европасига Ислоннинг Таъсири” (Эдинбург: Эдинбург Университети Матбуоти, 1987), 38-бет. Асл нусха: W. Montgomery Watt, *The Influence of Islam on Medieval Europe* (Edinburgh: Edinburgh University Press, 1987), p.38.
18. ал-Балхий, “Масалиҳ ал-Абдан ва ал-Анфус”, 270-271-бет.
19. ал-Балхий, “Масалиҳ ал-Абдан ва ал-Анфус”, 307-бет.
20. Малик Бадрий, “Абу Зайд ал-Балхий: Психиатрияга Қўшган Ҳиссаси Ўн Аср Ўтгандан кейин Тан олинган Даҳоси”, Малайзиялик Психиатрия журнали, 6-жилд, №2, 1999-йили сентябрь ойи, 48-53-бетлар. Асл нусха: Malik B. Badri, ‘Abū Zayd al-Balkhī: A Genius Whose Contributions to Psychiatry Needed more than Ten Centuries to be Appreciated’, *Malaysian Journal of Psychiatry*, vol.6, no.2, September 1999, pp.48–53.
21. ал-Балхий, “Масалиҳ ал-Абдан ва ал-Анфус”, 316-319-бет.
22. ал-Албоний, “Саҳиҳ ал-Жамиъ ас-Сағийр”, 2-жилд, 776-бет.
23. Скотт Пек, “Ёлғоннинг Одамлари: Инсон Ёвузлигининг Давосига Умид” (Лондон: Эрроу Букс, 1990), 43-бет. Асл нусха: M. Scott Peck, *People of the Lie: Hope for Healing Human Evil* (London: Arrow Books, 1990), p.43.
24. Скотт Пек, “Рухни Рад этиш: Эвтаназия ва Ўлим ҳақидаги Маънавий ва Тиббий Қарашлар” (Хемел-Хемпстед, БК: Саймон & Шустер, 1997), 121 ва 131-бет. Асл нусха: M. Scott Peck, *Denial of the Soul: Spiritual and Medical Perspectives on Euthanasia and Mortality* (Hemel Hempstead, UK: Simon & Schuster, 1997), pp.129 and 131.
25. Герберт Бенсон, “Абадий Шифо”, 202 ва 208-бет.

26. Роналд С. Валле ва Ролф вон Эккартсберг, “Онг Истиоралари” (Нью-Йорк: Пленум Пресс, 1981; Лондон: Пленум Паблишинг, 1994), 9-12-бет. Асл нухса: Ronald S. Valle and Rolf von Eckartsberg, *Metaphors of Consciousness* (New York: Plenum Press, 1981; London: Plenum Publishing, 1994), pp.ix–xii.
27. Роналд С. Валле ва Ролф вон Эккартсберг, “Онг Истиоралари”, 200-бет.
28. Сайид Кутб, “Фий зилолул Қуръон”, 1-жилд, 25-26-бет.
29. Имом Термизий; Муҳиддин ан-Нававий, “Ал-Азкор ал-Мунтахаб мин Калом Сайид ал-Аброр” (Байрут: Ал-Мактаба ас-Сакофийя, 1983), 171-бет. Асл нухса: *Authenticated by al-Tirmidhī and recorded in Muḥyī al-Dīn al-Nawawī, Al-Adhkār al-Muntakhab min Kalām Sayyid al-Abrār* (Beirut: Al-Maktabah al-Thaqāfiyah, 1983), p.171.
30. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади. Имом Бухорий; Имом Муслим; ас-Суютий “Ал-Жомий”, 1-жилд, 332-бет, ҳадис № 2176.
31. Имом Бухорий; ас-Суютий “Ал-Жомий”, 1-жилд, 646-бет, ҳадис № 4191.
32. Имом Бухорий; ибн Сулаймон, “Жамъ ал-Фавоид”, 2-жилд, 476-бет, ҳадис № 10/8294.

## **ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ**

1. Жаҳон Психологияси Журнали, 1:4, 1995, 53-54-бет.



**И**нсоният инкирозга учради ва бизнинг ҳаёти-мизда ва умуман дунёда нима нотўғри эканлигини жуда озчилигимиз тушунишга қодир. Бу қандай содир бўлди ва одамлар қандай қилиб инсониятдан “ажралиб қолишди”? Нега тушқунлик, ташвиш, қўрқув ва ўз жонига қасд қилиш каби руҳий ҳасаликлар кўпаймоқда ва нима учун оддий Ғарб даволаш усуллари бу тўлқинни тўхтата олмайди? Бунга яқинлашиш учун биз, аввало, ўзимизга қарашимиз керак — ҳаётдаги ўз мақсадимизни ўрганишимиз ва бу тамойилни бутун инсониятга тарқатишимиз зарур. Замонавий Ғарб психологиясининг ютуқларига ва ҳақиқатан ҳам кўпчиликка ёрдам берадиган даволаш усуллари ривожланишига қарамай, асосан ўрганилмаган битта соҳа мавжуд. Бу “инсон руҳи” ва маънавийликдир, чунки бу соҳа инсон ақлини ташқи қўзғовчиларга таъсир қилувчи “машина” сифатида кўриб чиқиш учун энг мосдир.

Малик Бадрий инсон ақли ва унинг инсон руҳи билан алоқасини буюк ўрганишда китобхонни тафаккур, мулоҳаза ва медитация амалиёти орқали ўз-ўзини билиш, мақсадга эришишга интилувчанлик ва маънавийлик эшигини очишга, шунингдек, яратилишдаги ўз ўрнини билишга ва маънавийликнинг ҳақиқий маъно ва тажрибани тушунишга таъриф қилади. Бу Исломда ибодат қилишда марказий ўринни эгаллайди, у ҳар қандай китобхон учун ҳам қатъий қизиқиш уйғотади ва маънавийлик тушунчасини, хоҳ ибодатнинг бир қисми бўлсин, хоҳ ўзини ўзи ривожлантириш ва ички муолажанинг бир қисми бўлсин, ўрганишни истаган ҳар бир кишига ёрдам беради.

*Малик Бадрий Иломий мушоҳада амалиётининг чуқурлиги ва кенлигини очиб бериб, буюк ишни амалга оширди. Тафаккурда иштроқ эътибордан юқори қобилият даражасини тушуниб, у, аввалданбор, мусулмонларни ўзларининг олий лаёқатларига эргашшига ва шу билан бутун инсоният учун фойдали бўлишига илҳомлантириши мумкин бўлган Иломининг маънавий юксак, тўлиқ инсоний ва чинакам ахлоқ қарашининг тиклаши йўлини кўрсатади.*

**Доктор Жерми Хензелл-Томас**  
*Кембриж Университети Иломи тадқиқотлари марказининг илмий ходими. (ва собиқ таълим таълим илмий ходими)*

*“Мушоҳада” бу ҳаётни ўзгартирувчи китобдир. У одатда психология деб ҳисобланадиган нарсага маънавийлик сингдиради; нафақат назарий жиҳатдан, балки Юракка таъсир қиладиган тарзда ҳам.*

**Профессор Абдур-Расмид Скиннер**  
*Маслаҳатчи, Клиник Психолог*

**МАЛИК БАДРИЙ** — хизмат кўрсатган психология профессори (Аҳфад университети, Судан), ҳозирда Сабаҳаттин Заим Университетига жўнатилган (Истанбул, Туркия). У Малайзия Халқаро Иломи Университетидаги Иломий ваҳий фанлари ва гуманитар фанлар куллийясининг Ибн Халдун кафедраси мудири. Малакали терапевт, у турли халқаро университетларда профессор, кафедра мудири, факултет декани ва ректор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган. У ЮНЕСКОнинг психология бўйича собиқ эксперти (Педагогика институти, Эфиопия (1973-74)) ва Анъанавий тиббиёт амалиёти комитети хузуридаги ЖССТ собиқ эксперти. (1980-84) Китоблар ва кўплаб мақолалар муаллифи, у кўпгина мукофотларга, шу жумладан 2003-йилда академик ютуқлар учун Судандаги энг юқори академик мукофоти Зубаир мукофотига сазовор бўлган.

